

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИНИ
ЎҚИТИШДАГИ ИЛҒОР ХОРИЖИЙ
ТАЖРИБАЛАР”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент 2017

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----|
| I. ИШЧИ ДАСТУР | 3 |
| II. МОДУЛНИ ҲАҚИДА ҚОЎЛДАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАЙЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ..... | 9 |
| III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ | 0 |
| IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ..... | 52 |
| V. КЕЙСЛАР БАНКИ..... | 69 |
| VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ | 97 |
| VII. ГЛОССАРИЙ..... | 98 |
| VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ | 108 |

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbirlари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратadbirlари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “География фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

“География фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар” курсининг мақсади тингловчиларни ҳозирда мавжуд бўлган хорижий замонавий таълим инновациялари билан таништириш ва ана шу инновациялар ва технологиялардан ўқув жараёнида моҳирона фойдаланиш малакасини шакллантиришдан иборат.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“География фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини География таълимига оид билимларини такомиллаштириш, шунингдек География фанининг назарий ва методологик асосларига доир чет эл тажрибалари ва муаммоларни аниқлаш ва таҳлил этишдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

География фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар назариясини чуқур ўргатиш, ҳамда ўқитиш жараёнининг таркибий қисмлари, мақсади,

мазмуни, ўқитиш услублари, натижалари ўртасидаги боғланишларни асослаб бериш. Шунингдек хориждаги олий ўқув юртларидаги ўқитиш тажрибалари билан ҳам таништиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“География фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида

Тингловчи:

- География соҳаси бўйича Республикада илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришнинг устивор йўналишларини ва уларнинг моҳиятини;

- янги инновацион ва педагогик технологияларни ва уларнинг халқаро қиёсий таҳлилини;

- География соҳасига оид янги назарий қарашлар ва концепцияларни, илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилишни;

- География соҳасига оид амалий ва назарий масалаларини ечиши, янги технологияларни ва дастурлар пакетларини қўллашни;

- ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методлар тадқиқот қилиши ва ишлаб чиқишни *билиши зарур*;

Тингловчи:

- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;

- намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиши ва уларнинг натижаларини қайта ишлаш;

- География фанлар соҳасида ахборот технологиялари ёрдамида мустақил равишда янги билим ва амалий кўникмаларни эгаллаши ҳамда улардан амалий фойдалана олиш қобилиятига эга бўлиш;

- янги ғояларни яратиш ва илмий-тадқиқот ишларини мустақил олиб бориш қобилиятига ҳамда илмий жамоада ишлаш. *кўникмаларга эга бўлиши керак*;

Тингловчи:

- тингловчиларни ўзига жалб қилган ҳолда янги педагогик технологиялар асосида фанни тушунтириш;

- География фанлар соҳаси бўйича фаолиятнинг илмий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларида фаол иштирок этиш;

- иш бўйича мулоқотда бўлиш воситаси сифатида хорижий тиллардан бирини эркин сўзлашув *малакаларга эга бўлиши керак*;

Тингловчи:

- География бўйича замонавий ва инновацион таълим технологияларига асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;

- География соҳаси бўйича тингловчиларнинг изланишли-ижодий фаолиятга жалб этиш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“География фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар” модули материаллари билан курс тингловчиларини таништириш маъруза ва семинар машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, компьютер технологиялари, интернет тармоғидан олинган янгиликларни қўллаш усулидан фойдаланилади. Маъруза дарсларида презентация усулида, амалий машғулотларда эса янги лаборатория, ақлий хужум, гурухли фикрлаш усулларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Амалий машғулотларда дарс ўтиш жараёнида География дарсларининг самарадорлигининг ошириб боришнинг асосий йўллари янги хорижий педагогик технологияларни қўллаш асосида олиб борилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган гуманитар ва ижтимоий – иқтисодий (педагогика, психология), умумқасбий (Ўзбекистон халқлари География и, жаҳон География и, География шунослик, манбашунослик, музейшунослик, География ий атамашунослик, этнография ва ҳ. к.) ва ихтисослик (Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта аср шаҳарлари География и, халқаро муносабатлар ва дипломатияси География и, Ўрта Осиё тасаввуф ҳаракатлари География и ва ҳ. к.) ўқув моделлари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг География фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар фани бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга ҳизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар География ўқитиш методикасини ўқитиш ва ўрганиш жараёнларини таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат | | | | |
|----|---|--------------------------------------|----------------------------|----------|--------------------|-----------------|
| | | Ҳаммаси | Аудитория ўқув юкلامаси | | | Мустақил таълим |
| | | | Жами | жумладан | | |
| | | | | Назарий | Амалий машғулот | |
| 1. | География фанини ўқитиш методикаси илмий педагогик фан | 4 | 4 | 2 | 2 | |
| 2. | География дарслари ва замонавий хорижий тажрибалар. | 6 | 4 | 2 | 2 | 2 |
| 3. | География фанини ўқитишда хорижий педагогик ва таълим технологиялари. | 4 | 4 | 2 | 2 | |
| | Жами: | 14 | 12 | 6 | 6 | 2 |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: География фанини ўқитиш методикаси илмий педагогик фан

География фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар фанининг мазмуни, мақсади ва уни ташкил этиш методлари. География фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар фанининг ҳозирги жамиятдаги ҳолати ва ролини таҳлил этиш. Ўзбекистонда География ўқитиш методикасини педагогик фан сифатида шаклланиши ва хорижий давлатлар География и ва методикаси билан боғлиқлиги. География фанининг назарий ва методологик асослари, География фани ва ҳозирги замон жамияти.

2-Мавзу: География дарслари ва замонавий хорижий тажрибалар.

Ўзбекистонда География фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар, ва янги муносабатлар. География дарсларига бўлган умумий педагогик ва дидактик талаблар асосида замонавий дарс вариантларини экспериментал тажрибалар асосида ишлаб чиқиш. Замонавий География дарсларига бўлган илмий-методик ва дидактик талаблар.

3-Мавзу: География фанини ўқитишда хорижий педагогик ва таълим технологиялари.

Хозирги замон жамиятида таълим жараёнларининг ривожланиши. Таълим соҳасида педагогик жараёнларга технологик нуқтаи-назардан ёндашиш. География фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар, технологик ёндашув ва ўқув жараёнини аниқ воситалар ёрдамида бошқариш. Бугунги кунда География таълими жараёнида интерфаол услублар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллашга бўлган қизиқишни ортиб бориши. Таълим тарбия жараёнида педагогик технологияларин қўллаш ишларини биринчи бор амалга оширда хориж олимлари Б.Блум, Д.Кратволь, Н.Гранлунд, Дж.Керолла, Дж.Блок, Л.Андерсон ва бошқаларнинг фаолияти. АҚШ, Германия ва Япония олимларининг педагогик технологияларга берган таърифлари. Педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этишни МДХ мамлакатлари ичида биринчилар қаторида хар томонлама илмий-методик жиҳатдан асослаб берган олимлар-В.П.Беспалько, В.М.Монахов, М.В.Кларин, И.Я.Ларнер, Б.Л.Фарберман ва бошқаларнинг асослари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

География фанини ўқитиш методикаси илмий педагогик фан.

География дарслари мавзусини аниқлашда География ийлик (историзм) тизимлилик ва изчилликка доимо ижодий ёндошиб бориш. География дарслари турлари ҳамда тузилишини ўрганишда хорижий География чи методистлар тажрибаларидан фойдаланиш.

2- амалий машғулот:

География дарслари ва замонавий хорижий тажрибалар.

География таълими методларининг таълим мақсадини ёритишга хизмат қилиши, шунингдек таълим мазмунини ўзлаштириш йўллари, ўқитувчи ва тингловчиларининг ўзаро ҳаракати, хусусиятларини акс этиши.

3- амалий машғулот:

География фанини ўқитишда хорижий педагогик ва таълим технологиялари.

География ий билимларни шакллантиришда География ий фактлар, География ий тушунча ва тасаввурларнинг ўрни. География дарслари самарадорлигини оширишнинг илмий услубий ва дидактик негизлари.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Тингловчи мустақил ишни модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъёрий хужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул маъруза ва семинар машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратилган максимал балл-**1 балл**.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Кейс-стади” методи

Кейс-стади (инглизча case – вазият, ҳолат, study -ўрганиш). Кейс-стадида баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган *ўқитиш усули*дир.

Кейс-стади - ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг кўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган *ўқитиш технологияси*дир Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

Кейс-стади типологияси

| | |
|------------------------------------|---|
| Типологик белгилари | Кейс-стади тури |
| Асосий манбалари | 1. Даладаги 2. Кабинетдаги |
| Сюжет мавжудлиги | 1. Сюжетли 2. Сюжетсиз |
| Ҳажми | 1. Қисқа (лўнда) 2. Ўртача миқдордаги 3. Катта (узун) |
| Ўқув топшириғини тақдим этиш усули | 1. Саволли 2. Кейс-стади топширик |
| Дидактик мақсадлари | 1. Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳлаш. 2. Тренингли, ўқув мавзу бўйича малака ва кўникмалар орттиришга мўлжалланган. 3. Таҳлил ва баҳолашга ўргатувчи. 4. Муаммони ажратиш ва ечиш, бошқарувчилик қарорлари қабул қилишга ўргатувчи. 5. Вазият субъекти ривожининг янги |


стратегиялари ва йўллари, янгича баҳолаш услубларини ишлаб чиқишга рағбатлантирувчи.

| | |
|----------------------|--|
| Расмийлаштириш усули | <ol style="list-style-type: none"> 1. Босма 2. Электрон 3. Видео-Кейс-стади 4. Аудио-Кейс-стади 5. Мультимедиа-Кейс-стади |
|----------------------|--|

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|---|---|
| 1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш | <ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш |
| 2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш | <ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| 3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш | <ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш |
| 4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот. | <ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш |

“ИЛОН ИЗИ” “АРРА” ТЕХНИКАСИ



“ИЛОН ИЗИ” (“АРРА”) ТЕХНИКАСИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

| Иш бос- қич лар | Фаолият | |
|--------------------------|---|--|
| | таълим берувчи | таълим олувчи |
| 1 | Лавҳаларнинг мураккаблиги ва ҳажми бўйича тенг бўлинган ўқув материали стида ишлаш учун 4-6 кишидан иборат бўлган гуруҳларни шакллан. | |
| 2 | Олдинда турган иш хусусиятини тушунтуради, эксперт варақларини тарқатади - ҳар бир гуруҳ аъзоси умумий ишнинг алоҳида қисмини олади ва ўзининг ўқув материали соҳасининг эксперти бўлади. | <p>2.1. Ҳар бир гуруҳ аъзоси эксперт варағига мос равишда ўқув материалдан керакли маълумотни топади</p> <p>2.2. Мутахиссислар учрашуви-ҳар хил гуруҳларда фақат бир материални ўрганаётганлар билан учрашадилар ва экспертлар сифатида ахборотлар билан алмашиладилар, ўзларининг саволларини ишлайдилар, дастлабки ўзларининг гуруҳ аъзо-ларига ушбу ахборотни самаралироқ баён этишни биргаликда режалаштирадилар</p> <p>2.3. Мутахиссислар ўзларининг дастлабки гуруҳларига қайтадилар ва бошқаларга ўзлари билиб олган барча янгиликларни</p> |

| | | |
|---|--|--|
| | | ўргатадилар: ҳар бири ўзининг топширининг қисми тўғрисида маъруза қилади. 2.4. Умумий мавзу бўйича бир-бирларига саволлар берадилар ва билимларни баҳолайдилар ёки таълим берувчи томонидан барча мавзулар бўйича тестларни бажаради. |
| 3 | Иш якунидан сўнг гуруҳлар мавзу бўйича саволга жавоб беришни таклиф этилади. | Саволларга жавоб берадилар. |

**“БИРГАЛИҚДА ЎРГАНАМИЗ” (“КООП-КООП”) МЕТОДИНИНГ
ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ**

| Иш босқичлари | Ф а о л и я т | |
|---------------|--|--|
| | таълим берувчи | таълим олувчи |
| 1 | Ўқиганлик даражаси бўйича 3-5 кишидан иборат бўлган ҳар хил гуруҳларни шакллантиради | |
| 2 | Ҳар бир гуруҳга умумий мавзунинг қисмини - бир топшириқ беради, бу бўйича барча ўқув гуруҳлари ишлайди. Таянч (эксперт варақлар)ни тақдим этади | Гуруҳ ичида умумий топшириқ бўлинади |
| 3 | Топшириқни бажариш муваффақиятини, муомала маданиятини назорат қилади | 3.1. Ҳамма алоҳида топшириқни бажарадилар ва барча мавзулар бўйича мустақил ишлайди. 3.2. Гуруҳ аъзоларини кичик-маърузаларини тинглайдилар. Умумий маърузани ифодалайди. |
| 4 | Гуруҳлардаги иш якунини ва натижалар тақдимотини эълон қилади | Гуруҳ сардорлари ёки ҳамма гуруҳ маъруза тақдимотини ўтказ. |
| 5 | Гуруҳ натижаларининг таҳлили ва баҳолашини ўтказди, ғолиб- | |

«ЎЙЛАНГ - ЖУФТЛИҚДА ИШЛАНГ - ФИКР АЛМАШИНГ» ТЕХНИКАСИ

Ушбу техника биргаликдаги фаолият бўлиб, талабаларни матн устида фикрлаш, ўз ғояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради.

«ЎЙЛАНГ - ЖУФТЛИҚДА ИШЛАНГ - ФИКР АЛМАШИНГ» ТЕХНИКАСИДАН ФЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ГУРУҲЛАРДА ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТУЗИЛИШИ

1. Ўқитувчи савол ва топшириқ беради: олдин ўйлаб чиқиш, сўнг қисқа жавоблар ёзиш тартибида.

2. Талабалар жуфтликларга бўлиниб, бир - бири билан фикр алмашадилар ва иккала жавобни мужассам этган умумий жавобни ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.

3. Ўқитувчи бир неча жуфтликларга ўттиз секунд давомида аудиторияга ўз ишининг қисқа якунини ифодалаб беришни таклиф қилади.

Қуйидаги ўқув топшириқларини бажариш учун 3 гуруҳга бўлининг:

1. Мустақил хоҳлаган шаклда «ҳамкорликдаги ўқиш», «ўзаро ўқиш», «биргаликда ўқиш» тушунчаларига, сизнинг фикрингиз бўйича, муносиб тавсиф ва белгиларни ёзинг.

2. Гуруҳда биргаликда ёзилганларни муҳокама қилинг ва ушбу тушунчаларни бирга таққослаб таҳлил қилишга ҳаракат қилинг (график ташкил этувчиларидан фойдаланишингиз мумкин).

3. Сиз учун учта ўқиш техникасидан қайси бири маъқул? Ўз жавобингизни асослаб беринг.

Ушбу мавзу бўйича гуруҳ билимини акс этадиган кўрғазмали тақдимотни тайёрланг.

Бошқа гуруҳ аъзоларининг билимини текшириш учун саволларни тайёрланг.

Аниқ фан ва мавзу бўйича машғулотнинг *таълим модели* жадвал кўринишида бўлиб, унда қуйидагилар кўрсатилади:

- *дастлабки маълумотлар*: ўқув мавзуси, вақти, талабалар сони;
- *шакл* (маъруза, семинар ва бошқ.) ва *кўриниши* (масалан, муаммоли маъруза ва бош.), ўқув машғулоти режаси/тузилиши, унинг мақсади, ўқув фаолиятининг кўзланаётган натижалари, педагогик вазифалари;
- танланган таълим модели: *методлар, шакллар ва ўқитиш воситалари*;
- *таълим бериш шароити*: махсус жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар;

➤ *мониторинг ва баҳолашга* асосланган қайтар алоқанинг йўл ва воситалари: назорат тури (ёзма ва оғзаки), назорат шакли (тезкор-сўров, тест олиш, тақдимот, ўқув топшириқлари ва бошқ.).

Ўқув машғулотининг технология харитаси уч қаторни ўз ичига олиб, 1,5-2 варақда жадвал кўринишида бажарилади: (1) ўқув машғулоти босқичлари ва вақти; (2) таълим берувчи фаолияти; (3) таълим олувчи фаолияти.

Илова. Ўқув жараёнининг ташкилий - дидактик вазифасини бажаради: ўқув/мустақил иш учун савол ва топшириқларни, уни баҳолаш мезонларини, ўқув иш жараёнида талабалар амал қилиши лозим бўлган қоидалар, таълим берувчи фойдаланадиган таянч ёзмалар, шунингдек чизма, жадвал, слайдлар ва бошқа кўргазмали материаллар, режалаштирилган мақсадларга эришишни таъминлайди.

“Ассисмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар

номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);

- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Ўқитишнинг лойиҳавий технологияси

Ўқитишнинг лойиҳавий технологияси билим ва малакаларни амалий қўллаш, таҳлил қилиш ва баҳолашни назарда тутувчи мажмуали ўқитиш методини амалга оширади. Бугунги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳавий таълим куйидаги таълим муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради:

- таълимни реал ҳаёт билан амалий боғлайди;
- назарий маълумотларни амалий фаолият билан боғлаб, ўқувчиларни мустақил ишлашга жалб этади;
- касбий ва таянч лаёқатларини шакллантиради ва ривожлантиради.

Лойиҳа (projekt) – тушунчаси кенгроқ ифодаланиб, маълум натижа, лойиҳанинг беқиёс маҳсулига эга мақсадли фаолиятни ташкил этиш учун бирор-бир ташкилий шаклни белгилаш учун фойдаланилади.

“Ўқув лойиҳаси” тушунчаси:

- муайян истемолчига мўлжалланган, муаммоларни **излаш, тадқиқ қилиш ва ечиш**, натижани моддий ёки интеллектуал маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган, талабларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш усули;
- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув восита ва қуроллари;
- ривожлантирувчи, таълим ва тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган дидактик восита.

Таълимда лойиҳалаштириш ўқитувчи томонидан ўқувчининг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкил этишдан то интеллектуал ёки оддий маҳсулотни оммавий баҳолаш учун уни ҳал этиш усулини тақдим этишгача мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи ўқув фаолиятидир.


Лойиҳа тури ва унинг асосий белгилар

| | |
|---|--------------------|
| Лойиҳанинг асосий белгилари | Лойиҳа тури |
| <i>Фан жиҳатидан мазмунли соҳа</i> | |
| Бир фан доирасида, баъзан бошқа фандан билимларни жалб этиш орқали. | Ягона лойиҳа |
| Бир неча билимлар соҳасига тааллуқли бўлган. | Фанлараро |
| <i>Лойиҳа миқёси</i> | |
| Лойиҳанинг ҳажми | Кичик, ўрта, йирик |
| Иштирокчилар сони | Якка, гуруҳ бўлиб |
| <i>Амалга ошириш даврининг изчиллиги</i> | |
| 1-2 ҳафта давомида ишлаб чиқилади. | Қисқа муддатли |
| Бир ой давомида ишлаб чиқилади. | Ўрта муддатли |
| Бир ойдан кўпроқ вақтда ишлаб чиқилади. | Узоқ муддатли |
| <i>Ўқув режасига киритилганлиги</i> | |
| Лойиҳа устида аудиториядан ташқари мустақил ишлаш фанни ўрганиш якунида, унинг натижа-лари тақдими ва баҳоланиши – маъруза, семинар, амалий машғулотларида режалаштирилади. Якуний назорат доирасида баҳоланиши мумкин. | Якуний |
| Ўқув курсидан таълим бериш мазмунининг бир қисми аудиториядан ташқари лойиҳавий мустақил ишга ажратилади (дарс мавзуси, бўлим). Натижалар мазкур ўқиш даврига режалаштирилган маъруза, семинар, амалий машғулотларида тақдим этилади. | Оралик |
| Аудиториядан ташқари мустақил фаолият доира-сида ҳажми бўйича катта ўқув бўлими ёки бутун курс давомида бажариш режалаштирилади. Оралик натижалар маъруза, семинар, амалий машғулотларида тақдим этилади ва баҳоланади. | Очиқ (бевосита) |

Ўқитишнинг лойиҳавий технологияси – лойиҳалаштириш, режалаштириш ва амалга ошириш жараёни, ўқитувчининг юқори малакага эгаллиги кўрсаткичидир. Шунинг учун ҳам бу технология XXI аср технологияси ҳисобланади

ЛОЙИХАВИЙ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ

- Ўқув предмети.
- Ўқув мавзуси.
- Қатнашчилар.
- Таълимнинг мақсади.
- Режалаштириладиган ўқув натижалари.
- Талабалар лойиҳани муваффақиятли ҳал этиш учун эгаллаши лозим бўлган олдинги билим ва кўникмалар рўйхати.
- Лойиҳанинг турланиш белгиларига кўра тавсифномаси.
- Лойиҳани бажариш тартиби.
- Лойиҳанинг баҳоланиши.
- Лойиҳавий таълимни ташкил этиш босқичлари.
- Таълим моделининг қисқача тавсифномаси.



Тоифалаш шарҳини тузиш қондаси

1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.
2. Битта мини - гуруҳда тоифаларга ажратиш бошқа гуруҳда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.
3. Таълим олувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган **тоифаларни** бериш мумкин эмас бу уларнинг мустақил танлови бўла қолсин.

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: География фанини ўқитиш методикаси илмий педагогик фан

РЕЖА

1.1. Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Буюк Британия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш.

1.2. Ўқув жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари (таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастури ва локал ҳужжатлар) бўйича хорижий тажрибалар ва уларнинг қиёсий таҳлили.

Таянч иборалар: таълим, илгор тажрибалар, Болон жараёни, кредит тизими, таълим тамойиллари, модератор, тьютор, эдвайзер, фасилитатор.

1.1. Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Буюк Британия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш

Инсоният цивилизацияси барча соҳаларда, жумладан таълим тизимида ҳам глобал ўзаро боғлиқлик даражасигача эришди. Ҳозирги кунда битта давлат ёки миллатнинг муаммоси бутун жаҳон ривожига катта таъсир этиши мумкин. Юзага келган экологик, иқтисодий, сиёсий муаммолар ва инқирозларнинг ечими фақатгина инсониятдан келажакда ақлий ва маънавий ривожланишни талаб этади. Бунга эса фақатгина тўғри ва сифатли таълим тизимини йўлга қўйиш орқалигина эришиш мумкин. Бугунги кунда дунёда юзага келган барча муаммолар илдизи таълим-тарбия тизимидаги сифат нуқсонлари натижаси десак хато бўлмайди. Бунинг ечими таълим-тарбияга эътиборни янада ошириш, бу соҳага янада кўпроқ маблағ ажратиш орқали таълим сифатини юксалтириш билан ҳал этилиши мумкин.

“Бугунги кунда, БМТ маълумотларига кўра, мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоизидан ортиғини ташкил этмоқда”¹. Лекин, таъкидлаш жоизки, таълим соҳасидаги ислохотларнинг янада ижобийлиги педагогларнинг глобаллашув ва ахборотлашган жамият таълим тизими мазмун-моҳиятини нечоғлик тушуниб етишларига ва қанчалик астойдил бажаришларига ҳам боғлиқдир.

Болон Декларацияси. Болон жараёни – олий таълимда ягона Европа тизимини вужудга келтириш мақсадида Европа давлатлари таълим тизимини бир-бирига яқинлашуви ва мослашиш жараёнидир. Болон жараёнининг расмий бошланиш вақти 1999 йил 19 июнда Европанинг 29 давлати томонидан Болон декларациясини қабул қилиниши ҳисобланади. Болон жараёнининг бошланиш тарихи 1970 йилларда Европа Иттифоқи вазирлар Кенгашининг таълим соҳасидаги биринчи резолюциясини қабул қилиниши билан белгиланади. 1998 йилда Европанинг 4та давлати (Франция, Германия, Буюк Британия ва Италия) таълим вазирлари Париж университетининг 800 йиллигини нишонлаш вақтида, олий таълимдаги турли тизимлар Европада фан ва таълимни ривожланишига тўсиқ бўлаётганлиги тўғрисида бир фикрга келишди ва Сорбон декларациясини имзолашди. Декларациянинг мақсади Европада олий таълим тизимини стандартлаштириш мақсадида умумий қоидалар ишлаб чиқишдан иборат эди. Сорбон декларацияси мақсади 1999 йилда Болон декларациясини имзоланиши билан ўз тасдиғини топди ва Европанинг 29 давлати ўз хоҳиши билан, ихтиёрий равишда ушбу декларацияни имзоладилар. Ҳозирги кунда Европа Иттифоқига аъзо 49 давлатдан қуйидаги 47 таси (Монако ва Сан-Маринодан ташқари) ва Европа Комиссияси ушбу жараён иштирокчиси ҳисобланади².

Болон жараёнининг асосий мақсади: Европада ягона олий таълим тизимини вужудга келтириш, жаҳонда Европа олий таълим тизимини фаоллаштириш; Европанинг барча олий таълим муассасаларига киришга кенг йўл очиш; Европа олий таълим тизимининг сифати ва мавқеини янада ошириш; ўқитувчилар ва талабалар мобиллигини ривожлантириш; Болон декларациясига аъзо давлатлар олий таълим тизимида барча академик даражалар ва бошқа ихтисосликларни меҳнат бозори талаблари асосида бир

¹ Мухторов А. ва б. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012.

² Австрия (1999), Азербайджан (2005), Албания (2003), Андорра (2003), Армения (2005), Бельгия (1999), Болгария (1999), Босния и Герцеговина (2003), Ватикан (2003), Великобритания (1999), Венгрия (1999), Венгрия (1999), Греция (1999), Грузия (2005), Дания (1999), Ирландия (1999), Исландия (1999), Испания (1999), Италия (1999), Қазақстан (2010), Кипр (2001), Латвия (1999), Литва (1999), Лихтенштейн (1999), Люксембург (1999), Македония (2003), Мальта (1999), Молдавия (2005), Нидерланды (1999), Норвегия (1999), Польша (1999), Португалия (1999), Россия (2003), Румыния (1999), Сербия (2003), Словакия (1999), Словения (1999), Турция (2001), Украина (2005), Финляндия (1999), Франция (1999), Хорватия (2001), Черногория (2007), Чехия (1999), Швейцария (1999), Швеция (1999), Эстония (1999).

хил шакллантириш ҳисобига битирувчиларни муваффақиятли иш билан таъминлашни йўлга қўйиш.

Декларация қуйидаги 7 та асосий тамойилларни ўз ичига олган:

1. Бир хил академик даража ва диплом иловасини бериш орқари Европа фуқароларини иш билан таъминлаш имкониятларини ошириш, Европа олий таълим тизимини халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш.

2. Олий таълимда икки поғонали (циклли) ўқитишни йўлга қўйиш: таянч (дастлабки) олий таълим (undergraduate) ва битирувчи (graduate). Биринчи цикл камида 3 йил давом этиши кўзда тутилган ва бакалавр даражасини беради. Иккинчи цикл магистр даражасини олиш билан якунланади.

3. Талабаларнинг катта ҳажмда мобиллигини таъминлаш мақсадида зачет бирликларини ягона Европача тизимини тадбиқ этиш.

4. Талабаларнинг мобиллигини ривожлантириш. Трансмиллий таълим стандартини ўрнатиш.

5. Таққосланадиган мезонлар ва услубиётларни ишлаб чиқиш мақсадида сифатни таъминлаш учун Европа ҳамжамиятига кўмаклашиш.

6. Таълим сифатининг ички назорат тизимини тадбиқ этиш ва ОТМ фаолиятини ташқи баҳолашга талабалар ҳамда иш берувчиларни жалб этиш.

7. Ўқув режаларини, институтлараро ҳамкорлик, мобиллик ва ҳамкорлик ўқув дастурлари, амалий тайёрлов ва илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни ривожлантириш орқали олий таълимда Европача анъаналарни юзага келишига кўмаклашиш.

Болон жараёни тамойиллари таълим дастурларини қиёслаш муаммосини ҳал этишга қаратилган ECTS (European Credit Transfer System) таълим натижаларини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш, академик мобилликни оширишга кўмаклашишни назарда тутди.

ОТМ ECTS тизимини жорий этиши учун қуйидагиларни амалга ошириши талаб этилади:

- ўқув режаларининг аниқ ва тушунарлилигини таъминлайди (ўқув жараёни тўғрисида тўлиқ маълумотларни батафсил баён этади);

- академик ихтисослик (даража)ни тан олинимида кўмаклашади.

- ўқув режасида курслар таркибини, талабанинг ўқув юкламасини ва ўқиш натижаларини аниқ ифодалайди.

- ўзининг мустақиллигини сақлайди ҳамда талабанинг ўқиш натижаларига оид қабул қилинган қарорлари учун тўлиқ жавоб беради.

ECTS Европа Комиссияси ERASMUS дастур лойиҳасининг дастлабки сифатида юзага келган бўлиб, ундан кўзланган мақсад Европа ҳамжамиятига

аъзо давлатлар олий таълим тизимида барча таълим натижаларини академик жиҳатдан тан олишни қўллаб-қувватлашдир³.

Ўзбекистонда таълим сифатини халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш, миллийликни сақлаган ҳолда ривожланган давлатлар таълим тизимини, жумладан Болон декларациясини атрофлича ўрганиш орқали халқаро таълим тизимига кириб бориш, таълимда ҳамкорликни таъминлаш мақсадида Олий ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг 2003 йил 28 майдаги 5/6-сон ва 2003 йил 5 августдаги 7/3 –сон қарорлари қабул қилинган.

Хорижий давлатлар таълим тизими ҳақида маълумотлар. Ривожланган мамлакатларда таълим самарадорлиги тараққиётининг 16-фоизи моддий-техника базага, 20 фоизи - ресурсларга, 64 фоизи - инсон омилига боғлиқ. “Олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳонда тан олинган, тажрибада исботланган 4 та модели мавжуд. Булар АҚШ, Франция, Германия ва Япония мамлакатларининг моделларидир. Улар, гарчи, умумий қоида ва йўналишлар бўйича бир-бирига яқин бўлса-да, лекин мавжуд мамлакатларнинг ҳозирги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳолати, миллий хусусиятлари ҳамда фуқароларнинг яшаш шароитидан келиб чиқиб, фарқ қилади. Масалан, Япония таълим тизимида «Оила» омилига катта эътибор берилган. Америка ёки Францияда эса маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда пуллик мактаблар жорий этилган. Лекин айрим мамлакатларда ўзини оқлаган ва самара берган моделларни ўзга давлатлар учун тўғридан-тўғри қўллаб ёки татбиқ этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлар тажрибалари чуқур ўрганилиб, миллий ҳамда республикамизга хос бўлган хусусиятлар, шароитлар инobatга олинган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзига хос модели яратилди”⁴.

Франция олий таълим тизимида юқори рақобатбардошликни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро таълим бозорида мамлакат ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида олий таълимни бошқариш тизимида “КампюсФранс” (CampusFrance) агентлиги ташкил этилган бўлиб, Миллий таълим вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги назорати остидадир. “КампюсФранс”нинг асосий вазифаси бўлиб, француз олий таълим тизимини хорижий мамлакатларда тарғиб этиш, халқаро олий таълим бозоридаги Франциянинг ўрнини мустаҳкамлаш, Францияда ўқишни ташкил этишда ўқув дастурлари сифатини ошириш, маъмурий тартиб-таомилларни содалаштириш, стипендиялар тақдим этишдан иборат. “КампюсФранс” билан бир қаторда “ЕдуФранс” (EduFrance) агентлиги ҳам фаолият кўрсатиб, у француз олий

³ Ткач Г.Ф., Филиппов В.М., Чистохвалов В.Н. Тенденции развития и реформы образования в мире. – М.: РУДН, 2008. С. 133.

⁴ Мухторов А. ва б. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012.

таълимини бозорга тарғиб этишга, чет эллик талаба ва доктарантларга ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, олий таълим соҳасида ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича консалтинг фаолиятини амалга ошириш билан шуғулланади.

АҚШда континентал тизимлардан фарқли равишда олий таълим тизими таълим муассасаларини буйруқ ва марказлаштириш орқали эмас, балки эркин мувофиқлаштириш замирида қурилган. АҚШ таълим тизимининг бош хусусияти бошқарувнинг ўта демарказлаштирилганлик даражасидир. Яъни, таълим тизимида бош роль таълим муассасаларининг ўзига тегишли, давлатга эмас. Таълим соҳасини бошқариш бўйича ваколатлар федерал ҳокимият, конгресс, штатлар, округлар ва алоҳида таълим муассасалари ўртасида тақсимлаб олинган. Таълим соҳасида ўзини ўзи бошқариш АҚШнинг энг олий ютуқларидан бири сифатида баҳоланади. Конституцияга мувофиқ, ҳар бир штат таълим соҳасида суверенитетга эга бўлиб, уларнинг ҳар бирининг мустақил таълим тизими мавжуд. Олий таълим муассасалари фаолияти, олий таълимнинг мақсади, ҳуқуқий шакли, тури, ўқитиш дастурлари ва бошқалар штат қонунчилиги билан тартибга солинади.

АҚШда **Таълим департаменти (ED)** ва **Таълим ресурслари ахборот маркази (ERIC)** бу соҳадаги махсус ваколатли органлар ҳисобланади. Таълим департаменти ўз фаолиятида Фуқаровий ҳуқуқлар офиси, Ўрта таълимдан кейинги таълим офиси, Махсус таълим офиси, Ўсмирлар таълими офиси, Таълим нашрлари маркази, Бошланғич ва ўрта таълим офиси, Инновациялар ва яхшилаш офиси, Таълим фанлари Институтини, Президент грантлари бўйича Оқ уй комиссияси ва бошқаларга раҳбарлик қилади.

Олий таълим муассасаси – АҚШ Таълим департаментининг Олий таълим бошқармаси ваколатига киради. Хусусан, ушбу Бошқарма қуйидаги масалаларни ҳал қилади: федерал таълим сиёсатини шакллантириш; таълим қонунчилигига ўзгартириш ва қўшимчалар тайёрлаш; ўқув дастурларини бошқариш; олий таълим муассасаларини аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат агентликларига қўйилган талаблар.

Олий таълим тизимини бошқаришда асосий масалалар штатлар ваколатига киритилган. Штатларда қоида тариқасида номланиши ва ваколатлар ҳажмига кўра, бир-биридан фарқланадиган турли бошқарув органлари ташкил этилади. Аксарият штатларда Олий таълим масалалари бўйича Кенгаш ёки Олий таълим бўйича комиссия сингари штат губернатори вакили, қонунчилик ҳокимияти, олий таълим муассасаси ва талабалар вакилларидан иборат бўлган махсус органлар ташкил этилади ва улар штатнинг олий таълим соҳасидаги умумий сиёсати учун масъул бўлади. Шунингдек, олий таълимнинг алоҳида соҳаларини бошқариш бўйича махсус

органлар ҳам тузилиши мумкин: масалан, Талабаларга молиявий ёрдам бўйича комиссия ва б.к.

Шу билан бир қаторда таъкидлаш лозимки, АҚШда олий таълим соҳасида “давлат таълим стандарти”, “давлат намунасидаги диплом”, “мутахассис ва йўналишлар рўйхати”, “ОТМга қабул қоидалари” каби норматив қоидалар мавжуд эмас. Университетлар мустақиллиги қоидаси уларга ўз таълим қоидаларини белгилаш имконини беради.

Олий таълимни бошқариш бўйича функцияни амалга оширишда Америка университетлари ассоциацияси, Муҳандислик таълими ассоциацияси ва бошқа мустақил ташкилотлар ҳам ўзига хос ўрин тутаяди. Чунинчи, улар таълим дастурларини жамоатчилик аккредитациясидан ўтказадилар, статистикани тўплайдилар, таълим муассасаси фаолиятини таҳлил қиладилар.

Барча штатларда олий таълим муассасаларини бошқариш мажбурияти қоида тариқасида тегишли штатнинг оддий фуқароларидан иборат бўлган бир ёки бир нечта бошқарувчи қўмиталарга бириктирилади. Ўз функцияларига кўра, ушбу органлар васийлик кенгашига яқин. Бироқ, васийлик кенгаши битта олий таълим муассасаси ишлари билан шуғулланса, бошқаруви қўмиталар штатлар иштирокида бир нечта олий таълим муассасалари фаолиятини назорат қилади.

Буюк Британияда эса, француз таълим моделидан фарқли равишда олий таълим муассасалари азал-азалдан мустақиллик даражаси юқорилиги, давлат секторининг таркибий қисмига мансуб эмаслиги ва ҳаттоки ҳукумат томонидан бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ҳолатида ҳам уларнинг ички сиёсатига аралашилмаслиги хосдир. Буюк Британияда университетлар мустақиллиги қуйидаги белгиларда намоён бўлади: талабалар қабули ва қабул имтиҳонлари устидан назорат; ўқув дастури мазмунини белгилаш; ишга қабул қилиш ва профессор-ўқитувчилар таркибини хизмат лавозимини кўтариш тўғрисида қарор қабул қилиш; молия маблағларини харажатлар моддалари бўйича тақсимлаш; илмий тадқиқотлар мавзуларини белгилаш.

Таълим ва малака вазирлиги (Department for Education and Skills – DfES) мамлакатда таълим сиёсатини шакллантиради ва олий таълимни молиялаштириш учун масъул ҳисобланади. У молиявий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини Англияда Олий таълимни субсидиялаш бўйича кенгашга (CCBOA – Higher Education Funding Council for England – HEFCE), Таълим ва малака бўйича кенгашга (Learning and Skills Council), Ўқитувчилар малакасини ошириш агентлигига (Teacher Training Agency) ва бошқаларга ўтказаяди.

Жанубий Кореяда ҳам олий маълумотга эга бўлиш ҳар бир корейс фуқаросининг кейинги мавқеи муваффақияти учун жуда катта аҳамият касб этади. Жанубий Кореяда таълим тизими масалалари билан Таълимни бошқариш вазирлиги шуғулланади. Муқаддам уни шунчаки “Таълим вазирлиги” деб номлашган. Аммо 2001 йилдан бошлаб алоҳида сифатли таълим бериш ва шахсни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида таълим вазирлиги ваколатлари доирасини кенгайтирилди. Таълим вазири эса вице-бош вазир даражасигача кўтарилди. Бу ташкилот боланинг ёшлигидан бошлаб то юқори мактабни битиргунга қадар таълим олишини таъминлайди ва назорат қилади.

Жанубий Кореянинг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига кўра, барча – давлат тасарруфидаги ва хусусий олий ўқув юртлари таълим вазирлиги ва меҳнат ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан бошқарилади. Бошқа масалалар бўйича университетлар Корея Университет таълими кенгаши тамойилларига таянади. Жанубий Кореяда қўйидаги таълим муассасалари турлари мавжуд: коллеж ва университетлар (хусусий ва миллий, давлат тасарруфида); саноатга ихтисослашган университетлар; педагогика институтлари; сиртқи университетлар ва очик университетлар.

1.2. Ўқув жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари (таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастури ва локал ҳужжатлар) бўйича хорижий тажрибалар ва уларнинг қиёсий таҳлили.

Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатини оширишга оид **Европа ҳужжатлари:**

1) Европа минтақасида олий таълимга тааллуқли малакани тан олиш тўғрисидаги Лиссабон конвенцияси (11.04.1997 й.);

2) Университетларга кириш ҳуқуқини берувчи дипломлар эквивалентлиги тўғрисидаги Европа Конвенцияси (11.12.1953 й.);

3) Университет таълими даврийлиги эквивалентлиги тўғрисидаги Европа конвенцияси (15.12.1956 й.);

4) Университет малакаларини академик тан олиш тўғрисидаги Европа конвенцияси (14.12.1959 й.);

5) Университет таълими даврийлигининг умумий эквивалентлиги тўғрисидаги Европа конвенцияси (06.11.1990 й.);

6) Европа минтақаси давлатларида ўқув курсларини, олий таълим ва илмий даражаларини тан олиш тўғрисидаги Конвенция (21.12.1979 й.);

7) Европа маданият Конвенцияси (19.12.1954 й.)⁵.

⁵ Ткач Г.Ф., Филиппов В.М., Чистохвалов В.Н. Тенденции развития и реформы образования в мире. – М.: РУДН, 2008. С. 138.

Европа олий таълим ҳудуди: Европа таълим вазирлари қўшма муурожаати (Болонья декларацияси, 1999 йил 19 июнь) **6** та асосий мақсадни белгилаб беради:

1) Европа фуқароларининг меҳнат қилиш имкониятини таъминлаш ва Европа олий таълим тизим халқаро рақобатбардошлигини ошириш мақсадида осон тушуниладиган ва таққосланадиган даражалар тизимини қабул қилиш, шу жумладан, дипломга Иловани жорий этиш орқали;

2) моҳиятан икки асосий – даражагача ва даражадан кейинги циклларга асосланган тизимни қабул қилиш. Иккинчи циклга кириш давомийлиги уч йилдан кам бўлмаган биринчи цикл ўқишини муваффақиятли яқунлашни талаб қилади. Биринчи циклдан кейин бериладиган даража Европа меҳнат бозорида тегишли даражадаги малака сифатида талабчан бўлиши лозим. Иккинчи цикл аксарият Европа мамлакатларидаги сингари магистр ва (ёки) доктор даражасини олишга йўналтирилган бўлиши лозим;

3) ECTS – меҳнат лаёқати бирликларини топшириш европача тизими бўйича кредитлар тизимини жорий этиш.

4) эркин ҳаракатланишни самарали амалга ошириш учун тўсиқларни бартараф этиш орқали саъй-ҳаракатларни умумлаштиришга кўмаклашиш, шу жумладан, қуйидагиларга эътибор қаратиш: ўқувчиларга таълим олиш ва амалий таёргарлик кўриш ва тегишли хизматлардан фойдаланиш имконияти таъминланиши лозим; ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва маъмурий ходимларга тадқиқот ўтказишга, дарс беришга ва стажировка ўташга сарфланган вақтларини қонунда белгиланган ҳуқуқларига зарар етказмаган ҳолда тан олиш;

5) ўзаро муносиб мезонлар ва методологияларни ишлаб чиқиш мақсадида таълим сифатини таъминлашда Европа даражасидаги ҳамкорликка кўмаклашиш;

6) Европада олий таълимга, шу жумладан, ўқув режаларини ривожлантиришга, институтлараро ҳамкорликка, ўзаро ўқитиш дастурлари ва илмий тадқиқотларни тайёрлаш ва ўтказишга доир зарур қарашларни шакллантиришга ёрдам кўрсатиш⁶.

Болонья жараёни асосий қоидалари. Даражалар тизими: I даража – бакалавр – 3-4 й.; II даража – магистр – +1-2 й.; докторант – +3 й.; (жами – 3-5-8 йил). Бакалавр меҳнат бозорида талабчан бўлиши лозим. Таълим вазирлиги Меҳнат вазирлиги билан ушбу масала музокаралар олиб боради. ECTS (тўпловчи ва ўтказувчи тизимлар) – бир семестрда 30 кредит, йилига

⁶ Ткач Г.Ф., Филиппов В.М., Чистохвалов В.Н. Тенденции развития и реформы образования в мире. – М.: РУДН, 2008. С. 135.

60 кредит тўплаш керак. Ҳозирда сўз дипломларни тан олиш ҳақида бормоқда, уларнинг ва ўқитиш даврининг эквивалентлиги ҳақида эмас.

Хорижий таълимда сўнгги йилларда олий таълимда дарс берувчи педагогга нисбатан бирқатор терминлар кенг ишлатилмоқда. Буларга тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модератор тушунчалари киради.

Энди бевосита халқаро миқёсдаги география таълимига тўхталсак. Бу турдаги таълимни янгилаш ва тараққий эттириш масалалари халқаро миқёсда кўп бора муҳокама қилинган. 3-Халқаро география таълим конгресси делегатлари мазкур масаланинг икки жиҳати мавжудлигини ўқтирдилар. Дастлабки жиҳат, география таълим ривожланишининг тарихий йўли, иккинчиси эса, бу соҳа таълимининг янги йўлини излаш. Мазкур масалалар мураккаб ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий контекста шаклланди. Негаки, 2008 йилдаги глобал иқтисодий, молиявий инқироз шароитида география ва унинг таълими мураккаб ўзгаришларга юз тутиши тақозо этилди.

Говард Финберг 2012 йилда Европа журналистлари марказида сўзга чиқиб, “Биз синфхоналар ва таълим усуллари янгилик жорий этишимиз керак. Инновациялар география таълимини енгиллаштиради” деб айтганди. Инновациялар борасидаги таклифга Дэйв Клауссен Нью Йорк Карнеги корпорациясининг муҳим тадқиқотларига эътиборни қаратиб, АҚШ географиясига таҳлил тафаккури, юксак ахлоқий туйғу билан, малака, махсус билимлар, мураккаб мавзулар доирасидаги, жамият борасидаги билимлар, тил, дин ва маданиятдан хабардорлик кераклигини тилга олади.

Глобал география таълим ҳатто хусусий сектор иштирокини жалб этди. Дунёнинг кўплаб ҳудудларида, асосан ривожланаётган давлатларда тижорий гуруҳлар алоҳида эътибор қаратдилар, негаки, хусусий мулкка асосланган ОАВлар сонининг ортиши, рақобатбардош кадрларга эҳтиёжни янада оширди. Бу эса таълим дастурларининг турфа моделлари яралишини тақозо этди. География таълими халқаро кенгаши маълумотида кўра, 3000га яқин ўқув дастурлари рўйхатга олинди.

Мазкур дастурлар самараси ўлароқ, таълим сифати ошиб, мутахассислар ҳамда география тараққиётига сезиларли таъсир қилди. География таълимининг сифат кўрсаткичи бевосита жамиятнинг демократия кўрсаткичига ҳамда фуқароларнинг хабардорлик даражаси ва сўз эркинлиги даражасига таъсир қилиши яққол кўринди. Шу боис мазкур соҳа таълимига ЮНЕСКО доирасида ўқув дастурлари ишлаб чиқилди⁷.

Назорат саволлари:

⁷ MODEL CURRICULA FOR JOURNALISM EDUCATION. A COMPENDIUM OF NEW SYLLABI. United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization. – France. UNESCO 2013. 7-13 p.

1. Мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган ҳаражатлар давлат бюджетининг нечи фоизидан ортиғини ташкил этмоқда?
2. Болон Декларациясининг моҳияти нимадан иборат?
3. Болон жараёнининг асосий мақсади нима?
4. Декларация қандай асосий тамойилларни ўз ичига олган?
5. Хорижий давлатлар таълим тизими ҳақида маълумот беринг.
6. АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея таълим тизимининг ўзига хос жиҳатлари нимадан иборат?
7. Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатини оширишга оид қандай Европа ҳужжатлари мавжуд?
8. Глобал география таълимнинг бугунги долзарб масалалари нимадан иборат?

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ткач Г.Ф., Филиппов В.М., Чистохвалов В.Н. Тенденции развития и реформы образования в мире. – М.: РУДН, 2008. С. 133–141.
2. MODEL CURRICULA FOR JOURNALISM EDUCATION. A COMPENDIUM OF NEW SYLLABI. United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization. – France. UNESCO 2013. 7-13 p.
3. Мухторов А. ва б. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012.

2-мавзу: География дарслари ва замонавий хорижий тажрибалар.

2.1. Таълим хизматларини кўрсатиш бўйича дунё бозори ва хорижий тажрибалар.

2.2. География фанини ривожланишига ҳисса қўшган соҳанинг етук олимлари ва улар томонидан яратилган илмий назариялар.

Таянч иборалар: таълим хизматлари, таълим бозори, илгор педагогик технологиялар, география таълимнинг замонавий тенденциялари, табиий география, эмпирик таълим.

2.1. Таълим хизматларини кўрсатиш бўйича дунё бозори ва хорижий тажрибалар

Жаҳон таълим бозорининг ўзига хослиги кучли рақобатга асосланганлигидадир. Чунки, биринчидан, таълим борган сари кўпроқ мамлакатларнинг глобаллашаётган меҳнат ва энг янги технологиялар бозорларига кириб бориш воситасига, иккинчидан, эса, янги бозорларни эгаллашда давлат иқтисодий стратегиясининг муҳим унсурига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг билим даражаси унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги даражасини белгилайди. Таълим соҳасининг барқарор ривожланиши мамлакатимизнинг жадал ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг гаровидир. Унга эришишда таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида таълим муассасаларининг самарали фаолиятини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим соҳасининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни унинг ривожланиши билан ўзгариб боради. Хусусан П.Дракернинг фикрича, ҳозирги даврда «билимлар капитал ва ишчи кучини четга суриб, ишлаб чиқаришнинг етакчи омилига айланмоқда»⁸.

⁸ Дракер П. Посткапиталистическое общество // Экономика XXI века – Москва, 1999. - № 11 – С. 3-4

Бизнинг фикримизча, таълим тизимини ривожлантириш борасида ҳар бир мамлакат ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда, ўзига хос хусусиятлари ва анъаналари асосида мазкур тизимда бозор ва давлат томонидан тартибга солиш механизми ўртасида мақсадга мувофиқ нисбатни топиши лозим. Ҳозирги даврда таълимни ташкил этишнинг анъанавий ва янгича қарашлари ишлаб чиқилган. Уларнинг таълим жараёни таркибий қисмлари бўйича қиёсий таҳлили, биринчидан, улар ўртасида принципиал фарқлар мавжуд эканлиги, иккинчидан эса ҳозирги даврда таълимда янгича қарашларни шакллантириш долзарб масала эканлигини кўрсатди.

Таълимнинг анъанавий ва янгича қарашларини қиёслаш

| Таълим жараёни таркибий қисмлари | Анъанавий қарашлар | Янгича қарашлар |
|----------------------------------|--|--|
| Илмий кадриятлар | Фанни абсолютлаш, илмий рационализмнинг классик турига асосланиши унинг моҳиятини ташкил этади | Илмий рационализмнинг янги классик ва ундан кейинги тури устунлик қилади. Унда илмий билимлар инсонлар фаолиятини ижтимоий шароитлари ва ижтимоий оқибатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилади |
| Таълим мақсади | Ўтган даврнинг маданий тажрибасини бериш | Келажакда бунёдкорлик фаолиятининг кўринишини шакллантириш |
| Мувофиқлаштириш тамойиллари | Фанларни ўқитиш асосида ташкил этилган фанлар блоклари, кафедра ва ўқитувчилар алоҳидалашган | Фанлараро ўқитиш асосида ташкил этилган; тизимли фикрлаш инсонларнинг табиат, техника жамият қонуниятларини яхлит ҳолда ўзлаштириши |
| Воситалар | Кўпроқ тайёр билимлар ва масалалар ечимини беришга йўналтирилган таълим бериш восита ва усулларига асосланган. Улар бир маъноли бўлиб олдиндан ўқитувчиларга маълум бўлади | Билим бериш восита ва усуллари ижодий бунёдкор фаолият методологиясини ўзлаштириш, шахснинг инновацион қобилиятининг ўқитувчи билмаган нарсаларни яратишга йўналтирилганлиги |

Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШ таълим тизимлари ривожланишининг ўзига хос жиҳати доимий равишда ишлаб чиқариш ва дунёда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга монанд узлуксиз такомиллаштирилиб борилишидадир. Таълим тизими миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминловчи муҳим омил сифатида,

дунёда глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ ўзгаришларга очик ва мослашувчан бўлиши зарур. XX асрнинг 70 йиллари охиридан бошлаб Европа мамлакатларида олий маълумотга эга мутахассисларга талаб кескин ошган. Мураккаб технологияларга асосланган ишлаб чиқаришда юқори билим ва малакага эга бўлган мутахассисларга талаб кучайган. Шу боис, Европа мамлакатлари ислохотлар ёрдамида миллий таълим тизимини ишлаб чиқаришнинг янги шароитларига, глобаллашув ва техника тараққиётини жадаллашиши билан боғлиқ ўзгаришларга тезроқ мослаштиришга ҳаракат қилдилар.

Франция таълим тизими мутахассисларни тайёрлаш борасида юқори даражага эришганлиги ва фан соҳасининг ривожланганлиги бўйича Европа мамлакатлари ичида пешқадам ҳисобланади. Мамлакатда таълим соҳаси давлат томонидан тартибга солинади ва ушбу соҳа устувор ҳисобланади. Ўқув юртларининг аксарият қисми давлатга қарашли бўлиб, давлат ва олий ўқув юртлари ўртасидаги муносабатлар шартнома тизимига асосланади. Ҳар бир олий таълим муассаси ўқув дастурларини амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларнинг қийматини ўз ичига қамраб олувчи стратегик режасини ишлаб чиқади. Уни бажариш учун имзоланган шартнома асосида олий ўқув юртлари давлат томонидан молиялаштирилади. Шартнома тизими олий таълим тизимининг худудийлашишини рағбатлантиради ва ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш давлат томонидан ажратилган молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланишга имкон беради.

АҚШ таълим тизимининг ўзига хослиги унинг номарказлаштирилганлигидир. Ушбу мамлакат консититуциясига биноан таълим тизими штатлар томонидан тартибга солинади. Штатлар олий таълимнинг аҳволи бўйича масъулиятнинг катта қисмини маҳаллий бошқарув органларига берганлар. Ҳозирги даврда АҚШда 50 дан ортик мустақил таълим тизимлари мавжуд. Уларнинг ўртасида умумий жиҳатлар ва айни пайтда ўзига хос хусусиятлар ҳам мавжуд. Олий таълим тизимига худудий ёндашув таълимнинг турлилиги ва жамиятнинг ўзгариб боровчи эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаб беради. Таълим тизимининг хилма-хилигига қарамадан мамлакатда олий таълимнинг ташкилий тузулмаси бир бутундир. Чунки ишчи кучи билим даражаси ва ходимларнинг малакасига, аккредитация ва сертификация қилувчи органлар ва федерал ҳукумат бюджети ва штатлар томонидан олий таълимни молиялаштиришни тартибга солувчи турли хил қоидаларига қарамадан уларга умумий талаб қўйилишидандир. Ҳозирги даврда АҚШ олий таълим тизимига 3,6 минг турли хил ўқув муассасалари киради. Хусусий ўқув

юртларининг сони кўпроқ бўлса-да, бироқ давлатга қарашли ўқув юртларида таҳсил олаётганларнинг ҳиссаси 68,4 фоизни ташкил этади⁹. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, хусусий университетлар ўзига хос сифат эталони вазифасини бажарадилар. Хусусан, АҚШдаги энг нуфузли 10 та университетлар ичида 8 таси хусусий эканлиги бежиз эмас. Олий таълимни молиялаштириш манбалари турличадир. Хусусий университетлар бюджетининг учдан икки қисми, давлатга қарашли университетларда эса учдан бир қисмини талабаларнинг ўқишга тўлайдиган маблағи ташкил этади. АҚШ олий таълим тизимининг муҳим жиҳатларидан бири университетларда олиб бориладиган илмий тадқиқотларнинг саноат ишлаб чиқариши билан узвий боғлиқлигидир. Бу эса илмий натижаларни ўз вақтида амалиётга қўллаш ва юксак самара олишга имкон беради.

Кейинги ўн йилликларда география ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими анча юқори поғонага кўтарилди. Ҳозирги кунда география таълими жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида 3 та йўналишда олиб борилмоқда.

1. Барча ўқувчилар учун ягона ўқув режаси ва дастури асосида (Шарқий Европа ва МДХ) давлатлардир.

2. Бир неча асосий фанлар қаторида айрим курсларни факультатив тарзида ўрганиш (АҚШ, Буюк Британия, Европанинг кўпчилик мамлакатларида).

3. Барча ўқувчилар учун ўрганиш мажбурий бўлган фанлар қаторида қўшимча факультатив машғулотлар (Филиппин, Франция, Япония ва кўпчилик мамлакатларида) ўтказиш.

Биринчи гуруҳга кирувчи мамлакатларда география таълими асосан табиий ва иқтисодий география курсларидан ташкил топган. Шаҳар ва қишлоқ жойлардаги барча мактабларда ягона ўқув режаси асосида ўтказилади.

Иккинчи гуруҳ мамлакатларида география билимлари махсус фанлар тарзида эмас, балки интеграция (бирикма) тарзида бўлиб, бошқа фанлар, курслар таркибига қўшилиб кетган. Бунда географияни чуқур ўрганишни хоҳловчилар махсус факультатив машғулотлар орқалигига ўз билимларини оширишлари мумкин.

Шу тўғрисида ҳам бу гуруҳдаги давлатларда география таълими бўйича ягона давлат режаси йўқ, ҳар бир ўқитувчи мактаб жойлашган шароит нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўқув программасини тузиши мумкин. Масалан: АҚШ да 1700 дан ортиқ округ мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида ўзига хос бўлган географик таълим мавжуд ва бир-бирига ўхшамайдиган программалар бўйича иш юритилади.

⁹ Ткач Г.Ф., Филиппов В.М., Чистохвалов В.Н. Тенденции развития и реформы образования в мире. – М.: РУДН, 2008. С. 141.

Учинчи гуруҳ мамлакатларида география мажбурий ўрганиладиган фанлар қаторига кирмайди ва уни факультатив машғулотлар орқали ўрганиш асосий ўрин эгаллайди. Умуман олганда Европа ва Американинг ривожланган мамлакатларида барча ўқувчилар учун мажбурий бўлган фанлар қаторида, хилма-хил мураккабликдаги факультатив курслар тури кенг тарқалган.

Жаҳон тажрибасида 3 босқичли таълим тизими асосий ҳисобланади, яъни: бошланғич мактаб 1-4 синф, ўрта босқич 5-9 синф, юқори босқич 10-12 синф.

Ҳар бир босқичда география таълими ўзига хос мақсадга эга. Масалан, биринчи босқич матабларида география таълимининг асосий мақсади атроф-муҳитни ўрганиш. Иккинчи босқичда ўз мамлакатининг хўжалик ҳаётини ўрганиш, зарур касблар ҳақида маълумотлар олиш, таълимий кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат. Учинчи босқичдаги мактабларда инсониятнинг глобал муаммоларини ва жаҳон хўжалигини ўрганишдан иборат.

Жаҳон тажрибасида география ўқитишнинг аҳволи муҳим эмас. Шу туфайли уни ўқувчиларга ўргатиш бўйича 2 фикр тарафдорлари бор.

Биринчи йўналиш тарафдорларининг фикри ўқув режаларида географияни мустақил фан сифатида мунтазам ўқитишни амалаг ошириш бўлса, иккинчи йўналиш тарафдорлари географияни бошқа ўқув фанлари билан интеграция тарзида ўқитишни исботлаб беришга уринадилар.

Ўқув фанларини бириктириш борасида АҚШ жаҳонда етакчи бўлиб, 40-50 йиллардаги таълим ислоҳотида кўпгина фанлар қатори география мажбурий ўрганиладиган фанлар қаторидан чиқариб ташланди ва тарих, жамиятшунослик билан бирлаштирилди. Географияни бундай ўқитиш ўқувчиларга талай қийинчиликларни туғдирди. Натижада география таълимининг сифати жуда пасайиб ўқувчилар зарур кўникма ва малакаларга эга бўлмай қолдилар. Масалан, Мичигина университетининг география факультетида ўқитиш учун ариза берган 400 ўқувчининг ярми географияни фақат бошланғич синфларда ўрганганлари маълум бўлди. Шу туфайли ҳам ҳозирги кунда АҚШ да географияни мустақил фан сифатида тиклаш учун кураш кетяпти.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида фанларни ўрганиш ихтиёрий бўлиб, ўқувчилар хоҳиш истаклари остида амалга оширилади. Бу группага кирувчи мамлакатларда мажбурий фанлар сони 7-8 тадан ошмайди. Масалан, Финляндия ва Швецияда фин ва швед тили, иқтисод ва социология, биология, химия, инглиз тили, дин ва спорт мажбурий фан ҳисобланади.

Фин мамлакатларида 9 йиллик мажбурий таълимдан кейин синфсиз гимназиялар кенг тарқалган. Бундай гимназияларда ўқувчи ёки ўқувчилар гуруҳи ўзига йиллик ўқув режаси тузади. Бундай гимназияларда ўқув режалари курс раҳбарлари ва маъмурият томонидан тасдиқланади.

Гимназияда ўқув йили 6 даврга бўлинади. Ҳар бир давр 6 ҳафтадан иборат бўлиб, курслар 32 соатдан ташкил топади. Ҳар бир курсдан биттадан фан куниг 1 соатдан ўқилади. Гимназист кунига 4-7 соат ўқийди. Спорт дарслари машғулотдан кейин ўтказилади. Ҳар бир давр якунида ўқувчилар билими баҳоланади. Агар ўқувчи қониқарсиз баҳо олса, у шу курсни қайтадан танлайди.

Деярли кўпчилик мамлакатларда география таълими тизими давлатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тизими билан боғлиқ.

Табиий ва иқтисодий географияни ўрганиш асос қилиб олинган МДҲ ва Шарқий Европа мамлакатларида табиат ва хўжаликнинг ривожланиш қонуниятлари, жамият ва табиат ўртасидаги муносабатлар, атроф-муҳит муаммолари география таълимининг асосини ташкил қилади.

Ривожланган хорижий мамлакатларда география таълимининг мазмуни сифат жиҳатидан юқори бўлиб, ўқувчилар маълум кўникмаларни шакллантиришга қаратилган. Бу давлатларда география таълими кўпроқ муаммоларни, турли назария ва қонунларни, категорияларни ўрганишга бағишланган бўлиб, ўқувчиларга ўзлаштиришда бир қанча қийинчиликлар туғдиради.

Ривожланган ғарб мамлакатлари география таълимида таълимнинг руҳий жабҳалари асосий ўрин эгаллаган. Ўқувчи руҳияти, уни билиш фаолиятини ўрганишга катта эътибор берилади. География таълими тадқиқотлари психологлар иштирокисиз деярли амалга оширилмайди.

География таълимида турли матнлар, ўйинлар, имитация кенг қўлланилади. Масалан, ўқувчи бирор компания президенти сифатида фикрлайди, иш юритади, бирор муаммони ҳал қилади, ўзи хулосалар чиқаради. Умуман бундай таълимнинг асосий мақсади ўқувчиларни келгуси ҳаётга, яъни ишбилармонликка тайёрлашдан иборат.

Турли мамлакатлардаги географиядан ўқув дарсликлари ва қўлланмаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, уларда битта курсни ўқиш учун бир неча қўлланма чиқарилади. Кўпчилик ҳолларда улар қизиқарли маълумотларга бой бўлиб, ахборот хусусиятига эга. Бундай қўлланмаларда матн 20-40 фоизни, тасвир 20 фоизни, статистика 20 фоизни, савол ва топшириқлар 20 фоизни ташкил қилади.

Китобдаги тасвирлар ниҳоятда сифатли. Қуйи синфлар қўлланмаларида эса деярли харита йўқ, улар ўрнини харита схемалар эгаллаган. Матнда рақамли сонлар деярли учрамайди, мавжудлари ҳам таққослаш характериға эга бўлиб, улар энг паст, энг юқори, энг кичик, энг баланд, энг узун каби тарзларда берилган.

Мавзу ёки билимдан кейин қўйиладиган саволлар ва топшириқлар мавзу мазмунини акс эттирмаслиги ҳам мумкин. Қўйиладиган саволларнинг аксарияти муаммоли топшириқлар, дискуссия саволлари, амалий ўйинлар тарзида берилган. Ўқувчилар учун чиқарилаган география дарсликларида

компьютер билан ишлаш учун махсус саволлар, қизиқарли топшириқлар, математик статистика усуллари, турли ўйинлар, тестлар тарзида географик билимларни эгаллашга кенг ўрин берилган. Ўқувчилар уларни мустақил бажариш жараёнида тадқиқотчи ролини ўйнайдилар. Демак, география дарслиги хорижий мамлакатлар география таълими методикасида энг етакчи ўринни эгаллайди.

Буюк Британия география таълими кучли томонлари қуйидагилардан иборат:

Таълимнинг назарий томонларини кучайтириш, яъни унда ҳозирги замон географик тадқиқот методларини кўпроқ ўргатиш.

География таълими жараёнида психологик-педагогик тадқиқот методларидан унумли фойдаланиш, ўқувчиларни нипотезалар тузишга ўргатиш.

Дарсликда турли мазмундаги экспериментлар уюштириш, яъни тасаввур, тушунча ва турли хил қарашларни шакллантириш методларига кенг ўрин берилган. Бирор усулни синаш, таълимни уюштириш шакллари анча заиф.

Ўрганилаётган муаммони муаллиф фикри асосида ва унга қарши асосда ўрганиш.

5-8 синфларда географиядан ҳафтада 2 соат ажратилган. Бу синфларда асосий Европа ва Европадан ташқари мамлакатлар географияси ўрганилади. Топография ва картография асослари бўйича ҳам билимлар берилди.

Ўқитувчилар диққатига бир неча вариантдаги дарсликлар тавсия этилади. “Мамлакатлар ва халқлар”, “Ер ва инсон”, “Янги география”, “Ер билими” ва ҳақозо.

9-10 синфларда география мустақил фан сифатида ўрганилмайди деса ҳам бўлади. Айрим “Ерлардагина” қизиқувчи ўқувчилар билан Европа ва Германия географияси чуқур ўрганилади. Бу курсларда мамлакатлар иқтисоди, сиёсий ва давлат тузумига оид билимлар етакчи ўринни эгаллайди. Кейинги пайтларда география, тарих, социология иқтисод билимлари биргаликда бирлашган курслар орқали ўқитишга эътибор кучаймоқда.

Гимназияда (11-13 синфлар) айрим жойлардагина география қисман мустақил фан сифатида ўқитилади. Баъзи географик билимлар бирлашган курслар туркумидаги фанларад ҳам берилди.

Юқори синфларда география фанларида мужассам муаммоларни ўрганишга кўпроқ эътибор берилди. Масалан, “Инсониятнинг кўпайиши”, “Очарчилик муаммолари”, “Транспорт муаммоси”, “Саноат марказларида инсон ҳаёти”, “Саноат экономикаси”.

Франция мактабларида география таълими бирмунча яхши йўлга қўйилган. География ўқитишнинг мақсади ва вазифалари жуда аниқ белгилаб қўйилган.

Франция география программаси икки босқичли мактабларга мўлжалланган. Шуниси қизиқки Францияда синфлар тескари ҳисоб билан юритилади. 1-босқич мактаб 6,5,4,3 (ўқувчилар ёши 11-15 гача). Олий маълумот олиш фақат лицейларда амалга оширилади.

2-босқич, 2,1 ва битирувчи (15-17 ёш) синфлардан иборат: География таълими 6-синфдан бошланади, бунда “умумий география ва Африка материги” ўрганилади. 5-синфда Америка, Осиё, Австралия, Антарктида, 4-синфда Европа (Франциядан ташқари), 3-синфда Франция географияси ўқитилади. Лицейда ўқишни давом эттириш 2,1 ва битирувчи синфларга тўғри келади.

2-синфда география программаси коллежда олган (6-5-4-3) билим ва кўникмалар чуқурлаштирилади.

Лицейнинг 1-синфида Франция географияси бўйича ўқувчилар 2-босқич матабида олган билимларни чуқурлаштирилади. Битирувчи синфларда тўртта йирик давлат – АҚШ, Россия, Хитой, Япония географияси чуқур ўрганилади.

Франция географиясини дарсликларининг устун томони шундаки, улар муаммли қилиб ёзилган. Барча муаммолар “инсон-табиат” мазмунидан келиб чиқади.

Финляндия мактабларида ҳам география таълими ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, география ўқитилиши ривожланган хорижий мамлакатларга караганда бир мунча юқори поғонада туради. Таълим икки босқидан иборат: 1-босқич 9-йиллик мажбурий умумтаълим халқ мактаби, 2-босқич гимназиялардан иборат.

Биринчи босқич мактабда география таълими 3-синфдан бошланади ва 9-синфда тугайди, 3-4 синфларда ўз мамлакати ва кўшни шимолий давлатларнинг табиати ва хўжалигига оид маълумотлар берилади.

Гимназиянинг биринчи йилида география мажбурий фан сифатида ўрганилади, бошқа синфларда эса ўқувчилар хоҳишига кўра махсус курс сифатида ўрганиши мумкин. Финляндияда ўқув режаси тез-тез алмашилиб туради.

Венгрия мактабларида география таълими 7- йил давом қилади. 4 йил асосий (5-8 синф) ва 3 йил (9-10-11 синф гимназияда). Дарслар ҳафтада 2 соат. География таълими жараёнида 65% вақт янги мавзуни баён қилишга, 3% экскурсияларга, 29% амалий машғулотларга ажратилади. Кейинги пайтларда Венгрия гимназияларида географияга ажратилган соатлар камайтирилиши кузатилмоқда.

Ривожланаётган малакатларда халқ маорифига кейинги йилларда катта эътибор берилмоқда. Масалан, Осиёнинг кўпгина мамлакатларида 1985 йилгача халқ таълими учун ажратилган маблағ 20 баробардан ортиқ ўсди. Айниқса, Малайзия, Саудия Арабистони, Иордания, Сингапур, Жанубий

Корея, Таиланд, Сурия, Ҳиндистон, Покистон, Туркия каби мамлакатларда халқ маорифи ривожланиши анча юқори бўлди.

Осиёдаги кўпчилик мамлакатларда болалар 5-7 ёшдан бошлаб мактабга бора бошлайдилар. Бангладеш, Бирма, Ливан, Покистон, Шриланкада мактабга 5 ёшдан борадилар.

Осиёдаги кўпчилик мамлакатларда мажбурий таълим 5 йилдан 10 йилгача, ўрта мактабда ўқишни давом эттириш эса 4-йилдан 8 йилгача.

География ўқув программалари кўпчилик мамлакатларда бир хил бўлиб, мамлакатнинг табиий ва иқтисодий географиясини ўрганишдан бошланади.

Кейинги пайтларда ривожланаётган мамлакатларда ўқув программалари география дарсликлари мамлакат халқ хўжалиги эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда тузилмоқда ва яратилмоқда.

Хорижий давлатлар география таълимида энг кўп қўлланиладиган усуллар қуйидагилар ҳисобланади.

Эвристик суҳбат методи. Бунда асосий эътибор ўқувчиларни кўпроқ билим олишга, кичик тадқиқотлар қилишга ўргатишдан иборат. Картиналар, турли хил ҳужжатлар, воситалар асосида муаммоли саволлар ўқувчилар диққатига ҳавола этилади. Бундай усул кўпроқ АҚШ, Буюк Британия, Янги Зеландия, Ғарбий Европа давлатларида кенг тарқалган.

Тарқатма карточкалар усулида турли чизмалар, жадваллар, хариталар турлича хатоликларга йўл қўйиб тузилади ва тарқатилади, ўқувчилар йўл қўйилган ўша хатоларни мустақил топишлари талаб қилинади. Турли хил мисол ва масалалар ечиш ҳам ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини ошириш туфайли улардан кенг қўлланилади. Ўқувчиларда ишбилармонлик, уддабуронлик ҳислатларини шакллантириш учун ҳам кўпроқ мисол ва масалалардан фойдаланилади. Тайёр маҳсулотни қаерларда сотиш, транспорт ҳужжатларни аниқлаш, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш кабилар мисол ва масалалар ечишсиз амалаг ошмайди.

Матнлар, яъни жавоблар тўғри нотўғри тарзда аралаштириб берилиши шулардан тўғриларини рақамлар билан белгилаб ажратиш кенг тарқалган усуллардан ҳисобланади.

Статистик манбалар билан ишлаш, картографик қўлланмалардан фойдаланиш, математик моделлаштириш кенг тарқалган ўқитиш усуллари ҳисобланади. Айниқса дискусия, тортишувлар хорижий мамлакатлар география таълимида кенг тарқалган.

2.2. География фанини ривожланишига ҳисса қўшган соҳанинг етук олимлари ва улар томонидан яратилган илмий назариялар

Жаҳон таълими тажрибасидан ўрин олган география таълими тарихига тўхталсак. География фани бошқа фанлар каби энг қадимги фанлар қаторига киради. География таълимининг ривожланишини қисқа қилиб қуйидаги босқичларга бўлишимиз мумкин:

1. Милоддан аввалги 5-4 асрларда педпгогика фани, яъни назарияси, фалсафий фанларнинг бир қисми сифатида пайдо бўлган. Бу пайтда география фалсафий фанлар ичида ривожланган.

2. География бўйича биринчи китоб Эратосфен (эрамизгача III аср) томогидан ёзилган. Унинг китоби “Географика” деб аталган ва 3-қисмдан иборат бўлган: 1-қисм – география тарихи, 2-қисм – Ернинг, океаннинг шакли ва ўлчамлари; 3-қисм – табиат зонаалри ва айрим мамлакатларни таърифи берилган.

3. Страбон ва Птоломей (I ва II асрлар) кўп томли “География” деган китоб ёзишган. Птоломей биринчи бўлиб геогарфик хариталарни градус тўри билан тузишни ихтиро қилган.

4. Ўрта асрлар географияси Форобий, Беруний, Хоразмий, алФарғоний, Бобур, Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий номлари билан боғлиқ. Бу даврда биринчи бўлиб географиядан китоб ёзган олим ал-Хоразмийдир. У “Китоб сурат ал-арз” деган асар ёзади. Бу география деганидир, чунки гео-ер, графо-тасвирайман ёки ерни сурати, тасвири дегани. Арз-арабча ер, Ернинг сурати, тасвири ҳақида китоб.

5. Европада географияни ўқитиш 17-асрда, Россияда 18-асрда йўлга қўйилган. Европада Варений “География” деган китоб ёзган. Россия географияси асосан жой номларидан иборат бўлган.

6. Ўзбекистонда география фанини ривожланиши инқилобдан кейин асосан Россия география таълими билан боғлиқ ва қуйидаги даврлардан иборат:

Инқилобдан кейин 9-йиллик меҳнат мактаблари ташкил қилинади. География таълимининг мақсади ва мазмуни тубдан ўзгарди;

1921 йилда Д.Н. Анучин томонидан ягона география программаси ишлаб чиқилди, бунгача ҳар бир туман ва мактаб ўзини дастурига эга бўлган; Бу дастурга асосан 3-синфда ўз кишлоғи, шаҳри, тумани географияси; 4-синфда мамлакат турли минтақаларининг табиати; 5-синфда “Қитъалар географияси”, 6 ва 7-синфларда Россия географияси; 8-синфда иқтисодий география; 9-синфда астрономия ва астрология ўтилган;

1924-30 йилларда география таълимига эътибор яна камайди. 1924-йилда мактаблар янги дастурга ўтишди, бу дастур бўйича алоҳида фанлар ўтилмас, балки табиий ва ижтимоий фанлар асоси мажмуаси ўтилар эди;

1927-28 йилдан бошлаб география яна алоҳида фан сифатида ўқитила бошлади;

1934 йил 15 майда ВКП(б) МК қарорида география ўқитишнинг сифатсизлиги, дарсликларнинг сифатсизлиги танқид қилинди. Бу қарорга мувофиқ география таълими 3 бўғинга бўлиб ўқитила бошланди (бошланғич, етти йиллик ва ўрта) – 3 синфда турар жойининг табиий географияси, 4-синфда СССР даги табиат зоналари, 5-синфда умумий табиий география, 6-синфда қитъалар табиий географияси, 7-синфда СССР географияси. Соатлар кўпайтирилди. “География в школе” деган журнал чиқа бошлади.

1958 йил 24 декабрда собиқ СССР Олий Совети мактаб ҳақида қарор қабул қилди. Бунга асосан география таълимида ўз ўлкасини ўрганишга катта эътибор берилди. Илмий текшириш институтлари ташкил қилинди. Уларда география лабораториялари очилди.

Ўзбекистонда география фанини ривожланиши инқилобдан кейин асосан Россия география таълими билан боғлиқ ва қуйидаги даврлардан иборат: 1880 йилларда рус-тузем мактаблари очила бошлади, 1890 йили ўзбек тилида А. Гейкининг “Ер хусусида илмдан олинган сўзлар” номли дарслиги нашр этилди. Ҳафтасига географиядан дарс соатларининг ҳажми 4 соат бўлган;

• аср бошларида (1900 йил) эски мактаблар ислоҳ қилиниб “янги усул” мактаблари ташкил қилинди. Бу мактаблар учун Самарқандда 1905 йили Туркистон ва унга ёндош мамлакатлар харитаси нашр қилинди, 1909 йил Оренбургда Фотих Каримнинг география дарслиги босилиб чиқди. Инқилобдан илгари маҳаллий мактабларда географиядан қуйидаги дарсликлар қўлланилар эди:

* Ер юзи 1910-15 йилларда босилиб чиққан, у умумий табиий географияни, қитъалар ва энг муҳим мамлакатлар географиясини ва Россия ҳақидаги географик маълумотларни ўз ичига олган. Бу китоб 1928 йилгача қўлланилиб келинган;

* “Жуғрофияий ижмолий” (умумий география) дарслиги қисқа бўлиб, унда асосан материклар, мамлакатлар ва джарёлар санаб ўтилган, географик тушунчалар жуда кам ва қисқа баён қилинган;

* “Жуғрофияий риёзий” (математик география) Муҳаммад Амин Каримий рисоласи, 1914 йилда нашр этилган. 17 дарс 17 мавзудан иборат, бунда ернинг шакли, ҳаракати ҳақида маълумотлар берилган; 2) “Мунтахаби жуғрофияий умумий” (қисқача умумий жуғрофия). “Мадхали жуғрофия

Русий” (Русиянинг қисқача жуғрофияси), дарсликларини Бехбудий ХХ аср бошларида ёзган.

•Ўзбекистонда география таълимини ривожланишини О. Мўминов 4-босқичга бўлади;

1-босқич - 1918-1934 йиллар, география таълимини йўлга қўйилиш босқичи. Рус ва чет тиллардан дарсликлар таржима қилинди, янги китоблар яратилди;

2-босқич – 1934-1955 йил география таълимини тартибга тушиш босқичи, ягона дастурлар асосида муҳим дарсликлар яратилди, методик мақолалар эълон қилинди, географик атама ва номлар билан шуғулланиш бошланди;

3-босқич – 1955-1966 йиллар. География таълимини ҳаёт билан боғлаш босқичи. Маҳаллий ўқитувчи кадрлар, йирик географ ва методистлар етишиб чиқди;

4-босқич – 1966 йилдан ислоҳгача бўлган давр. Ўзбек мактаб географиясини такомиллашуви босқичи;

•дарсликлар:

* рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинган дарсликлар: “Бошланма жуғрофия” 1919 йилда босилиб чиққан;

* чет тилидан рус тили орқали таржима қилинган дарсликлар. А. Гейкининг “Табиий жуғрофияси”, 1925 йил.

* Рус тилидан ўзгартириб таржима қилинган дарсликлар: масалан Г.И. Ивановнинг “Бошланғич жуғрофияси”, Г.П. Архангельский ўзгартириб тайёрлаган;

* Ўзбекистонда вужудга келган дарсликлар Н. Балашов “Ўзбекистон ва унга қўшни жамхуриятлар ҳамда вилоятлар” (1928), Н.П. Архангельский “Жуғрофия” (ўлкани ўрганиш дарслиги, 1933), А.Обизов “Ўзбекистон социалистик шўролар жумхурияти жуғрофияси” (1934). Н.И. Леонов “Жуғрофия методикаси” (1933).

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг умумий таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш зарурияти туғилди. Айрим ўқув фанлари дарс тизимидан чиқариб ташланди, айримларнинг мазмуни ўзгартирилди, айрим фанлар янгидан ўқув тизимига жорий қилинди.

Мактаб география таълими соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Умумий таълим мактабларидаги “СССР табиий географияси” (7-синф) ва “СССР иқтисодий ва социал географияси” (IX синф) ўқув курслари таълими дастуридан олиб ташланди.

Умумий мажбурий таълим 9-йилга ўтказганлиги муносабати билан айрим ўқув курслари ўрганиладиган синфлар ўзгарди. 5-синфга янги “Табиийёт” курси киритилди. Аммо мазкур курсни ўзлаштириш қийин

бўлганлиги ҳамда унда табиий география, биология ва бошқа фанлардаги билимлар қайтарилганлиги туфайли 1999 йил ўқув дастуридан олиб ташланди.

“Бошланғич табиий география курси” курси “Материклар ва океанлар географияси” курси билан қўшиб 6-синфда ўтиладиган бўлган эди. Бу ҳам ўзини оқламади. Янги дастур (1999) бўйича яна 5-синфда бошланғич “Табиий география” курси ўтиладиган бўлди. Бундан ташқари Ўзбекистон ва Туркистон ҳудудидан ташқари илгари собиқ “СССР табиий географияси” да ўрганиладиган табиий географик ўлкалар “Материклар ва океанлар географияси” курсида ўтиладиган бўлди.

Ўқув дастурига умуман янги “Туркистон табиий географияси” курси киритилди (7-синфлар учун). Ҳозирда “География” деб номланади ва икки бўлимдан иборат: Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиий географияси.

9-синфда ўтиладиган “Жаҳоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси” курсида ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Энди Ўзбекистон Республикасидан ташқари ҳамма давлатлар шу курсда ўрганилади.

Янги дастурга мувофиқ таянч мажбурий таълимга мосланган география курсларининг синфлар бўйича тақсимооти қуйидагича:

- V синфда “Табиий география”, бошланғич курси;
- VI синфда “Материклар ва океанлар табиий географияси”;
- VII синфда: биринчи ярим йилликда “Ўрта Осиё табиий географияси”, иккинчи ярим йилликда “Ўзбекистон табиий географияси”;
- VIII синфда “Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси”;
- IX синфда “Жаҳоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси”.
- Академик лицей ва коллежларда “Амалий география”.

Ҳар қандай давлатни келажagini, буюклигини ва қудратини юксак даражада билимга эга бўлган кадрлар белгилаб беради. Бундай кадрларни етиштириш учун эса давлатни таълим тизими юқори даражада такомиллашган ва халқаро стандартлар талабига жавоб берадиган даражада бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов Олий мажлисининг IX сессиясида (29.08.97) мазкур муаммо тўғрисида шундай деган эди: “Ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқаришни салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир”.

1997 йил 29 августда Олий мажлисда кўрилган таълим қонуни Ўзбекистон таълим тизимини такомиллаштириш ва баркамол авлодни тарбиялаш соҳасидаги қўйган қадамларининг энг асосийсидир.

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида география фанини ўқитишни такомиллаштириш бўйича қатор илмий ишлар қилинган бўлса-да, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишда замонавий педагогик ва компьютер технологияларни ўқув жараёнига жорий қилиш масаласи ҳануз долзарб муаммо бўлиб турибди. Шу билан бирга, географик таълим соҳасида электрон ўқув-методик таъминотлар яратиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш республикамиз шароитида алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ишланмаган, «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланган ҳолда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришнинг илмий-методик асоси ишлаб чиқилмаган. Педагогик технологиялар, уларнинг илмий асослари, замонавий ва инновацион педагогик технологияларни дарс жараёнига татбиқ этиш бўйича Н.Н.Азизходжаева, Ю.К. Бабанский Р.Ж., Ишмухамедов, Ж.Ғ.Йўлдошев, М.В.Кларин, Н. Сайидахмедов, М.Тожиев, Д.Тожибоева, Ў. Толипов, Ж.О.Толипова, Н.Р. Ғайбуллаев, Б.Л. Фарберман ва бошқалар;

география дарсларида дидактик материаллардан, таълимнинг техника воситаларидан ва компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича хориж ва республикамиз олимларидан – Н.Н.Баранский, А.В. Даринский, В.А. Жучкевич, О.Мўминов, Л.М.Панчешникова, У.Сафаров, Р.Қурбонниёзов Х.Б.Никадамбаев ва бошқалар тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Республикамизда бу борада география таълимида 1987 йилда О.А.Мўминов, М.Зияхўжаевлар (ТошДПИ)нинг олий ўқув юрти талабаларига таълим жараёнида фойдаланишга мўлжалланган «Овросиё кирғоқларидаги уммонлар» мавзусидаги дастурлари, 1990 йилда И.Абдуғаниев томонидан «География дарсларида таълимнинг техника воситаларидан фойдаланиш», 1992 йилда эса, О.А.Мўминов, У.Ҳ.Сафаровлар томонидан «Олий жўғрофия таълимида компьютер техникасидан фойдаланиш», 1994 йилда эса У.Ҳ.Сафаровнинг «Талабаларнинг билим фаоллигини ошириш жараёнида ЭҲМдан фойдаланиш «(Ўзбекистон табиий жўғрофияси» фани мисолида), 2001 йилда М.Абдурахмоновнинг «Методика использования дидактических игр в обучении физической географии», 2002 йилда Г.М.Тусупбекованинг «Изучение картографических материалов в школьном курсе физической географии», 2003 йилда З.А.Абдиеванинг «География фанида ноанъанавий дарс услубларидан фойдаланиш», 2004 йилда Р.Т. Гайпованинг «Табиий география бошланғич фанида маҳаллий кўрсатма воситаларидан фойдаланишнинг услубий асослари», 2008 йилда С.Х.Матсаидованинг «Мактаб ўқувчиларида табиий географик матнлар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш» илмий тадқиқот ишларини кўришимиз мумкин.

Фойдаланган адабиётлар:

- 1.Иванов Ю.В. Методика преподавания географии. –Брест: БрГУ, 2012. –420 с.
- 2.Никадамбаева Ҳ.Б. «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш методикаси (олий таълим мисолида): Пед. фан. ном. илм. даража. ... диссер. – Т., 2012. – 222 б.
- 3.Окун В. Введение в общую дидактику. – М.: Высшая школа, 1990. – 382 с.
- 4.Tolipova J.O. Biologiyani o‘qitishda pedagogic texnologiyalar. – Т.: TDPI. 2011. – 159 б.
- 5.Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. Концепция конвергенции и интеграции подходов к обучению, ориентированных на ожидаемый результат учению и на процесс развития мышления. – Гулистан, 2003. – 143 с.
- 6.Dr.S.Harichandan, Dr.Asam Shaik, Mrs. Sujana Sunni. Methodos of teaching geograph. English, 2009. – 93p.

3-мавзу: География фанини ўқитишда хорижий педагогик ва таълим технологиялари.

РЕЖА:

3.1. Таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик технологияларидан фойдаланиш педагогик муаммо сифатида

3.2. Географияни ўқитишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш йўллари

Таянч иборалар: интеллектуал мерос, оммавий коммуникация, материал ва формал назариялар, индивидуал, ўқув-билиш фаолияти.

3.1. Таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик технологияларидан фойдаланиш педагогик муаммо сифатида

Тадқиқот давомида, «География» фани асосан анъанавий ўқитиш билан амалга оширилиши аниқланди. Мутахассисларнинг таҳлилларига кўра, ўқитувчи маҳорат билан маъруза ўқиши жараёнида талаба 80 дақиқалик академик маърузанинг 20 дақиқасинигина диққат билан эшитиб ўтириши мумкин, қолган 60 дақиқада эса фикри бўлинади. Бу муаммони ижобий ечиш учун эса «...қай тарзда ўқитиш керак?» деган саволга жавоб топиш керак. Жавобни эса Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Таълим сифатини оширишга қаратилган Инновациялар тўғрисида»ги 2003 йил 14 майдаги 115-сонли буйруғида топишга ҳаракат қилдик. Унда: «Маъруза ва амалий машғулотларда талабалар фаоллигини ошириш мақсадида қуйидаги услублар кенг қўлланилсин: ...дарс машғулотларида янги педагогик технологиялар, интерактив, танқидий фикрлаш методларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш...» деб таъкидланган.

Шарқнинг қомусий алломалари илмий-ижодий меросидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Бунинг мақсадга мувофиқлиги Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президентининг қуйидаги фикрларидан ҳам ўз аксини топган: «Мазкур минтақанинг қадимий тарихи ва маданияти, бунда яшаб ўтган Шарқ мутафаккирлари ва файласуфларининг жаҳон маданиятини ривожлантиришга

қўшган ғоят катта ҳиссалари ҳам бу ерда сезиларли таъсир ўтказмоқда. Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда». Улар фойдаланган ўқитиш методларини бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Булар Ибн Сино қўллаган кўрғазмали-тажриба методлари, Абу Райҳон Беруний, Ал Хоразмийнинг кўникма ва малакаларни шакллантириш методлари, Форобий ва Ал Хоразмийнинг билимларни текшириш методлари ва бошқалардир. Уларнинг ҳаммаси талабаларнинг фаолиятини кучайтириш, мантиқий тафаккурини ривожлантириш мақсадини кўзлаган.

Мисол учун, Форобий ўқитиш методларининг таснифини ишлаб чиққан. Уларни амалий ва назарий методларга ажратган, шу тариқа ўқитишнинг амалий йўналиши ва кишиларнинг ҳаёти ҳамда кундалик фаолияти билан боғлиқлиги ғояларини олға сурган. Форобийнинг фан ва санъатнинг афзаллиги ҳақидаги рисоласида ўқув жараёнини ташкил этишга ва ўқитиш методларига қўйилган талабалар ифодаланган. Ал Форобий ўзининг ўқитиш методлари ҳақидаги тушунтиришларида ўқувчиларга турли билимлар бериш билан бирга, мустақил ҳолда билим олиш йўллари ҳам кўрсатиш, уларнинг билимларнинг зарурлигига шак-шубҳасиз ишонтириш керак эканлигини уқтиради.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, ахборотлар оқимининг тобора ортиб бориши улар асосида бажариладиган жараёнларнинг янада тезроқ амалга оширишни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунини ижро этиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълим мазмунини тубдан ислоҳ қилиш, таълим тизимида самарадорликни ошириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири ўқув жараёнига замонавий педагогик технологияларини, хорижий тажрибаларни жорий этишдир. «Талабаларни Интернет тармоғида ишлашга ўргатиш тўғрисида»ги 2004 йил 20 февралдаги 38-сонли буйруқда: «Бугунги кунда талабаларни замонавий ахборот технологиялари, хусусан, Интернет билан ишлашга кенг қўламда ўқитиш ва уларда мустаҳкам амалий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда Интернет орқали ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш, янги билимларни мустақил эгаллай олиш ва келажакда меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қилишга ўргатиш каби муҳим вазифалар олий таълим тизими олдидаги долзарб масалалардан бири бўлиб турибди» – дейилади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари асосида замонавий маданият ва иқтисодиётнинг педагогик шакл ва воситаларини ишлаб чиқиш,

амалиётга жорий этишга алоҳида аҳамият берилган. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган туб ислохотларнинг асосий йўналишларини англаб олмақ лозим. Улар қуйидаги йўналишлардир:

- таълим мазмунини, тизимини ислоҳ қилиш;
- таълим-тарбия бошқарувини ислоҳ қилиш;
- таълимнинг бозор иқтисодиётига асосланган механизмни яратиш;
- ота-она, ўқитувчи-ўқувчининг таълим жараёнига бўлган янгича қарашларини шакллантириш;
- бу туб ислохотларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи-янги педагогик технологияни амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Ҳозирги давр таълим тараққиёти янги йўналиш-инновацион педагогикани майдонга олиб чиқди. «Инновацион педагогика» термини ва унга хос бўлган тадқиқотлар Ғарбий Европа ва АҚШда XXасрнинг 60-йилларида пайдо бўлди. Инновацион фаолият Ф.Н.Гоноболдин, С.М.Годнин, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина, В.А.Сластенин, А.И.Шчербаков ишларида тадқиқ этилган. Бу тадқиқотларда инновацион фаолият янгилик ва илғор педагогик тажрибаларни кенг ёйиш нуқтаи назаридан ёритилган. Х.Барнет, Дж.Бассет, Д.Гамильтон, Н.Гросс, Р.Карлсон, М.Майез, А.Хейвлок, Д.Чен, Р.Эдем ишларида инновацион жараёнларни бошқариш, таълимдаги ўзгаришларни ташкил этиш, инновациянинг «ҳаёти ва фаолияти» учун зарур бўлган шарт-шароитлар масалалари таҳлил килинган.

Янгилик киритишнинг ижтимоий-психологик аспекти америкалик инноватик Э.Роджерс томонидан ишлаб чиқилган. У янгилик киритиш жараёни қатнашчиларининг тоифалари таснифини, унинг янгиликка бўлган муносабатини, уни идрок қилишга шайлигини тадқиқ этади. Олий мактаб ўқитувчисининг инновацион фаолияти олий мактаб педагогикасининг бош муаммоларидан биридир. Инновация (инглизча innovation) –янгилик киритиш, янгиликдир. А.И.Пригожин инновация деганда, муайян ижтимоий бирликка-ташкilot, аҳоли, жамият, гуруҳга янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб борувчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Бу инноватор фаолиятидир. Тадқиқотчилар (А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С.Толстой, А.Г.Кругликов, А.С.Ахиезер, Н.П.Степанов ва бошқалар) инновацион жараёнлар таркибий қисмларини ўрганишнинг икки ёндашувини ажратадилар: янгиликнинг индивидуал микросатҳи ва алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсирини микросатҳи.

3.2. Географияни ўқитишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш йўллари

Таълим мазмунининг асосий назариялари XVIII аср охири ва XIX аср бошларида пайдо бўлди. Булар материал ва формал назариялардир. Материал назариянинг асосий мақсади фаннинг турли соҳаларидан мумкин қадар кўп миқдорда билим беришдир. Формал назария ёки дидактик формализмда таълим мазмуни қобилиятларни ва билишга қизиқишини ўстириш воситаси сифатида қаратилади. Гераклит, Цицерон фикрларича «Кўп билим ақл ўргата олмайди». Янги даврга келиб, И.И.Песталоцци, И.Кант, А.Дистерверглар ҳам формал назария ғояларини илгари сурадилар. Бунда ўқитувчи таълим олувчининг қобилияти, билишга қизиқишлари, диққати, хотираси, тасаввурини ўстириш кабиларга эътибор бериши керак бўлади. К.Д.Ушинский ҳар иккала назариянинг бирлиги ғоясини ёқлаб чиқиб, «Ақлнинг формал ривожланиши бу муҳим бўлмаган белги, чунки ҳақиқий ақл ҳақиқий реал билимларда ривожланади», деб таъкидлайди. XIX ва XX асрлар оралиғида АҚШда Ж.Дюги томонидан дидактик утилитаризм концепцияси пайдо бўлди ва ўқув-тарбия жараёни ўқувчиларнинг индивидуал талабларига мослаштирилди. Польшалик олим В.Окун фунуционал материализм деб номланувчи таълим мазмуни назариясини, яъни билимнинг фаолият билан интеграл алоқаси ғоясини ишлаб чиқди. В.Окун назариясида талабалар билиш фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги йўллари кўрсатилган.

1. Билимларни ўзлаштириш жараёнида талабаларнинг билиш фаолияти қуйидаги босқичларда ташкил этилади: ўқув материали билан дастлабки танишиш; ўқув материални ўрганиш; ўзлаштирилган билимларни аввал ўзлаштирилган билимлар билан таққослаш; билимларни тизимга солиш ва мустаҳкамлаш; ўзлаштирилган билимларни янги ҳолатларда қўллаш.

2. Талабаларнинг билиш фаолиятини мустақил иш асосида ташкил этиш: муаммоли вазиятларни келтириб чиқариш; ўқув топшириқларнинг мақсадини аниқлаш; мустақил изланиш орқали саволларга жавоблар топиш; назарий билимлар ва амалий кўникмалар асосида жавобларнинг тўғрилигини текшириб кўриш; билимларни тизимга солиш ва мустаҳкамлаш; билим, кўникма ва малакаларни янги вазиятларда қўллаш.

3. Талабаларнинг билиш фаолиятини кўникмаларни шакллантириш мақсадида ташкил этиш: ўқув фаолиятини амалга ошириш мақсадида, боришини аниқлаш; ўқув фаолиятини моделини тузиш; фаолиятни амалга ошириш намунасини кўрсатиш; талабаларнинг билиш фаолиятини ахлоқий сифатларини шакллантириш мақсадида ташкил этиш; ўқитувчининг кўрсатмаси ёки тавсиясига биноан, тавсия этилган адабиётларни топ иш; қўшимча ўқув адабиётлари билан танишиш;

ўрганилган ахборотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш; адабиёт муаллифининг жамиятнинг маънавий-маърифий соҳасида ёки фан ривожига қўшган ҳиссасини аниқлаш ва баҳо бериш; талабаларнинг ўз хулқи ва ахлоқий сифатларини ривожлантириш юзасидан умумий хулосаси.

В.Окуннинг билиш фаолиятини ташкил этишнинг юқорида айтиб ўтилган вазифаларни амалда бажариш, ўз-ўзидан анъанавий таълим тизимидаги камчиликларни камайтиришга, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга олиб келади. Бунинг учун эса албатта, ўқитувчи ўқув жараёнида талабаларни билиш фаолиятини фақатгина ялпи ўқитиш билан эмас, балки индивидуал, кичик гуруҳларда интерфаол ва ахборот технологияларини татбиқ этган ҳолда ташкил этиши керак бўлади.

Талабаларнинг билиш фаолиятини индивидуал ташкил этиш босқичлари Ж.О.Толипова тадқиқот натижаларига кўра ўқув топшириғининг дидактик мақсадини аниқлаш; мустақил изланиш мақсадини амалга ошириш йўллари аниқлаш; ўз мустақил ишини ташкил этиш; ўқув материални мустақил ўрганиш; ўрганилаётган объектларни таққослаш, ўхшашлик ва фарқларни, ўзига хос хусусиятларни аниқлаш; олинган натижани лойиҳалаш ва мақсадга мувофиқлигини текшириш; натижани таҳлил қилиш, тегишли ҳолларда лойиҳага ўзгартиришлар киритиш.

Талабаларнинг билиш фаолиятини кичик гуруҳларда ташкил этиш Ж.О.Толипова тадқиқот натижаларига кўра дарсда вужудга келтирилган муаммоли вазиятларни ҳал этиш йўллари белгилаш; ўқув топшириқларининг дидактик мақсади, бажариладиган топшириқлар билан танишиш; кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамкорликда мақсадни амалга ошириш йўллари лойиҳалаш, мустақил ишларни ташкил этиш; ўрганилаётган объектни аввал ўрганилган объектлар билан таққослаш; натижаларни лойиҳалаш ва мақсадга мувофиқлигини текшириш; натижани таҳлил қилиш, тегишли ҳолларда лойиҳага ўзгартиришлар киритиш босқичларни ўз ичига олади.

Ёшларни тарбиялашда таълим тизимининг қанчалик аҳамиятга эга эканлиги тасдиғини Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президентининг куйидаги фикрларида ҳам аниқ кўриш мумкин: «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат барибир кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрларни тайёрлашга боғлиқдир. Бугунги кунда жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самарали тақдири, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқлиги янада яққол намоён бўлмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида таълим-тарбия тизимини ташкиллаштиришни тубдан ўзгартириш, янгилаш,

такомиллаштириш мақсадида педагогик технологиялар қўйидагича таснифланади.

Шахс структурасига мўлжалланган: билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга мўлжалланган; ақлий фаолият усулларини шакллантиришга қаратилган; эстетик ва ахлоқий муносабатларни таркиб топтиришга мўлжалланган ҳиссиётли-ахлоқий технологиялар; ижодий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган эвристик технологиялар.

Мазмуни ва тузилишига кўра: таълим-тарбия беришга қаратилган; дунёвий ва диний таълимга мўлжалланган; умумтаълим ва касб таълими; инсонпарварлик ва технократ технологиялари; хусусий фан технологиялари; монотехнология ва мажмуали технологиялар.

Таълим-тарбия жараёнида талаба шахсининг тутган ўрнига кўра: авторитар; дидактоцентрик; шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган; инсонпарварлик ва ҳамкорлик технологиялари; эркин тарбия технологиялари.

Ҳозирги замон таълим тизимида ҳукмронлик қилаётган анъанавий таълимни мазмунан янгилаш ва таълим-тарбия жараёнини ташкил этишни тубдан ўзгартиришга қаратилган технологияларни дидактик мақсадларига кўра: педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосидаги; ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим-тарбия жараёнининг; таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқаришнинг самарадорлигини оширишга; ўқув материални дидактик жиҳатдан такомиллаштириш ва қайта ишлаш асосидаги; халқ педагогикаси методларидан фойдаланишга асосланган педагогик технологиялар.

Шу ўринда, жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, талабанинг олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи, аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнига тизим сифатида ёндашувчи, педагогнинг ўқитиш воситалари ёрдамида талабаларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирни назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи педагогик технологиялардан оқилона фойдаланиш давр талаби эканлиги аниқланди ва уларнинг дидактик функциялари ўрганиб чиқилди.

Муаммоли педагогик технологияларнинг дидактик функцияларини таҳлил қиладиган бўлсак, қўйидаги кетма-кетлик алгоритминини кўришимиз мумкин: ақлий фаолият усулларини шакллантирувчи; мантиқий фикрлашни ривожлантирувчи; ижодий фаолиятга йўлловчи; ривожлантирувчи; таълим берувчи; тарбияловчи; ўз фаолиятини таҳлил ва назорат қилувчи; мўлжални тўғри олишга ўргатувчи; коммуникативлик; касбга йўналтирувчи; ҳамкорликни вужудга келтирувчи.

Ҳар бир педагогик технологиянинг дидактик функциялар кетма-кетлик алгоритми турлича бўлишига қарамай, замонавий педагогик

технологияларнинг дарс жараёнига татбиқ этганда таълим олувчилар қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари маълум бўлди: ўрганилаётган мавзунини олдин ўтилган мавзу билан боғлиқлигини излаб топадилар; биргаликда ўтирилаётган ўқув материални фаол муҳокама қиладилар; шахсий фикрларни шакллантирди, ғояларни илмий асосланган ҳолда исботлайдилар; бир-бирларининг муваффақиятларини кўрсата оладилар; берилган ишни охирига етказишда бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар; индивидуал фарқнинг мавжудлигига қарамадан ҳамкорлик асосида ишлайдилар; маълум бир вазифани бажариш учун тузилган жамоада ёки кичик гуруҳда ишга масъулият билан ёндашадилар; ўз камчиликларини кўра оладилар; бир-бирларини диққат билан тинглашга ўрганадилар. Буни Ж.О.Толипова томонидан ишлаб чиқилган педагогик технологияларнинг дидактик функциялари асослаб берилган қуйидаги жадвалда ҳам кўриб чиқишимиз мумкин.

Педагогик технологияларнинг дидактик функциялари

| № | Педагогик технологияларнинг функциялари | Дидактик ўйинли | Муаммоли | Модулли таълим | Ҳамкорликда | Лойиҳалаш |
|-----|---|-----------------|----------|----------------|-------------|-----------|
| 1. | Таълим берувчи | 1 | 5 | 1 | 3 | 7 |
| 2. | Ривожлантирувчи | 2 | 4 | 2 | 4 | 8 |
| 3. | Тарбияловчи | 3 | 6 | 3 | 5 | |
| 4. | Ижодий фаолиятга йўлловчи | 8 | 3 | 6 | 6 | 1 |
| 5. | Коммуникативлик | 4 | 9 | 4 | 7 | 4 |
| 6. | Мантиқий фикрлашни ривожлантириш | 6 | 2 | 7 | 8 | 3 |
| 7. | Ақлий фаолият усулларини шакллантириш | 7 | 1 | 8 | 9 | 2 |
| 8. | Ўз фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш | 10 | 7 | 10 | 10 | 11 |
| 9. | Касбга йуналтириш | 11 | 10 | 11 | 11 | 6 |
| 10. | Мулжални тўғри олишга ўргатиш | 5 | 8 | 9 | 2 | 5 |
| 11. | Ҳамкорликни вужудга келтириш | 9 | 11 | 5 | 1 | 10 |

Педагогик технологияларнинг дидактик функцияларининг назарий ва амалий таҳлилидан, «Географияси» фанидан талабаларни ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиришда қуйидаги вазифалар бажарилиши лозим эканлиги маълум бўлди: фаннинг талабалар илмий дунёқарашини

шакллантиришдаги аҳамиятини кўрсата олиш; талабаларнинг билим олиш фаолиятини ривожлантириш негизида ўқитишнинг интерфаол, замонавий методларини қўллаш ҳамда такомиллаштириш; таълимда замонавий педагогик ва компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш; мустақил таълимни такомиллаштириш, ўзлаштириш самарадорлигини ошириш; талабаларнинг ижодий, танқидий фикрлаш кўникмаларини таркиб топтириш ва ривожлантириш, эгаллаган илмий-назарий билимларини амалиётга татбиқ эта билишга йўналтириш.

Бу соҳадаги тадқиқот ишларининг таҳлили, география соҳасида талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини фаоллаштириш жараёнида талаба билан яқка тартибда ишлаш, мустақил, ижодий ўрганишга мўлжалланган топшириқ ва вазифаларни бажаришга оид методик ишланмаларнинг камлигини, иқтидорли талабалар билан ишлашга мўлжалланган топшириқларнинг эса умуман йўқлигини кўрсатди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон географларининг илмий-тадқиқот ишлари, хусусан, иқтисодий-иқтисодий таракқиёти жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ҳал этиш, атроф-муҳит ва йирик ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини сифат жиҳатидан ижобий ўзгартиришнинг илмий асосларини яратишга қаратилгандир. Бу вазифани амалга оширишда эса, албатта, талаба, тадқиқотчи Ўзбекистон ҳудудининг табиий шароити ҳақида чуқур билимга эга бўлиши зарур. Талабаларга географик ҳодисалар ва уларнинг сабаб-оқибатларини, табиий ва иқтисодий, сиёсий географик термин ҳамда тушунчаларни етказиш ва улар онгида шакллантириш анча мураккаб жараён ҳисобланади. Географиянинг фан сифатида ўзига хос хусусиятларидан бири унда катта ҳажмдаги маълумотларнинг мавжудлигидир. Табиийки, географик маълумотлар турли маълумотномалар, луғатлар ҳамда энциклопедияларда ҳам берилади, лекин уларда географияга оид барча билим ва кўникмалар тўлиқ ифода этилмайди.

Шунинг учун, таълимда, ўқув жараёнида талабаларга фақат географияга оид билим бериш билан чекланиб қолмай, балки уларда зарур кўникма ва малакалар ҳам ҳосил қилиш зарур.

Назорат саволлари:

1. Таълимнинг анъанавий ва янги қарашлари ўртасида қандай фарқлар бор?
2. Нима сабабдан XX асрнинг 70 йиллари охиридан бошлаб Европа мамлакатларида олий маълумотга эга мутахассисларга талаб кескин ошган?
3. Бугунги кунда АҚШда қанча мустақил таълим тизимлари мавжуд?
4. География таълими тарихи ҳақида нималарни биласиз?

5. Бугун география таълимининг олдида қандай ўзига хос масалалар мавжуд?

6. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълим соҳасига қандай янги талабларни қўймоқда?

7. Польшалик олим В.Окун назариясида талабалар билиш фаолиятини ташкил этишнинг қандай йўллари кўрсатилган?

8. “Педагогик технологияларнинг дидактик функциялари” жадвалини таҳлил қилиб беринг.

9. Ёшларни тарбиялашда таълим тизимининг қанчалик аҳамиятга эга эканлиги тасдиғини Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президентининг қайси фикрларида аниқ кўриш мумкин?

Фойдаланган адабиётлар:

1. Иванов Ю.В. Методика преподавания географии. –Брест: БрГУ, 2012. – 420 с.
2. Никадамбаева Ҳ.Б. «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш методикаси (олий таълим мисолида): Пед. фан. ном. илм. даража. ... диссер. – Т., 2012. – 222 б.
3. Окун В. Введение в общую дидактику. – М.: Высшая школа, 1990. – 382 с.
4. Tolipova J.O. Biologiyani o‘qitishda pedagogic texnologiyalar. – Т.: TDPI. 2011. – 159 б.
5. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. Концепция конвергенции и интеграции подходов к обучению, ориентированных на ожидаемый результат учению и на процесс развития мышления. – Гулистан, 2003. – 143 с.
6. Dr.S.Harichandan, Dr.Asam Shaik, Mrs. Sujana Sunni. Methodos of teaching geograph. English, 2009. – 93p.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1 – амалий машғулот:

Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда хорижий тажриба.

Ишдан мақсад: Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда хорижий давлат тажрибаларининг қиёсий таҳлилини амалга ошириш.

Ишни бажариш учун намуна

1. Олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳонда тан олинган, тажрибада исботланган 4 та модели таҳлили.

| АҚШ | Япония | Франция | Германия |
|-----|--------|---------|----------|
|-----|--------|---------|----------|

БМТ маълумотларига кўра, мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган ҳаражатлар давлат бюджетининг 35 фоизидан ортигини ташкил этмоқда



Рисунок 3 – Структура источников финансирования образования в развитых странах

Примечание: составлено по источнику [10]

Мазкур материаллар ўрганилади ва гуруҳ ва жамоада муҳокама қилинади.

Назорат саволлари:

1. Мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган ҳаражатлар давлат бюджетининг нечи фоизидан ортигини ташкил этмоқда?

2. Болон Декларациясининг моҳияти нимадан иборат?

3. Болон жараёнининг асосий мақсади нима?
4. Декларация қандай асосий тамойилларни ўз ичига олган?
5. Хорижий давлатлар таълим тизими ҳақида маълумот беринг.
6. АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея таълим тизимининг ўзига хос жиҳатлари нимадан иборат?
7. Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатини оширишга оид қандай Европа ҳужжатлари мавжуд?
8. Глобал география таълимнинг бугунги долзарб масалалари нимадан иборат?

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ткач Г.Ф., Филиппов В.М., Чистохвалов В.Н. Тенденции развития и реформы образования в мире. – М.: РУДН, 2008. С. 133–141.
2. MODEL CURRICULA FOR JOURNALISM EDUCATION. A COMPENDIUM OF NEW SYLLABI. United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization. – France. UNESCO 2013. 7-13 p.
3. Мухторов А. ва б. ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012.

2 – амалий машғулот:

География фанининг энг янги ютуқ ва натижалари.

Ишдан мақсад: География фанларига оид замонавий ютуқ ва натижалар ўрганиш, таҳлил этиш.

Ишни бажариш учун намуна:

Тингловчиларга қуйидаги тарқатма материаллар ҳавола этилади. Улар мазкур материалларни ўрганиб гуруҳ ва жамоада муҳокама қиладилар


1. Марказий Осиё мамлакатларида олий таълимнинг ривожланиш кўрсаткичлари¹⁰ (2013 йил 1 январ ҳолати)

| № | Аҳоли сони млн.киши | Олий таълим муассасалари сони | Талабалар сони минг киши | 10.000 аҳолига тўғри келадиган талабалар сони | 19-24 ёшдаги аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлиги даражаси % |
|---|---------------------|-------------------------------|--------------------------|---|--|
| | | | | | |


¹⁰ Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике «Образование в Узбекистане» Ташкент-2013- С. 139.

| | | | | | | да |
|---|-------------|----|-----|-------|-------|------|
| 1 | Ўзбекистон | 30 | 64 | 258,3 | 86 | 8,3 |
| 2 | Қирғизистон | 5 | 49 | 231,0 | 426 | 36,2 |
| 3 | Тожикистон | 7 | 40 | 34,8 | 175 | 14,4 |
| 4 | Қозоғистон | 15 | 176 | 744,2 | 509,8 | 44,7 |

2. Дэвид Колб таълим босқичлари



3. ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИНИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ЭСЛАБ ҚОЛИШ НАТИЖАЛАРИГА ТАЪСИР ЭТИШИ



4. Таълимга технологик ёндашув ва “таълим технологияси” тушунчаси маъносининг узлуксиз ўзгариши.

| Давр | Технологик ёндашувнинг намоён бўлиши | “ТТ” тушунчаси маъноси |
|----------|--|------------------------|
| XVII аср | XVII асрда Ян Амос Коменский, шундай таълим механизми, яъни “вақт, нарсалар ва методлар” моҳирона тақсимланса, уни тўғри тузиш ва ундан тўғри фойдаланилганда кутилаётган натижани берса, яъни уни «дидактик машина» деб номлаб, у устида изланиш олиб борган. | «Дидактик машина» |

| | | |
|---|--|--|
| <p>30 – йиллар 50-йилларнинг ўртаси</p> | <p>30–йилнинг ўртасида АҚШнинг Индиана университетида талабаларга эшитиш ва кўриш (аудиовизуал) таълими бўйича маърузалар ўқилган, 1946й. – шу ернинг ўзида эшитиш ва кўриш (аудиовизуал) таълими бўйича мутахассисларни тайёрлаш курси: ишлаб чиқаришни режалаштириш, эшитиш ва кўриш воситаларни ишлатиш ва улар сифатини баҳолаш, шу воситаларни қўллаб ўқув жараёнини бошқариш дастурлари киритилди. 1954й. – профессор Б.Ф. Скинер томонидан ишлар тақсимоти бўйича ўргатишнинг мунтазамли технологиясини ўзида намоён этувчи, дастурлашган таълим модели (ДТ) асослади. Қайтар алоқани назарда тутувчи: ҳар бир бажарилган ишнинг тўғрилигини тезкор баҳолаш ва агарда кейинги қадамга хатолик бўлса қайтариш деб таъкидлаган.</p> | <p>“Таълимда технологиялар” “... маълумотга эга бўлиш соҳасида замонамизнинг бўлаги бўлган кашфиётлар, саноат маҳсулотлари ва жараёнларини қўллаш” (М. Кларк). Педагогик мақсадларда ахборотни тақдим этишда эшитиш ва кўриш воситаларини қўллаш.</p> |
| <p>50 – 60 - йиллар ўртаси</p> | <p>1958й. – Н. Краудер бир қатор берилган ва жавобларни тўғрилигига боғлиқ равишда қайтар алоқага мувофиқ жавобларни кўп танлаш ДТ кенгайтирилган чизмасини таклиф этди.</p> | <p>«Ўргатувчи технология» (Д.Финн, 1959)– педагогик мақсадда махсус яратилган эшитиш воситаларидан фойдаланиш ва улардан фойдаланиш услубиёти.</p> |
| <p>70 - 80 - йиллар</p> | <p>Таълим технологиясини илмий асосини ахборот, телеалоқа назарияси, педагогик квалиметрияси, тизимли таҳлил, билиш жараёнини бошқариш назарияси, таълим жараёнини қулайлаштириш, педагогик меҳнатни илмий ташкиллаштириш ва б. Эшитиш воситаларининг янги турлари: виде-омагнитофон, айланмали кадрпроектор, электрон ва блокнотли ёзув тахтаси ва бошқалар чиқара бошлади. <i>Таълим технологияси</i> муаммолари бўйича Ҳалқаро анжуманларда таълим</p> | <p>“Таълимий технология” ТТ-“таълим техник воситалари ёки компьютер соҳасидаги” изланишлар эмас; бу таълим жараёнининг самардорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш йўли билан, тузилмага келтириш ҳамда йўл ва материалларни қўллаш йўли билан,</p> |

| | |
|---|---|
| <p>технологиясига умумий моҳият таклиф этилди.</p> <p>ТТ қўлланиш соҳаси - (1) ўқитишнинг техник воситалари, (2) маълумот олиш муаммоларига тизимли ёндашиши.</p> <p>“Биринчи соҳа ўқитиш воситаларида техника ютуқларини амалга ошириш билан, иккинчи соҳа эса, педагогик назарияни ривожланиши билан, уларни ташкиллаштиришнинг умумий назарияси бирлаштириши лозим бўлган иловага боғлиқ, яъни таълим муаммолари-га тизимли ёндашишдир. П.Д.Митчел (1970 й.) ТТ бўйича 102 манбаларни таҳлил этиши натижасида ТТ маъноси ва педагог-технологлар вазифаси асо-сини шакллантиради: “Кутилаётган педагогик на-тижаларни олиш учун инсон, моддий ва молиявий манбаларни мақбул тақсимлаш”.</p> <p>ТТ педагогикада назарий билим соҳаси деб қабул қилиниши: “ТТ муаммоларининг назарий тадқи-қотларини ишлаб чиқувчи оқим, моҳир технологияларнинг янги авлоди пайдо бўлди” (М. Эраут).</p> <p>“Фақат содда одамларгина, технологияни - фақат мосламалар ва ўқув материаллар мажмуи деб ҳисоблайдилар”. Бу бундан кўпроғини ангалатади. Бу ташкиллаштириш йўли, бу материаллар, инсонлар, ташкилот, моделлар ва тизим туридаги “инсон-машина” тўғрисидаги тасаввур. Бу муам-монинг иқтисодий имкониятларини текшириш. Бундан ташқари, технология фан, санъат ва инсон қадри ўзаро ҳаракатига муҳим бўлган алоқага эга.</p> <p>ТТ “Таълим воситаси”нинг синоними ҳисоблан-масдан, у фанлараро хилма-хил тасодифлар йиғиндиси, таълимнинг барча</p> | <p>шунингдек қўлланилаётган методларни баҳолаш орқали таълим жараёнини энг мақбуллаштириш принципларини аниқлаш ва йўллариини ишлаб чиқиш мақсадидаги изланишдир”. (Международный ежегодник по технологии образования и обучения – Лондон – Нью - Йорк, 1978 г.</p> <p>“ТТ дастлабки моҳияти педагогик мақсадларда мулоқот қилишнинг эшитиш ва кўриш воситалари, кўрсатув, компьютер ва бошқа турдаги “юмшоқ” ва “қаттиқ” воситалардан фойдаланишни англатган. Янги ва кенгрок маънода эса, таълим олиш шакллариини мақбуллаштиришни ўз вазифалари деб қўюувчи, бутун таълим бериш жараёнини ҳамда билимларни техникавий ва инсоний манбаларни хи-собга олган ҳолда ўзлаштириш ва уларнинг ўзаро ҳаракатини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методидир”. ЮНЕСКО, 1986.</p> |
|---|---|

| | | |
|--------------------------|--|--|
| | жиҳатлари билан боғлиқ бўлган, қисқа таълимий лавҳадан то унинг барча ҳаракатларидаги миллий тизимлари ҳисобланади” – Д. Финн, Лондон, 1978 й. 80 -йилларда ТТ тўғрисида Россия олимларининг биринчи нашрлари пайдо бўлди:“Ҳорижий тажрибалар ҳозир бизда яхши маълум бўлмай турибди. Лекин ТТ эшигимизни тақиллатаяпти”. Кларин, 1989. | «Педагогик технология» – атамаси педагогика фанида вужудга келди. |
| 90-чи йиллар | ТТ муаммоларини: В.П. Беспалько, В. Гузеев, В. Кларин, В. Монахов, Г. Селевко, С. Саидахмедов, Ж. Йўлдошев, С. Усмонов, М. Очилов ва бошқалар ишлаб чиқдилар. | |
| XXI асрнинг 1-ўн йиллари | “Педагогиканинг предмети инсон табиати (боғлиқ бўлган) ва ўқув-тарбиявий ҳаракатларининг самараси ўртасидаги қонуниятли муносабатлар ҳисобланади”. Бир қанча услубиётлардан “танлаш ҳуқуқи” ўрнига, илмий, табиатга оид педагогика берилган ёки инсонни тўғрисидаги аниқ билимлари асосида мавжуд шароитлар учун ҳаракатланишнинг мақбул йўллари ни онгли лойиҳалашни таклиф этади. Маълумки, муаммонинг бундай берилишида педагогика “тажрибани умумлаштириш” ва “омма ижодкорлиги” ботқоғидан илмий изланиш майдонига ва юқори асосли психология – педагогика муҳандислигига ўзгаради. Ушбу матн парчасида ТТ - берилган шароитда педагогик вазифаларга мақбул эришиш йўллари дир. Берилган шароитда мақбуллик - технологияни ҳаммабоп тизимли белгиси. “Педагогика учун технология маъносига алоҳида, ҳеч нимага ўхшамайдиганлар, шунингдек унга техник такрорланиш маъносини ўйлаб топишга ҳеч қандай сабаб йўқ. Моҳияти бўйича мавжудлик ва ишлаб чиқаришлик, ижтимоийлик, инсоншунослик ва технология вазифаларини берилишидек қабул қилиш керак”. А.М.Кушнир, 2004 | |

Мазкур материаллар ўрганилади ва гуруҳ ва жамоада муҳокама қилинади.

Назорат саволлари:

1.Таълимнинг анъанавий ва янги қарашлари ўртасида қандай фарқлар бор?

2.Нима сабабдан ХХ асрнинг 70 йиллари охиридан бошлаб Европа мамлакатларида олий маълумотга эга мутахассисларга талаб кескин ошган?

3.Бугунги кунда АҚШда қанча мустақил таълим тизимлари мавжуд?

4.География таълими тарихи ҳақида нималарни биласиз?

5.Бугун география таълимининг олдида қандай ўзига хос масалалар мавжуд?

6.Конвергент географиянинг шаклланиши таълим соҳасига қандай янги талабларни қўймоқда?

7.Дэвид Колб асос солган 4 босқичли таълим моҳияти нимадан иборат?

Фойдаланган адабиётлар:

1.Иванов Ю.В. Методика преподавания географии. –Брест: БрГУ, 2012. –420 с.

2.Никадамбаева Ҳ.Б. «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш методикаси (олий таълим мисолида): Пед. фан. ном. илм. даража. ... диссер. – Т., 2012. – 222 б.

3.Окун В. Введение в общую дидактику. – М.: Высшая школа, 1990. – 382 с.

4.Tolipova J.O. Biologiyani o‘qitishda pedagogic texnologiyalar. – Т.: TDPI. 2011. – 159 б.

5.Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. Концепция конвергенции и интеграции подходов к обучению, ориентированных на ожидаемый результат учению и на процесс развития мышления. – Гулистан, 2003. – 143 с.

6.Dr.S.Harichandan, Dr.Asam Shaik, Mrs. Sujana Sunni. Methodos of teaching geograph. English, 2009. – 93p.

3 – амалий машғулот:

География фанининг жорий ҳолати ва истиқболдаги вазифалари

Ишдан мақсад: География фанининг жорий ҳолатини ўрганиш ва истиқболи масалаларини таҳлилга тортиш.

Ишни бажариш учун намуна:

Тингловчиларга қуйидаги тарқатма материаллар ҳавола этилади. Улар мазкур материалларни ўрганиб гуруҳ ва жамоада муҳокама қиладилар.

1. Шахсга йўналтирилган ривожлантирувчи таълим ва уни амалга

ошириш шартлари.


| <i>Шахсга йўналтирилган таълимнинг асосий - назарий ҳолатлари</i> | <i>Амалга ошириш шароитлари</i> |
|--|--|
| <p>Шахсий ёндашув куйидагиларни англат:</p> <p>(1) таълим жараёнини тузишда ва амалга оширишда шахсга мақсад, субъект устунлиги, натижа ва унинг самарадорлигини асосий мезондек йўналтириш</p> <p>(2) таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг тўла-қонли ривож.</p> <p>(3) таълим бериш жараёнини шахспарварлаштириш ва табақалаштириш: касбий тайёргарлик йўналишлари бўйича Давлат Таълим стандартлари талабларига риоя қилган ҳолда таълим олувчи шахсини ривожланиш йўлига йўналтириш;</p> <p>(4) таълим олувчиларни психологик-касбий ва шахсий хусусиятлари ва қобилиятларини ҳисобга олиш</p> <p>(5) таълим жараёни иштирокчилари фаолиятининг шахсий қизиқишларини таъминланиш</p> | <p>Таълим олувчи шахсини ҳар томонлама эркин ва ижодий ривожланиши учун қулайлик, зиддиятсиз ва хавфсиз шароитларни таъминлаш, унинг табиий имкониятларини амалга ошириш. Таълим берувчининг таълим олувчи шахсини қабул қилиш: унинг мақсадлари, хаяжонлари, қизиқишлари, қарашлари, муносабатлари, тушуниш, уларни худди қимматлидек тан олиш, унга, унинг кучи ва имкониятларига ишониш.</p> <p>Таълим бериш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ушбу билим соҳасида ўқимишлилик даражаси ва шахс маданиятининг умумий ривожланиш даражаси;</p> <ul style="list-style-type: none"> - таълим олувчининг психологик-физиологик хусусияти; - ҳар бир таълим олувчи учун таълим ўқув дастурларига нисбатан шахсий хусусият ва ўқитиш таъсири остида унинг ривожланиш ўзгарувчанлиги, унинг имкониятларига мос равишда мослашади; - унга ўзининг билимга, ўзини аниқлай олиши, ўзини ривожланиши ва ўзини амалга оширишига ёрдам кўрсатиш <p>Таълим олувчининг ривожланиш ва сўниш истиқболларини аниқлаш, ундан сўнг эса тўғри-лаш учун, унинг шахсий ривожланишини объектив назорат ва ташҳис қилиш.</p> <p>Таълим олувчини нафақат касбий сифатда, балки шахс сифатида ривожланишининг умум-педагогика малакаларини ривожланиши технологиялари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш</p> <p>-Бу мақсад, ўқитиш ва шахсий ривожланиш таълим берувчи ва таълим олувчи учун ҳаётий ва касбий моҳиятга эга бўлганда, ушбу фаолиятга мустаҳкам қизиқиш уйғонганда, ўқитиш ва ривожланиш шахсининг ҳаётий эҳтиёжига айлангандагина эришилган деб ҳисоблаш мумкин.</p> |

2. Гуруҳларда ҳамкорликда ишлашни ташкиллаштириш технологияси.



Технологик ишлар

Таълим берувчи фаолияти



Бир турдаги гуруҳли иш ўқув гуруҳлари учун бир турдаги топширик бажаришни назарда тутати.

Табақалашган гуруҳли иш гуруҳларда турли топшириқларни бажаришни назарда тутати.

Йўриқномага талаб:

Йўриқнома ўзида қуйидагилардан иборат бўлиши зарур:

- топшириқни аниқ ифодаланишини;
- кутилаётган натижаларга аниқ йўналтириш;
- тажрибада синалган бўлиши керак: бу йўриқномани аввал ўзи ёки ҳамкасбидан бажаришини илтимос қилиш керак;
- гуруҳ топшириқни мустақил бажариш бўйича тўла тавсияномалар бўлиши керак;
- ҳар бир таҳсил олуви учун тушунарли қилиб ёзилиши керак.

8. Таълим олувчиларни

(1) Ўқув гуруҳида хайрихона муносабат муҳитини яратди: фақат шунда улар ҳамкорий ишни ижодий бажарадилар.
(2) таълим олувчилар топшириқларни гуруҳларда бажариши қондасини билишлари ва йўналтирилган бўлишлари керак.

☛ Гуруҳда ишлаш қондалари:

- ҳар ким ўз ўртоқлари нутқини хушмуомалалик билан тинглаши зарур;
- ҳар ким фаол, биргаликда ишлаши, берилган топшириққа масъулиятли ёндашиши зарур;
- ҳар ким ёрдамга муҳтож былганда уни сыраши зарур;
- ҳар кимдан ёрдам сыралса, ёрдам қилиши зарур;
- ҳар ким гуруҳ иши натижаларини баҳолашда иштирок этиши зарур

9. Гуруҳни бўлиш йўлини танлаш

Кичик гуруҳларни бирлаштириш йўлини танлайди. Таълим олувчиларни ким гуруҳларга бўлади?, аниқлайди. Агарда бажариш учун турли топшириқлар берилса, улар гуруҳни ўз қизиқишлари бўйича танлашлари мўмкин.

10. Гуруҳда таълим олувчилар бажарадиган вазифаларни аниқлайди

Таълим олувчиларни бажарадиган вазифаларини аниқлайди: маслахатчи, сардор, маърузачи, баённомачи, рамийлаштирувчи ва бош.

11. Иш жойини тайёрлайди

Стул ва ўриндиқлар шундай жойлаштирладики, бунда:
- таълим олувчилар аудиторияда эркин ҳаракатлана олсинлар;
- ҳар бир гуруҳ аъзоси бир жойда бўлишлари ва бир-бирларини кўришлари ва эшитишлари керак;
- зарур ўқув қўлланмалар барчага тушунарли бўлиши керак.

3. География дарсларида электрон ўқув методик мажмуадан фойдаланишининг афзалликларини таҳлил қилинг.

| № | Харакатлар | Анъ-анавий | Интер-фаол | ЭЎМТ |
|-----|--|------------|------------|------|
| 1. | Талабаларнинг машғулотлардаги фаоллашуви, билим олиш самарасининг ошиши | + | + | + |
| 2. | Ўқитувчининг назорати барча талабалар учун мотивация иштиёқининг вужудга келиши | + | + | + |
| 3. | Талабалар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириши | + | + | + |
| 4. | Гуруҳларда жамоа бўлиб ишлаш кўникмаси шаклланиши | + | + | + |
| 5. | Мустақил, эркин танқидий фикрлай оладиган талабанинг шаклланишига имкон яратилиши | + | + | + |
| 6. | Талабаларнинг машғулотлардаги фаоллашуви, билим олиш самарасининг ошиши | | + | + |
| 7. | Талабаларда мустақил, эркин танқидий фикрлаш кўникмаларини таркиб топтириш | | + | + |
| 8. | Ҳар бир таълим олувчининг потенциал имкониятининг ривожланиши талабанинг эркин, мустақил фикрлашига шароит яратиш | | + | + |
| 9. | Барча олий ўқув юртларини адабиётлар билан таъминланиши, ахборотнинг мунтазам янгиланиб туриши, янги мавзунинг кенг ҳажмда ўрганилиши ва ўзлаштириш самарадорлигининг ошиши | | | + |
| 10. | Ўқитувчи ва талаба вақтдан тўғри ва унумли фойдаланиши, масофавий таълим учун мўлжалланиши | | | + |
| 11. | Ўқитувчининг фикрлаш қобилиятига ва муаммоларни ечиш кўникмасига, вазиятни тезда баҳолай олиши, ҳозиржавоб бўлиш кўникмасининг такомиллашиши | | | + |
| 12. | Ўқув фаолиятини ташкил қилишда барча усуллардан оғзаки баён, кўргазмали, амалий, репродуктив, муаммоли, мантиқий, назорат ва ўз-ўзини назорат шунингдек мустақил иш методларидан фойдаланиши | | | + |
| 13. | Компьютер ёрдамида дарс жараёни давомида назарияни амалиётга боғлаб олиб боришига | | | + |

| | | | | |
|-----|---|--|---|---|
| | шароит яратилиши, амалий иш топшириқларини илмий-амалий текшириб кўриши ва вазифани бажаришга ижодий ёндашиши | | | |
| 14. | Табиий жараёнларни компьютер ёрдамида моделлаштириши | | | + |
| 15. | Ўқитишда субъект-субъект муносабатларини амалга ошириш, рақобат | | + | + |
| 16. | Ўртача қобилиятга эга бўлган ёки тортинчок талабанинг ҳам ўз билими ва маҳоратини намоён қилишига имкон яратилиши | | | + |
| 17. | Талабанинг ўзини қизиқтирган саволга жавоб топишга ҳаракат қилиши, илмий изланиши ва ижодий ёндашиши | | | + |
| 18. | Талабанинг фаоллиги ошиб, география фанига, илмга бўлган эътибори ва қизиқишининг кучайиши | | | + |
| 19. | Талабаларнинг билим даражаларини ҳар томонлама ва мажмуали текшириб кўриши имконининг яратилиши | | | + |
| 20. | Ўқишга шароити йўқ киши ҳам мустақил ўқиб ўрганиши ногирон талаба ҳам бемалол фойдаланиши | | | + |

4. Талабаларни ўқув-билиш фаолиятни фаоллаштиришда электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланишнинг дидактик функциялари

| № | Электрон ўқув-методик таъминот функциялари | Бажарилиш кетма-кетлиги |
|----|--|-------------------------|
| 2 | Таълим берувчи | 2 |
| 7 | Ривожлантирувчи | 7 |
| 8 | Тарбияловчи | 8 |
| 9 | Ижодий фаолиятга йўлловчи | 9 |
| 12 | Коммуникативликка ўргатувчи | 12 |
| 11 | Мантиқий фикрлашни ривожлантирувчи | 11 |


| | | |
|----|---|----|
| 10 | Ақлий фаолият усулларини шакллантирувчи | 10 |
| 13 | Ўз фаолиятини таҳлил ва назорат қилувчи | 13 |
| 14 | Касбга йўналтирувчи | 14 |
| 15 | Мўлжални тўғри олишга ўргатувчи | 15 |
| 17 | Ҳамкорликни вужудга келтирувчи | 17 |
| 1 | АКТ билан ишлаш кўникма ва малакани ривожлантирувчи | 1 |
| 5 | Мустақил таълимни шакллантирувчи | 5 |
| 18 | Мультимедиа технологиялари билан ишлаш кўникма ва малакани шакллантирувчи | 18 |
| 6 | Масофавий таълимни ривожлантирувчи | 6 |
| 4 | Кўрғазмалиликни такомиллаштирувчи | 4 |
| 16 | Илмий дунё қарашни ривожлантирувчи | 16 |
| 3 | Индивидуал ривожлантирувчи | 3 |

4. Талабаларни ўқув-билиш фаолиятни фаоллаштиришда электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланишнинг дидактик функциялари.

| № | Электрон ўқув-методик таъминот функциялари | Бажарилиш кетма-кетлиги |
|----|--|-------------------------|
| 1. | Таълим берувчи | 2 |
| 2. | Ривожлантирувчи | 7 |
| 3. | Тарбияловчи | 8 |
| 4. | Ижодий фаолиятга йўлловчи | 9 |
| 5. | Коммуникативликка ўргатувчи | 12 |
| 6. | Мантиқий фикрлашни ривожлантирувчи | 11 |
| 7. | Ақлий фаолият усулларини шакллантирувчи | 10 |
| 8. | Ўз фаолиятини таҳлил ва назорат қилувчи | 13 |

| | | |
|-----|---|----|
| 9. | Касбга йўналтирувчи | 14 |
| 10. | Мўлжални тўғри олишга ўргатувчи | 15 |
| 11. | Ҳамкорликни вужудга келтирувчи | 17 |
| 12. | АКТ билан ишлаш кўникма ва малакани ривожлантирувчи | 1 |
| 13. | Мустақил таълимни шакллантирувчи | 5 |
| 14. | Мультимедиа технологиялари билан ишлаш кўникма ва малакани шакллантирувчи | 18 |
| 15. | Масофавий таълимни ривожлантирувчи | 6 |
| 16. | Кўргазмалиликни такомиллаштирувчи | 4 |
| 17. | Илмий дунё қарашни ривожлантирувчи | 16 |
| 18. | Индивидуал ривожлантирувчи | 3 |

5. Олий таълим муассасалари маънавий-ахлоқий тарбия ишларига тизимга ахборот – коммуникация технологиялари жорий этиш моделини география фанини ўқитишда самарали татбиқ этиш йўллари ни ишлаб чиқиши ва таҳлил қилиши.



Назорат саволлари:

1. Европа ва Америкада АКТ фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
2. “Орол” географиясига қайси давлатлар географияси мансуб ва нима учун?
3. Тадқиқотчилар оммавий коммуникациянинг қандай 3 та моделини эътироф этадилар?
4. Оммавий коммуникация деганда нима тушунилади?
5. Блогерларга олдидаги замонавий талаблар нимадан иборат?
6. Онлайн географияси нима?
7. Нима сабабдан ижтимоий географияга бугун талаб ортмоқда?

Фойдаланган адабиётлар:

1. Иванов Ю.В. Методика преподавания географии. –Брест: БрГУ, 2012. – 420 с.
2. Маматова Я., Сулаймонова С. Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида. (ўқув қўлланма) –Т.: «Extremum-press». 2015.
3. Никадамбаева Ҳ.Б. «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш методикаси (олий таълим мисолида): Пед. фан. ном. илм. даража. ... диссер. – Т., 2012. – 222 б.
4. Оқун В. Введение в общую дидактику. – М.: Высшая школа, 1990. – 382 с.
5. Tolipova J.O. Biologiyani o‘qitishda pedagogic texnologiyalar. – Т.: TDPI. 2011. – 159 б.
6. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. Концепция конвергенции и интеграции подходов к обучению, ориентированных на ожидаемый результат учению и на процесс развития мышления. – Гулистан, 2003. – 143 с.
7. Dr.S.Harichandan, Dr.Asam Shaik, Mrs. Sujana Sunni. Methodos of teaching geograph. English, 2009. – 93p.
8. Katz E. The End of Journalism? Notes on Watching the War // Journal of Communication. 1992. No 42(3). – P. 9.
9. Kawamoto K. News and Information at the Crossroads: Making Sense of the

New On-line Environment in the Context of the Traditional Mass Communication Study // The Electronic Grapevine: Rumor, Reputation and Reporting in the New On-line Environment / Ed. by D. L. Borden and K. Harvey. Mahwah: Erlbaum, 1998.– P. 173-188.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ



Тақдим этилаётган намуна кейслар ёрдамида ҳар бир фан ўқитувчиси кейслар банкини ишлаб чиқади.

1-кейс.

Намуна: *Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланиши мавзуси бўйича ўқув машғулотининг кейс-стади ўқитиш технологияси*

Ўқув машғулотининг технологияси модели

| Талабалар сони: _____ | 2 соат |
|-----------------------|--|
| Ўқув машғулоти шакли | Билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган маъруза машғулоти |
| Машғулот режаси | <ol style="list-style-type: none"> 1. Кейс-стади мазмунига кириш. 2. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида “Блиц - сўров” ўтказиш. 3. Кейс-стади мазмуни билан танишиш ва яқка тартибда ишлашни ташкил қилиш. 4. “Кейс-стади”ни гуруҳларда ечиш. 5. Натижалар тақдими ва муҳокамасини ўтказиш. 6. Муҳокама этилаётган муаммони “SWOT” - |

| | |
|---|---|
| | методи асосида таҳлил этиш. 7. Якуний хулоса чиқариш. Эришилган ўқув натижаларига кўра талабалар фаолиятини баҳолаш |
| Маишулотнинг мақсади: Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланиши ҳамда Орол муаммосининг ўзига хос бўлган энг муҳим хусусиятлари ҳақида билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириш. | |
| Педагогик вазифалар: | Ўқув фаолияти натижалари: |
| <ul style="list-style-type: none"> • кейс-стади мазмунини мустақил ўрганиш учун асос яратади; • Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланиши ҳақида маълумот бериш; • Орол бўйидаги табиий, геоэкологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятлар билан таништиради; • Геоэкологик муаммони ажратиб олишга, таққослашга, таҳлил қилишга умумлаштиришга кўмак беради; • муаммони ҳал этиш бўйича аниқ чоратadbирлар кетма-кетлигини тушунтириб беради. | <ul style="list-style-type: none"> • кейс-стади мазмуни билан олдиндан танишиб чиқиб, ёзма тайёргарлик кўради; • Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланиши ҳақида маълумотга эга бўлади; • Орол бўйидаги табиий, геоэкологик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига оид вазиятларни аниқлайди; • муаммони ҳал этиш бўйича аниқ чоратadbирлар кетма-кетлигини айтиб беради; • якуний мантикий хулосалар чиқаради. |
| Ўқитиш методлари | Кейс-стади, КТ, ЭЎМТ, аклий ҳужум, SWOT, мунозара, амалий усул. |
| Ўқитиш воситалари | Ўқув материали, талабага услубий кўрсатмалар, тақдимот, флипчарт. |
| Ўқитиш шакллари | Индивидуал, фронтал, жамоа, гуруҳларда ишлаш. |
| Ўқитиш шарт-шароитлари | Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган, аудитория. |
| Қайтар алоқа усул ва воситалари | Блиц-сўров, тақдимот, кузатув. |

Ўқув машғулотнинг технологик картаси

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолиятнинг мазмуни | |
|---|--|--|
| | Ўқитувчи | Талаба |
| I - босқич. Мавзуга кириш (10 дақиқ) | <p>Ташкилий бошланиш.</p> <p>1.1.Талабалар давомати ва дарсга тайёргарлигини текширади.</p> <p>Кейс-стадига кириш.</p> <p>1.2.Кейс-стади мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижаларини айтади, долзарблиги ва аҳамиятига тўхталиб ўтади.</p> <p>1.3. Машғулотда ишлаш тартиби ва баҳолаш мезонлари билан таништиради.</p> | <p>Тинглайдилар</p> <p>Танишадилар</p> <p>Ёзиб оладилар.</p> |
| II - босқич. | Талабалар билимини фаоллаштириш. | Муҳокама |

| | | |
|---------------------------------|--|--|
| <p>Асосий (60 дақиқ)</p> | <p>2.1. Мавзу бўйича таълим олувчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида блиц-сўров ўтказди . Кейс-стади мазмуни билан танишиш.</p> <p>2.2. Кейс-стади мазмуни билан танишиб чиқиш учун Талабаларга материалларни тарқатиб чиқади. Уларга кейс-стади материалларини тарқатади. Кейс-стади билан якка тартибда ишлашни ташкил қилиш.</p> <p>2.3. Кейсни ечишда “Кейс-стади” вазифаси ва унинг жамият таракқиёти ривожланишига асос бўлувчи маънавий баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрнини аниқлаш ва кейс вазиятни мустақил таҳлил қилиш учун йўриқнома беради.</p> <p>2.4. Кейс-стадида бор бўлган материалларни муҳокама қилишни ташкиллаштиради, диққатни кейс-стади билан ишлаш қоидаларига, муаммони ечиш алгоритмига ва вазифани аниқлаштиришга қаратади.</p> <p>2.5. Мустақил равишда вазиятни индивидуал таҳлил қилишни таклиф қилади. Кейс-стадини жамоавий тарзда ечиш.</p> <p>2.6. Талабаларни 3 ёки 4 та кичик гуруҳларга ажратади. Кейс билан индивидуал тарзда ишлаш натижаларини мини гуруҳларда муҳокамасини ташкил қилади.</p> <p>2.7. Берилган топшириқни қай даражада тушунган-лигини аниқлаш мақсадида қайтар алоқа ўтказди.</p> <p>2.8. Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб, вазиятни кичик гуруҳларда жамоавий “Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали” усулидан фойдаланилган ҳолда ечишни таклиф қилади.</p> <p>2.9. Кичик гуруҳларда кейс-стади билан якка тартибда бажарилган ишлар натижаларини муҳокама қилишни ташкиллаштиради. Гуруҳларга топшириқни бажариш учун ёрдам беради, қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.</p> <p>2.10. Ҳар бир гуруҳ топшириқларни компьютер иш столида файл очишда, жадвални чизиб олишда, тақдимотини ўтказишда ёрдам беради, изоҳ беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилиши қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди.</p> <p>2.11. Талабаларнинг фикрларини умумлаштириб</p> | <p>қиладилар.</p> <p>Вазиятни мустақил равишда таҳлил қиладилар.</p> <p>Гуруҳларга ажралади, ёзиб оладилар, топшириқлар устида ишлайдилар.</p> <p>Фаол қатнашадилар. Жамоа бўлиб бажарилган ишнинг тақдимотини ўтказадилар, бахс-мунозара юритадилар, қўшимчалар қиладилар, баҳолайдилар, хулоса чиқарадилар. Гуруҳларда берилган топшириқни бажарадилар. Тақдимот</p> |
|---------------------------------|--|--|

| | | |
|--------------------------------------|---|---|
| | бўлгач, ўқитувчи Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланишини “ <i>SWOT - таҳлил</i> ” жадвалида акс эттирадilar. | тайёрлайдилар. Тақдимотини ўтказадилар. Мавзу бўйича якуний хулоса чиқарадилар. |
| III босқич. Якуний (10 дақиқ) | Якуний умумий хулоса. 3.1. Иш якунларини чиқаради. Бугунги мавзу долзарб эканлигига тўхталиб ўтади. Шу сабабли ҳар бир инсон маънавий етуклик даражасига интилиши, олган билимларини амалиётда татбиқ этишлари лозим эканлигини таъкидлайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезонлари орқали рағбатлантиради. 3.2. Тавсия этилган муаммо ечимларига изоҳ беради. Яна бир бор “Кейс-стади”нинг аҳамиятига атрофлича тўхталиб ўтади. | Эшитади. Аниқлайди. Тинглайди. |

ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

Ўқув фани: Ўзбекистон табиий географияси.

Мавзу: Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланиши.

Берилган кейс-стадининг мақсади: талабаларга Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланиши, Орол бўйи муаммоси, сув ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳақида маълумот бериш. Дунёқарашини кенгайтиришга ва мустақил фикрлашга ўргатиш.

Бугунги кунда дунёда сув муаммоси глобал муаммоларнинг энг баланд чўққисини эгаллайди. Бу муаммони бартараф қилишнинг энг макбул йулларини излаб топиш, уларни ҳаётга татбиқ қилиш ҳар бир инсонни ўйлантириб қўйишга қодир масала бўлиб қолди. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш орқали муаммони камайитиришга эришиш.

Бу борада зарур билимларни бериш ҳамда таҳлил қилиш, уларнинг олдини олиш бўйича чора – тадбирларни ишлаб чиқиш.

Мавзуда кўрсатилган муаммоларни келтириб чиқарувчи сабабларни топиш ва уларни ўзаро боғлаган ҳолда ечимларни аниқлаш.

Кутилаётган натижалар: сув манбаларидан оқилона фойдаланиш канчалик муҳимлигини тушунади; ўрганилаётган мавзу бўйича амалий кўникмаларга эга бўлади; ўрганилиши назарда тутилаётган тушунчалар ҳақида малакага эга бўлади; муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллайди; муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади.

Кейс-стадини муваффақиятли амалга ошириш учун талабалар қуйидаги билимларга эга бўлиши лозим:

Талаба билиши керак: Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланиши; Орол бўйи муаммоси, сувдан оқилана фойдаланиш.

Талаба амалга ошириши керак: мавзуни мустақил ўрганати; муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради; маълумотларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиб, мустақил қарор қабул қилишни ўрганати; ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хулоса чиқаради; ўқув маълумотлар билан мустақил ишлайди; маълумотларни таққослайди, таҳлил қилади ва умумлаштиради;

Кейс-стадида ишлатилган маълумотлар манбаи:

1. Гвоздецкий Н.А. Основные проблемы физической географии. М., 1979.
2. Забелин И.М. Физическая география в современном естествознании. М., 1979.
3. Зокиров Ш.С. Кичик худудлар табиий географияси. Т., 1999.
4. Мильков Ф.Н. Физическая география: современное состояние. Закономерности, проблемы. Воронеж, 1981.
5. Назаров И.Қ. География фанининг асосий муаммолари. – Т.: “Муҳаррир” 2003.-Б. 212.
6. Ҳасанов И.А., Ғуломов П.Н. Ўзбекистон табиий географияси. 1-қисм. –Т.: Ўқитувчи, 2007. – 162 б.
7. Ҳасанов И.А., Ғуломов П.Н., Қаюмов А.А. Ўзбекистон табиий географияси. 2-қисм. – Т.: Университет, 2010. – 100 б.
8. Интернет сайтлари маълумотлари.

Кейс-стадининг типологик хусусиятларига кўра характеристикаси:

Бу кейс-стади маълумотлар, вазиятлар ва саволлар асосида тузилган. У ўрта ҳажмдаги кейс-стади технологияси ҳисобланади, маъруза, семинарга мўлжалланган ўқув мавзу бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган.

Дидактик мақсадларга кўра кейс-стади муаммоларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга ҳамда таҳлил қилишга қаратилган. Ушбу кейс-стадидан география йўналишидаги барча профессор-ўқитувчилар, талабалар фойдаланишлари мумкин.

Кейс-стади: “ Сувларни муҳофаза қилишга оид муаммолар ва уларнинг ечими”

Ўзбекистоннинг қурғоқчил континентал иқлимли чўл, чала чўл ва тоғ олди даштлари кенг тарқалган шароитда сув муаммоси ҳамиша энг жиддий муаммо бўлиб келган. Сўнгги ярим асрда янги-янги чўл массивларининг деҳқончилик учун ўзлаштирилиши, мавжуд экин майдонларининг муттасил кенгайиши, янги-янги сув омборлари ва каналлар қурилиши билан оқар

сувлар тобора тақчиллигининг вужудга келиши ҳамда ифлосланиши кўплаб жиддий иқтисодий-ижтимоий ва геоэкологик муаммоларни келтириб чиқарди. Хусусан, Ер ости сувларини муҳофаза қилишда жиддий муаммолар вужудга келди. Мас., Фарғона водийсининг айрим ҳудудларида сизот сувлари нефть билан ифлосланган. Бу ҳолат тоза ичимлик ва технологик сув таъминоти учун жиддий хавфга айланди.

Коллектор-зовур шохобчаларидаги ифлосланган сувларнинг шўрлик ва минераллашганлик даражаси Оролбўйи, Бухоро воҳаси, Мирзачўл ва Фарғона водийсида тиббий-экологик жиҳатдан йўл кўйиш мумкин бўлган даражадан 15 баравар ортди.

1960-йиллардан бошлаб, Ўрта Осиёнинг энг катта сув ҳавзаси – Орол денгизи тезлик билан қурий бошлади. Орол денгизи ўрнида яна бир чўл вужудга келиб, денгиз суви юзасининг қисқариши ҳисобига тобора кенгайиб бормоқда. Орол бўйидаги табиий, геоэкологик ва ижтимоий-иқтисодий вазият ниҳоятда оғирлашиб, жаҳон жамоатчилигини ташвишга солган. Орол бўйида вужудга келган ноқулай геоэкологик вазиятни бартараф этиш муаммоси вужудга келди. Орол денгизи ҳавзасининг геоэкологик ҳолатининг ёмонлашгани фақат Ўзбекистон эмас, балки бутун дунё олдида турган энг долзарб геоэкологик муаммодир. Шунинг учун бу масалани ҳал қилишда Марказий Осиё давлатлари, бошқа хорижий давлатлар, кенг жамоатчилик, турли ташкилотлар билан биргаликда фаолият кўрсатмоқдалар. Шу масала юзасидан 1993 йилда Тошкент ва Қизилўрдада, 1994 йилда Нукус шаҳридаги Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг юқори даражадаги учрашувида Орол денгизи ва унинг атрофидаги ҳудудлар геоэкологик ҳолатини яхшилаш мақсадида Халқаро фонд ҳамда Орол денгизи ва Оролбўйи минтақаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Унда Орол денгизи ҳавзасидаги геоэкологик ҳолатни яхшилашга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

1993 йил 6 майда Ўзбекистонда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Унда сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатиб берилган.

Мутахассислар Ўрта Осиё шароитида экинларни суғоришга гектарига ўрта ҳисобда салкам 8–10 минг м³ сув сарфланиши мақсадга мувофиқ эканлигини асослаб берганлар. Амалда эса Ўзбекистон хўжаликларида 1960–90 йиллар мобайнида суғориладиган ҳар гектар экин майдонига 17,2 минг м³ сув сарфланган, яъни гектарига 7,3 минг м³ сув ортиқча сарфланиб исроф қилинган.

Лекин мустақиллик йилларида пахта экин майдонларининг қисқариши ва суғоришда тартиб ўрнатилиши натижасида ҳар бир гектар ерда

суғоришга сарифланадиган сув миқдори анча камайди. Лекин айрим вилоятларда ҳали ҳам суғориш нормасидан анча кўп (қашқадарё вилоятида ҳар гектар ерга 16 минг м³, Сирдарё вилоятида 18 минг м³) сув сарфланади.

Амударё ва Сирдарё ҳақида маълумот

| Дарёлар ҳавзалари | Ўртача йиллик сув сарфи, м ³ /с | Йиллик оқим ҳажми, км ³ / йил | | |
|----------------------------|--|--|--------------|-------------|
| | | Ўртача | Энг кўп | Энг кам |
| АМУДАРЁ | | | | |
| Панж | 1140,0 | 35,0 | 49,10 | 27,66 |
| Вахш | 661,0 | 20,8 | 28,6 | 16,2 |
| Кофирниҳон | 187,0 | 5,89 | 9,81 | 4,09 |
| Сурхондарё, Шерободдарё | 127,0 | 4,0 | 5,71 | 2,44 |
| Қашқадарё | 49,6 | 1,56 | 2,72 | 0,897 |
| Зарафшон | 169,0 | 5,32 | 6,86 | 3,81 |
| Ҳаммаси | 2332,6 | 73,57 | 100,8 | 55,1 |
| СИРДАРЁ | | | | |
| Норин | 448,0 | 13,8 | 23,4 | 8,17 |
| Фарғона водийси | 405,8 | 12,8 | 24,6 | 6,35 |
| Туркистон тизмаси | 4,63 | 0,303 | 0,446 | 0,225 |
| Оҳангарон | 38,5 | 1,22 | 3,04 | 0,577 |
| Чирчиқ | 248,0 | 7,82 | 14,5 | 4,53 |
| Калас | 6,67 | 0,21 | 0,507 | 0,088 |
| Арис | 64,2 | 2,02 | 4,91 | 0,35 |
| Қоратоғ тизмаси | 21,1 | 0,663 | 1,61 | 0,11 |
| Ҳаммаси | 1242,9 | 38,84 | 72,67 | 20,4 |

Орол денгизи ҳавзасида сувнинг асосий истеъмолчиси Ўзбекистон ҳисобланади. Ўртадаги дарёлар сувидан давлатлараро келишувига кўра, Ўзбекистонга йилига 43-52 км³ сув ажратилади. Ўзбекистонда ишлатиладиган ялпи сув миқдори 62-65 км³ га тенг. Бунинг 25 км³ Амударёдан, 11 км³ эса Сирдарёдан олинади. Қолган қисми кичик дарё ва сойлар ҳамда ер ости сувлари ҳисобига тўлдирилади. Республикада ер ости сувлари захираси 19 км³. Шундан 52 % и халқ хўжалигида ишлатилмоқда.

Бунинг 3,43 км³ хўжалик мақсадларида, 0,74 км³ –обикор деҳқончиликда, 2,5 км³ дренаж ишларида фойдаланилмоқда .

Ўзбекистонда сунъий сув ҳавзалари – сув омборлари ҳам кўп. Улар асосан дарёлар оқимини тартибга солиб туриш, энергетика мақсадларида қурилган. Республикада 1995 йилда сув хўжалиги ихтиёрида умумий ҳажми 18,8 млрд м³ бўлган 53 та сув ва 25 та сел омборлари бўлган. Булар дарё ҳавзалари ва баландлик минтақалари бўйича нотекис жойлашган. Жадвалда келтирилган 25 та сув омборидан 1 таси денгиз сатҳидан 200 м гача баландликда, 12 таси 200-500 м орасида, 9 таси 500-1000 м орасида, 3 таси 1000-1200 м орасида жойлашган. Сирдарё ҳавзасидаги сув омборлари сув сатҳи майдонининг катталиги билан ажралиб туради. Сув омборининг фойдали томонлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Улардан сизилиб чиққан сув атрофдаги грунт сувларини тўйинтириб, улар сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда ва оқибатда сув омбори атрофидаги автоморф ландшафтлар аста-секин ярим гидроморф ва гидроморф ландшафтларга айланмоқда.

Ўзбекистонда ва қўшни чегарадош ҳудудларда жойлашган сув омборлари

| №. | Сув омбори | Дарё ҳавзаси | Фойдаланишга топширилган йили | Сув сиғи-ми, 10 ⁶ м ³ | Сув юзаси майдон. км ² |
|----|----------------|--------------|-------------------------------|---|-----------------------------------|
| 1 | Туямўйин | Амударё | 1979 | 7300 | 790 |
| 2 | Жанубий Сурхон | Сурхондарё | 1964 | 800,0 | 64,6 |
| 3 | Дегрез | Сурхондарё | 1958 | 12,8 | 2,3 |
| 4 | Учқизил | Сурхондарё | 1960 | 160,0 | 10,0 |
| 5 | Чимқўрғон | Қашқадарё | 1964 | 440,0 | 45,1 |
| 6 | Қамаши | Қашқадарё | 1946 | 25,0 | 3,4 |
| 7 | Пачкамар | Ғузордарё | 1967 | 243,0 | 12,4 |
| 8 | Ҳисорак | Ғузордарё | 1985 | 170,0 | 4,1 |
| 9 | Талимаржон | Амударё | 1977 | 1530,0 | 77,4 |
| 10 | Каттақўрғон | Зарафшон | 1952 | 845,0 | 84,5 |
| 11 | Куйимозор | Зарафшон | 1957 | 306,0 | 16,3 |
| 12 | Тўдақўл | Зарафшон | 1983 | 875,0 | 225,0 |
| 13 | Шўркўл | Зарафшон | 1983 | 170,0 | 17,0 |
| 14 | Қайроқ қум | Сирдарё | 1959 | 4200,0 | 513,0 |
| 15 | Чордара | Сирдарё | 1967 | 5700,0 | 783,0 |
| 16 | Учқўрғон | Норин | 1961 | 54,0 | 3,7 |
| 17 | Андижон | Қорадарё | 1970 | 1750,0 | 60,0 |

| | | | | | |
|----|-----------|-----------|------|-------|------|
| 18 | Каркидон | Куvasой | 1964 | 218,0 | 9,5 |
| 19 | Косонсой | Косонсой | 1954 | 160,0 | 7,6 |
| 20 | Оҳангарон | Оҳангарон | 1974 | 339,0 | 8,1 |
| 21 | Туябўғиз | Оҳангарон | 1966 | 204,0 | 20,7 |
| 22 | Чорбоғ | Чирчиқ | 1978 | 2000 | 40,3 |
| 23 | Хўжакент | Чирчиқ | 1977 | 30,0 | 2,5 |
| 24 | Ғазалкент | Чирчиқ | 1988 | 20,0 | 1,7 |
| 25 | Жиззах | Сангзор | 1962 | 73,5 | 12,5 |

Сув ресурсларидан фойдаланишда йўл қўйилган камчиликлар йирик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Булар: Орол денгизи муаммоси, дарё қайирларида тўқай экосистемаларининг деградацияси, дарё сувларининг ифлосланиши ва камайиб қолиши, зовур, ташлама кўлларнинг вужудга келиши, ер ости сувларининг ифлосланиши, зовур сувларини чучуклаштириш, тозалаш ва улардан яна суғоришда фойдаланишни ташкил этиш. Ўзбекистонда Орол ва унинг атрофи муаммосидан ташқари, оқар сувлар ва ер ости сувларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳам тадбирлар амалга ошириляпти.

Кейсни расмийлаштириш йўллари

1. Қўлёзма ёки босма қилинган вариантда.

2. Электрон вариантда.

3. Видео вариантда.

4. Аудио вариантда.

5. Мультимедиа.

Тушунчалар

В.Л.Шульц Ўзбекистон ҳудудидаги дарёларни тўйиниш манбаига қараб 4 та турга ажратади.

I. Музлик ва қор сувларидан тўйинадиган дарёлар.

II. Қор ва музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар.

III. Қор сувларидан тўйинадиган дарёлар.

IV. Қор ва ёмғир сувларидан тўйинадиган дарёлар.

Амударё билан Сирдарё хавзадаги энг йирик дарёлар бўлиб, республикамиз худудидан уларнинг Норин, Қашқадарё, Сох, Чирчиқ, Зарафшон, Сурхондарё, Шерободдарё ва бошқа ирмоқлари оқиб ўтади. Ўзбекистонга уларнинг ўрта ва қуйи оқимлари тўғри келади.

Сирдарё Ўрта Осиёдаги энг узун, лекин серсувлиги жиҳатидан Амударёдан кейин иккинчи ўринда турувчи дарёдир. У Марказий Тяншандаги Оқшироқ тоғидаги Петров музлигидан бошланувчи Норин дарёси билан Фарғона тоғ тизмасидан оқиб тушувчи Қорадарё Балиқчи қишлоғи ёнида қўшилгандан сўнг Сирдарё деб аталади.

Дарёларда сувнинг музлаши ва унинг давомийлиги, сув организмларининг яшай олиши ва кўпайиши, дарё сувидан истеъмолда, халқ хўжалигида фойдаланиш жиҳатдан сувнинг ҳароратига боғлиқ бўлади.

Республикамиздаги сув омборлари, кўпроқ тоғ олдида, тоғ оралиғи ботиқларида жойлашганлигидан уларда дарёлар олиб келган катта миқдордаги лойқа йиғилмоқда. Натижада сув омборларидан тиниган ва совуқ сув чиқмоқда, бунинг оқибатида далаларимиз табиий ўғитдан маълум даражада маҳрум бўлмоқда.

Дарёларнинг оқизиклари сувнинг тоғ ёнбағирлари, дарё ўзанларида тоғ жинсларини ювиши, емириши, олиб кетиши натижасида ҳосил бўлади.

Савол ва топшириқлар:

1. Республикамизда дарё ва қўлларнинг нотекис тақсимланганлигига асосий сабаб нима?
1. Республикамиздаги дарёларнинг бош қисмлари қандай сувлардан тўйинади?
2. Ўзбекистоннинг қайси дарёлари қор ва муз сувларидан тўйинади?
3. Дарёларда сувнинг музлаши ва унинг давомийлиги нималарга боғлиқ бўлади?
4. Дарё ҳавзасида тоғ жинсларининг ювилиш тезлиги ўндай қонуниятларга боғлиқ?

5. Ўзбекистон майдони ва сув миқдори жиҳатидан қўшни ҳавзалардан кескин ажралиб турадиган қайси ҳавзада жойлашган?
6. Сув ресурсларидан фойдаланишда йўл қўйилган камчиликлар қандай муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади?
7. Орол денгизи ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?
8. Ўзбекистонда ва қўшни чегарадош ҳудудларда жойлашган сув омборлари айтиб беринг.
9. Ўзбекистон ҳудуди ер ости сувларининг қандай захирага эга.

Амалий вазиятни босқичма-босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича талабаларга методик кўрсатмалар

| Иш босқичлари | Маслаҳатлар ва тавсияномалар. |
|---|---|
| 1. Кейс-стади ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш | <p>Аввало кейс-стади билан танишинг. “Сувларни муҳофаза қилишга оид муаммолар ва уларнинг ечими” ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқинг. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг.</p> |
| 2. Берилган вазият билан танишиш | <p>Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб боринг.</p> <p>Кейс-стадидаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Ўқиганингизда қуйидаги белгиларни ҳошияга қуйинг:</p> <ul style="list-style-type: none"> - “Д”-муаммони тасдиқловчи далиллар; - “С”-муаммонинг келиб чиқиш сабаби; - “Е У”- муаллиф томонидан тавсия этилган муаммони ечиш усуллари. <p>Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга диққатингизни жалб қилинг. Сизнинг фикрингизча, муаллиф қандай муаммони ўз мақоласида кўтарган. (<i>Ёрдам: Кейс-стади мавзусига эътибор беринг</i>). Бу тавсифида берилган далилларни санаб ўтинг ва қайсиси аниқлаштирилиши лозимлигини аниқланг.</p> |
| 3. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш | <p>Асосий ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб қилинг. Муаммони тасдиқловчи далилларни кўрсатинг. Вазиятдаги инсон таъсири туфайли вужудга келган салбий оқибатларни ажратиб олинг ва муаммонинг келиб чиқиш сабабларини кўрсатинг.</p> <p>Кейс-стадидан муаммони олдини олиш йўллари кўрсатиб беринг. Халқимизга хос бўлган қандай инсоний фазилатларни муаммони ечишда қўллаш мумкинми?</p> <p>Асосий муаммо: Инсоният келажагига ҳавф солаётган ичимлик суви муаммоси ва унинг ечими.</p> |
| 4. Муаммоли вазиятни ечиш усул ва восита-ларини | <p>Ушбу муаммони олдинни олиш ҳаракатлари излаб топиш мақсадида қуйида тақдим этилган “ Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали” жадвалини тўлдиришга киришинг.</p> |

| | | |
|-----------------------|--------------|---|
| танлаш асослаш | хамда | Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ вариантлардан танлаб олинг, муаммонинг аниқ ечимини топинг. Жадвални тўлдириг. Кейс-стади билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова қилинг. |
|-----------------------|--------------|---|

Гуруҳларда кейс-стадини ечиш бўйича йўриқнома

1. Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб чиқинг.
2. Гуруҳ сардорини танланг.
3. Компьютер иш столида файл очинг ва қуйидаги жадвални чизинг.

Муоммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали

| | | |
|-------------------------------|--------------------------------|---------------------------------------|
| Муоммони тасдиқловчи далиллар | Муоммони келиб чиқиш сабаблари | Муаллиф томонидан таклиф этилган ечим |
|-------------------------------|--------------------------------|---------------------------------------|

4. Компьютер технологиялари ёрдамида Интернет манбалари, ЭЎМТ ресурсларидан фойдаланган ҳолда “SWOT - таҳлил” жадвалини тўлдириг.

“SWOT - таҳлил” жадвали

“SWOT – таҳлил” жадвалининг номи инглизча сўзларнинг бош ҳарфларидан тузилган:

Strengths – кучли томони, ташкиллаштиришнинг ички манбалари мавжудлиги назарда тутилади;

Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммоларнинг мавжудлиги;

Opportunities – ташкиллаштиришдан ташқарида ривожланиш учун мавжуд, имкониятлар;

Threats – ташқи муҳитда ташкиллаштиришни муваффақиятига таъсир этувчи хавф-хатарлар.

“SWOT - таҳлил” жадвали

| | |
|----------|----------|
| S | W |
| O | T |

1. Ишни яқунлаб, КТ ва ЭЎМТ фойдаланган ҳолда тақдимотни тайёрланг.

Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш

мезонлари ва кўрсаткичлари

| | | | | |
|-------------------|---|--|---|------------------|
| Талабалар рўйхати | Асосий муаммо ажратиб олиниб, тадқиқот объекти аниқланган. макс. 6 б. | Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаби ва далиллари аниқ кўрсатилган. макс. 4 б. | Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари аниқ кўрсатилган. макс. 10 б. | Жами макс. 20 б. |
| | | | | |

Аудиторияда бажарилган иш учун баҳолаш

мезонлари ва кўрсаткичлари

| | | | | |
|------------------|----------------------------|--|--|------------------|
| Гуруҳлар рўйхати | Гуруҳда фаоллиги макс. 1 б | Маълумотлар кўрғазмали тақдим этилди. макс. 4 б. | Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди. макс. 5 б. | Жами макс. 10 б. |
| | | | | |

Ўқитувчи томонидан кейс-стадини ечиш ва таҳлил қилиш варианты

Муаммо: Инсоният келажагига ҳавф солаётган ичимлик суви муаммоси ва унинг ечими; ичимлик суви муаммоси келтириб чиқариши мумкин бўлган озиқ-овқат муаммоси; Ўзбекистонда Орол ва унинг атрофи муаммоси; ичимлик сув муаммоси келтириб чиқариши мумкин булган экологик муаммони олдини олиш чора-тадбирлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Вазифалар:

- берилган вазият бўйича ўқув адабиёти, слайд, ЭЎМТ, КТ ресурслари ва видеороликлар билан танишиб чиқиш;
- берилган муаммоли вазият билан танишиб чиқиш ва таҳлил қилиш;
- вазиятдаги муаммоларни аниқлаш;
- муаммоли вазиятдаги тушунча ва таянч иборалар устидан ишлаш;
- муаммоли вазият жадвалини тўлдириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- муаммоли вазият бўйича хулосани шакллантириш;

Муаммоли вазиятни ечиш йўллари: Мамлакатда сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг икки асосий йўналиши, яъни сув ресурсларини тежаш ва уларнинг ифлосланиши ҳамда минераллашиш даражаси устидан назорат ўрнатиш бирдай муҳим муаммолардир. Сувлар сифатининг ёмонлашуви аксарият ҳолларда оқова, қайтарма ва саноат чиқинди сувларининг тоза сувларга қўшиб юборилиши билан боғлиқ. Бинобарин, қайтарма ва оқова сувларни тозалаш долзарб вазифадир. Тозаланган бу сувлардан экин далаларини суғориш ва яйловларга сув чиқаришда фойдаланиш мумкин. Саноат корхоналарини эса айланма сув таъминотига ўтказиш лозим: бунда корхона ишлатилган сувни ўзига керакли даражада тозалаб, ундан қайта фойдаланади. Айрим кимё корхоналарининг ҳозирги технология даражасида

деярли тозалаб бўлмайдиган сувларини алоҳида ҳавзага йиғиб буғлатиб юбориш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда шаҳарлардаги водопроводлар бир системали. Бунинг оқибатида ичишга ҳам, ювиниш, кир ювишга ҳам, ёзда сепиш ва суғоришга ҳам тозаланган сув сарфланади. Тоза сувни тежаш учун водопроводларни 2–3 системали фойдаланишга ўтказиш зарур. Инкирозга қарши чоралар дастурида белгиланган комплекс чора-тадбирлар доирасида ҳал этишга қаратилган асосий вазифалардан бири – сув ресурслари тизимини модернизация қилиш, истеъмол сувини тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириш. Иқтисодий-иқтисодий рақобатбардошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жihatдан бизнинг мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, сув ресурсларидан қанчалик тежамли фойдалана олишимизга боғлиқдир.

Муоммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали

| Муоммони тасдиқловчи далиллар | Муоммони келиб чиқиш сабаблари | Муаллиф томонидан таклиф этилган ечим |
|--|--|--|
| Ўзбекистоннинг қурғоқчил континентал иқлимли чўл, чала чўл ва тоғ олди даштлари кенг тарқалган шароитда сув муаммоси ҳамisha энг жиддий муаммо бўлиб келган. | Сўнгги ярим асрда янги чўл массивларининг деҳқончилик учун ўзлаштирилиши, мавжуд экин майдонларининг муттасил кенгайиши, янги сув омборлари ва каналлар қурилиши билан оқар сувлар тобора тақчиллигини вужудга келиши, ифлосланиши кўплаб жиддий иқтисодий-ижтимоий ва геоэкологик муаммоларни келтириб чиқарди. | Мамлакатда сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг икки асосий йўналиши, яъни сув ресурсларини тежаш ва уларнинг ифлосланиши ҳамда минераллашиш даражаси устидан назорат ўрнатиш бирдай муҳим муаммолардир. Сувлар сифатининг ёмонлашуви аксарият ҳолларда оқова, қайтарма ва саноат чиқинди сувларининг тоза сувларга қўшиб юборилиши билан боғлиқ. Бинобарин, қайтарма ва оқова сувларни тозалаш долзарб вазифадир. Тозаланган бу сувлардан экин далаларини суғориш ва яйловларга сув чиқаришда фойдаланиш мумкин. Саноат корхоналарини эса айланма сув таъминотига ўтказиш лозим: бунда корхона ишлатилган сувни ўзига керакли даражада |

| | | |
|--|--|-----------------------------------|
| | | тозалаб, ундан қайта фойдаланади. |
|--|--|-----------------------------------|

“SWOT - таҳлил” жадвали

| | |
|--|--|
| <p>S–кучли: Ўзбекистонда сунъий сув ҳавзалари – сув омборлари кўп. Улар асосан дарёлар оқимини тартибга солиб туриш, энергетика мақсадларида қурилган. Республикамизда 1995 йилда сув хўжалиги ихтиёрида умумий ҳажми 18,8 млрд м³ бўлган 53 та сув ва 25 та сел омборлари бўлган.</p> | <p>O–имкониятлар: Жадвалда келтирилган 25 та сув омборидан 1 таси денгиз сатҳидан 200 м гача баландликда, 12 таси 200-500 м орасида, 9 таси 500-1000 м орасида, 3 таси 1000-1200 м орасида жойлашган. Сирдарё ҳавзасидаги сув омборлари сув сатҳи майдонининг катталиги билан ажралиб туради.</p> |
| <p>W–кучсиз: Дарё ҳавзалари ва баландлик минтақалари бўйича нотекис жойлашган.</p> | <p>T– хавф-хатарлар: Сизилиб чиққан сув атрофдаги грунт сувларини тўйинтириб, улар сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда ва оқибатда сув омбори атрофидаги автоморф ландшафтлар аста-секин ярим гидроморф ва гидроморф ландшафтларга айланмоқда.</p> |

2 -Кейс.

“Фуқаролик географияси: муаммолар ва истикбол масалалари” мавзусига бағишланган жонли эфир мулоқоти режалаштирилди. Мазкур кейс ролли ўйин кўринишида амалга оширилади. Ролли ўйин методининг асосий мақсади тингловчиларни фақат тинглаши эмас, балки билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш орқали таълим жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган. Ўйин ҳар хил муаммоларни ҳал этишдаги имитацион фаолиятларни тузиш учун энг қулай асос ҳисобланади.

(Таълим жараёнида ролли ўйинлардан фойдаланиш тингловчиларни фаол позицияга эга бўлиши, масала моҳиятини англаш ва унга тезкор муносабат билдиришни тақозо этади. Ролли ўйинда иштирокчилар фаолияти ўйин комплексидан стимул олади. Иштирокчилар ўйин давомида вазиятни таҳлил қилишади. Бунинг учун уларга ҳеч ким ёрдам бермайди. Ўзларини бошқариш ва уюштиришлари орқали натижаларга эришадилар. Иштирокчилар мураккаб вазиятлар билан боғлиқ ўйин мақсадларига шахсий ҳаракатлари орқали эришадилар ва хулосаларни ўзлари қабул қиладилар. Ролли ўйинлар иштирокчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради. Ролли ўйин бошқа ўйинлардан фарқли мақсади жамоавий

ёки индивидуал қарор қабул қилишга ва муаммоларни ечимини дебат орқали топишга асосланади)

Тренинг мақсади: Фуқаролик географиясининг бугунги ҳолати, муаммолари ва истиқбол масалалари ҳақида тушунчага эга бўлиш ҳамда уларни ҳал этиш чораларини рол вазифасидан келиб чиққан ҳолда индивидуал ва жамоавий ҳолда излаш.

Машғулоти ўтказиш тартиби: Иштирокчилар “SJ”, “MM”, “P” ва “G” белгилар тушурилган жетонларни танлаб 4та гуруҳга бўлинадилар. Шундан сўнг тренер бу тимсоллар нимани англатиши ва унинг соҳиблари қандай ролни бажаришлари кераклиги ҳақида тушунча беради. “G” – давлат ва жамоа раҳбарлари белгиси, “MM” - Масс медиа, ОАВлари ходимлари белгиси, “SJ” - фуқаролик география вакиллари, блогерлар ва “P” – жамоатчилик ҳисобланади. Тренинг шартлари тушунтирилади. Шундан сўнг қисқа видеокейс намоёйиш этилади. Гуруҳ аъзолари ролга киришишлари учун уларга А3 форматда қоғоз берилади ва ҳар бир гуруҳ ўз мавқеига кўра кўтарилган масала бўйича амалга оширадиган вазифаларини ёзиб чиқади. Мазкур ишга 10-15 дақиқа вақт ажратилади. Шундан сўнг гуруҳларнинг тақдирот иши амалга оширилади.

Тренинг давомида гуруҳ аъзолари муқобил гуруҳга уларнинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда саволлар ёки эътирозлар билан муносабат қилишлари мумкин. Бу ҳар бир иштирокчининг фаол қатнашувини таъминлайди, яқка тартибдаги фаолиятини белгилайди. Мазкур стереотип қарашларга ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш, асослаш гуруҳ аъзоларидан талаб қилинади. Тренинг якунида унинг натижалари хусусида фикр алмашилинади. Ва масала ечими борасида аниқ тўхтамга келинади.


Қўлланадиган воситалар: экран, қоғоз, фломастер, маркер.

3-Кейс.

Тингловчилар эътиборига расм ҳавола этилади, унда акс этган муаммони география материал сифатида жамоатчилик эътиборига олиб чиқиш учун бир қатор саволлар бўйича суриштирув ишлари олиб бориш, сарлавҳа топиш ва воқеа давоми сифатида оригинал ечим ва хулоса қилиш вазифаси юклатилади.

1. Бу қандай ҳолат? (вазират тушунтирилади)
2. Нима сабабдан бу ҳолат юз берди? (Бир неча сабаблар кўрсатилади)
2. Бу каби ҳолатлар олди олинмаса қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? (Бир неча асосли фикрлар билдирилади)
3. Унга қарши қандай чоралар кўриш керак? (Бир қатор ҳал этиш чоралари билдирилади).

4. Хулоса қандай бўлади?



4-Кейс.

Малака ошириш курсига келган тингловчилардан бири ўқитувчига қарата: «сиз машғулотни нотўғри олиб бораяпсиз?. мен буни ҳаммасини биламан. бу ерда мен учун ҳеч қандай янгилик йўқ» дея эътироз билдирди. Бу эътироздан жаҳли чиққан ўқитувчи тингловчига қарата «сиз ақлли бўлсангиз бошқаларнинг айби эмас бу» дея жавоб берди. шундан сўнг ўзаро шивир-шивирлар ва эътирозлар кўпайиб кимдир, ўқитувчини, кимдир тингловчини айбдор қила бошлади. Машғулот муҳокамага айланди...

ИЛМ ТАҚРОРЛАШ ВА АМАЛ
ҚИЛИШЛИК БИЛАН
МУКАММАЛЛАШАДИ







МУСТАҚИЛ ИШ

Янса тартибда

1 - гуруҳ. Вазиятни баҳоланг!

| Вазият тури | Келиб чиқиш сабаблари | Сизнинг ҳаракатингиз... |
|-------------|--|--|
| | <ol style="list-style-type: none"> 1. 2. 3. | <ol style="list-style-type: none"> 1. 2. 3. |

2- гуруҳ. Сизнингча, катта ёшдагилар таълимнинг ўзига хосликлари нимада!

| | |
|---|--|
|  Қучли томони |  Қучсиз томони |
|  Имкониятлари |  Тўсиқлар |

3-гуруҳ. Қуйидаги фикрга сизнинг шарҳингиз...



Фикр


- Интерфаол муносабатлар — тингловчиларнинг билиш фаоллигини оширишда муҳим воситадир.

Шарҳ

-



4- гуруҳ. Сизнингча, тингловчилар билан муносабатда педагог-андрагог қандай касбий хулқ-атвор кўникмаларига эга бўлиши лозим!



5-гуруҳ. Синквейн тузиш.

• “Андрогогика”

• “Деонтология”

(сифат)

(сифат)

(фезл)

(фезл)

(гап ёки ибора)

(гап ёки ибора)

(синоним)

(синоним)

Андрагогика (adult learning, adult education) – педагогик фанлар соҳаси бўлиб, катталар таълими: ўқитиш ва тарбиялашнинг назарий ва амалий муаммолари билан шуғулланувчи фан.

Андрагогика қуйидаги вазифаларни бажаради:

- **Адаптация** – қатнашчиларни таълим тизимидаги ўзгаришлар, янгиликлар, педагогик ёндашувларга мослаштириш, қўништириш.
- **Компенсация** – педагогик технологиялар, интерактив таълим ва интерактив методлар бўйича билим, қўникма, малакаларини янги фикр, амалий машқлар, тренинглар орқали тўлдириш, бойитиш.
- **Ривожлантирувчи** – ўқув жараёнини ташкил этиш методикаси ва техникаси, педагогик фаолият ва маҳорати бўйича тажрибаларини ривожлантириш.

- **Деонтология** - этика ёки хулқ-атвор меъёрларини ўрганувчи соҳа.
- **Педагогик деонтология**- педагогнинг хулқ-атвори, маънавий-ахлоқий меъёрлар, мажбуриятларни ўзлаштириши билан боғлиқ касбий этикаси.

Наъмуна: “Ўзбекистон табиатининг географик ўрганилиши тарихи, босқичлари, йирик сайёҳ ва олимларнинг Ўзбекистон табиатини ўрганишга қўшган ҳиссаси” мавзуси бўйича ўқув лойиҳа методи асосида тузилган ўқитиш технологияси

Ўқув машғулотининг ўқитиш технологияси модели

| | |
|---|---|
| Машғулот вақти-4 соат | Талабалар сони: _____ |
| Машғулот шакли ва тури | Маъруза -янги билимларни эгаллаш бўйича ўқув машғулоти |
| Ўқув машғулот режаси | <p>Қадимги дунё географиясида Ўзбекистон худудининг ўрганилганлиги ҳолати.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўзбекистон худуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг ўрта асрлардаги ҳолат. 2. Ўзбекистон худуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг XVIII асрда ва XIX асрнинг биринчи ярмидаги ҳолат. 3. Географик тасаввурларнинг Ўзбекистон худудида мустамлака давридаги ҳолат. 4. Ўзбекистонда географик тасаввурларнинг шўролар даврида ривожланиши. 5. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда географиянинг тараққиёти. |
| Ўқув машғулотининг мақсади: Ўзбекистон табиатининг географик ўрганилиши тарихи, босқичлари, йирик сайёҳ ва олимларнинг Ўзбекистон табиатини ўрганишга қўшган ҳиссаси тўғрисидаги умумий тушунчаларни такомиллаштириш. | |
| <p>Педагогик вазифалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> *Ўзбекистон худуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг илк ўрта ва ўрта асрларда ривожланиши моҳиятини, мазмунини ёритиб бериш; * Ўзбекистон худуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг XVIII асрда ва XIX асрнинг биринчи ярмида ривожланиш тарихи билан таништириш; * Географик тасаввурларнинг Ўзбекистон худудида мустамлака давридаги ривожланишини тушунтириш; *Ўзбекистонда географик тасаввурларнинг шўролар даврида ривожланишини айтиб бериш; * Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда географиянинг тараққиёти ҳақида маълумот бериш. | <p>Ўқув фаолияти натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> * Ўзбекистон худуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг илк ўрта ва ўрта асрлардаги ривожланиш моҳияти, мазмуни бўйича мустақил изланадилар; * Ўзбекистон худуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг XVIII асрда ва XIX асрнинг биринчи ярмида ривожланишига хос бўлган белгиларни санаб берадилар; * Географик тасаввурларнинг Ўзбекистон худудида мустамлака даврида ривожланишини тушунтириб бера оладилар; * Ўзбекистонда географик тасаввурларнинг шўролар даврида ривожланишини айтиб берадилар; * Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда географиянинг тараққиётини тавсифлаб бера оладилар. |
| Ўқитиш методлари | Ўқув лойиҳа педагогик технология. |

| | |
|---|---|
| Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари | Оммавий, жамоавий. |
| Ўқитиш воситалари | Ўқув қўлланма, ЭЎМТ, проектор, слайд компьютер. |
| Ўқитиш шарт шароити | Махсус жихозланган ўқув хона. |
| Қайтар алоқанинг йўл ва воситалари | Кузатиш, савол-жавоб. |

Лойиҳали ўқитишнинг универсал технологик картаси

| Иш босқичи | Фаолият | |
|--|--|--|
| | Ўқитувчи | Талаба |
| Биринчи ўқув машғулоти: тайёргарлик босқичи | | |
| 1.Ўқув машғулоти-га кириш | Машғулот мавзуси ва мақсадини айтади, Талабаларга кутиладиган ўқув натижалар маълум қилади; ўқув машғулотидаги иш тартиби ва хусусиятлари, ўқув натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради. | |
| 2. Асосий босқич | Лойиҳа фаолияти мазмуни ва унинг бўлғуси мутахассиснинг асосий ваколатларини шакллантиришга таъсири билан таништи-ради. Талабаларнинг лойиҳа мавзуси бўйича билимларини блиц-сўровнома ёки савол-жавоб ёрдамида аниқлайди. Мавзуларни таклиф қилади, лойиҳалар мазмуни ҳақида ҳикоя қилади, улар доираларини ифода-лайди, ишлар турларини айтади, уларнинг натижаларини маълум қилади. Гуруҳларга бирлашиш ва лойиҳа мавзусини танлашни таклиф қилади. | Гуруҳларга бирлашишади. Мавзуни танлаш ҳақида умумий қарорни муҳокама этишади ва қабул қилишади. |
| | Суҳбат орқали муаммони ўртага кўяди: муаммоли вазиятни баён қилади ва талабаларни зиддиятларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал қилиш зарурлигини билишга, муаммони ва лойиҳа мавзусини ифодалашга ундайдиган саволлар кўяди. Талабаларнинг лойиҳа мақсади ва унинг вазифаларини ифодалаш бўйича мунозара ёки фикрий хужум уюштиради. Ўқув лойиҳадан кутиладиган натижа–маҳсулот ва унинг тахминий фойдаланувчиларини ифодалайди. Баҳолаш мезонлари билан таништиради. | Саволларга жавоб беришади; зиддиятни аниқлашади, уларни ҳал қилиш зарурлигини билишади; муаммони ва лойиҳа мавзусини ифодалашади. Лойиҳа мақсади ва унинг вазифаларини ифодалашади. |

| | | |
|---|---|--|
| | <p>Лойиҳа топшириғини қўяди. Ахборот манбалари, уни йиғиш ва таҳлил этиш усулларини тавсия қилади. ЭЎМТ дан фойдаланиши йўлларини кўрсатади. Лойиҳа фаолияти натижалари ва умуман жараёни баҳолаш русумлари ва мезонлари билан таништиради.</p> | <p>Лойиҳа топшириғи билан танишишади. ЭЎМТ дан фойдаланиши йўлларини билиб олади.</p> <p>Саволлар беришади.</p> |
| | <p>Талабаларнинг лойиҳа устида ишлаш шаклини танлашини ташкил қилади. Лойиҳа гуруҳлари шакллантиришини уюштиради.</p> | <p>Лойиҳа устида ишлаш шаклини танлашади.</p> <p>Гуруҳларга бирлашишади.</p> |
| | <p>Гуруҳ иши учун топшириқ беради, гуруҳда ишлаш қоидаларини эслатади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - лойиҳадаги вазифалар ва фаолият турларини ажратиш, уларни қатнашчилар ўртасида тақсимлаш (гуруҳли лойиҳада); - лойиҳа фаолияти алгоритминини ишлаб чиқиш; - лойиҳа вазифаларини бажариш, унинг натижаларини ифодалаш, тақдимот усуллари ҳамда воситаларини танлаш; - ишчи режасини тузиш. | <p>Лойиҳа фаолиятинини лойиҳалаштириш ва режалаштириш бўйича гуруҳлардаги ишни ташкил этишади: лойиҳани бажариш йўналишлари ва босқичларини белгилашади, гуруҳ аъзолари ўртасидаги функцияларни тақсимлашади, ҳамкорлик шакллари белгилашади, лойиҳа вазифаларини бажариш, унинг натижаларини ифодалаш ва тақдимот усуллари ва воситаларини танлашади.</p> <p>Лойиҳа ишларининг ишчи режасини вазифалар, уларни бажариш муддатлари, тайёр маҳсулот турини ва масъуларни кўрсатиб тузишади.</p> |
| <p>3. Яқунловчи баҳолаш босқичи</p> | <p>Лойиҳа топшириғи устидаги ишнинг асосий натижаларини белгилаш ва лойиҳа фаолиятинини режалаштириш бўйича хулоса чиқаради. Талабалар эътиборини лойиҳа ишлари мазмунига ва лойиҳанинг ижро босқичида уларни бажариш графигига қаратади. Саволларга жавоб беради.</p> | <p>Саволлар беришади.</p> |
| <p>Аудиториядан ташқари иш: ижро босқичи</p> | | |
| <p>1. Лойиҳанинг бажарилиши</p> | | <p>Индивидуал вазифаларга биноан ишларни бажаришади. Фаол ва мустақил ишлашади, ҳар ким ўз вазифасига мувофиқ ва биргалликда:</p> |

| | | |
|---|--|---|
| <p>2. Натижаларнинг ифодаланиши.</p> <p>3. Ҳисобот тузилиши.</p> <p>4. Тақдимот тайёрланиши.</p> | <p>Маслаҳат беради, гуруҳлар ишини мувофиқлаштиради, улар фаолиятини рағбатлантиради, кузатади, ахборот манбаларини излашда ёрдам беради, ўзи ахборот манбаи бўлади, лойиҳа ишлари мониторинги ва назоратини амалга оширади</p> | <p>-турли манбалардан ахборот йиғишади, таҳлил этишади ва умумлаштиришади;</p> <p>-тадқиқотлар ўтказишади, ҳисоб-китобларни бажаришади;</p> <p>-заруратга қараб маслаҳатлашишади;</p> <p>-оралиқ натижаларни муҳокама қилишади;</p> <p>Ҳамма олинган натижаларнинг умумий йиғилиши ва муҳокамасини ўтказишади. Лойиҳа маҳсулотини ифодалашади.</p> <p>Ҳисобот тузишади. Лойиҳадаги ютуқларнинг ўзини-ўзи баҳолаш анкеталарини тўлдиришади. Лойиҳа иши натижалари тақдимотини расмийлаштиришади.</p> |
| <p>Иккинчи ўқув машғулотини: яқунловчи босқич</p> | | |
| <p>1. Ўқув машғулотига кириш</p> | <p>Лойиҳалар тақдимотига кўрсатма беради: гуруҳларнинг бажарилган лойиҳаларни тақдим этиши регламенти ва изчиллигини белгилайди. Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини эслатади. Ўзаро баҳолаш жадвалларини тарқатади.</p> | |
| <p>2. Асосий босқич</p> | <p>Тақдимот бошланишини эълон қилади. Ҳар бир гуруҳ тақдимоти яқунлари бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> - мазмунини бўйича аниқловчи саволлар ва ҳар бир қатнашчининг роли ҳақида аниқ мақсадга қаратилган саволлар беради; -курсдошлар саволларига жавоблар вақтида қувватлайди ва рағбатлантиради. | <p>Гуруҳлар ўз иши натижалари ҳақида маъруза қилади ва уларни белгиланган шаклда тақдим этади. Саволларга жавоб беришади.</p> |
| | <p>Гуруҳларнинг лойиҳа тақдимоти муҳокамаси ва ўзаро баҳолашини уюштиради.</p> | <p>Жамоа бўлиб муҳокама қилиш орқали: тақдимот, олинган маҳсулот, лойиҳа фаолияти натижаларини баҳолашади</p> |
| | <p>Талабалар билан бирга лойиҳа устидаги иш жараёни ва яқунларини муҳокама қилади, нотикларни рағбатлантиради, ўз мулоҳазаларини назорат билан билдиради, агар зарур бўлса, айрим талабаларнинг ютуқлари ва хатолари ҳақида ўз фикрини индивидуал билдиради.</p> | |
| <p>3. Яқунлов-</p> | <p>Лойиҳа фаолиятининг асосий натижаларини</p> | <p>Натижалар, жараён, ўзи</p> |

| | | |
|-------------------------------|--|--|
| чи баҳолаш босқичи | аниқлаш бўйича хулоса чиқаради. Бажарилган ишнинг бўлғуси профессионал фаолият учун муҳимлигига эътиборни қаратади. Гуруҳлар фаолияти, лойиҳа топшириғи устидаги индивидуал иш натижа ларига баҳо беради. Ўзаро баҳолашга яқун ясайди. Лойиҳа ва лойиҳали таълим мақсадига эришиш даражасини таҳлил этади ва баҳолайди. Саволларга жавоб беради. | нинг ундаги иштирокини бошқалар баҳоларини ҳисобга олиб ўзи баҳолайди. |
|-------------------------------|--|--|

**ЎҚУВ ЛОЙИҲА: Ўзбекистон табиатининг географик ўрганилиши тарихи, босқичлари, йирик сайёҳ ва олимларнинг Ўзбекистон табиатини ўрганишга қўшган ҳиссаси
ЛОЙИҲА ТОПШИРИҒИ**

Кириш. Ўзбекистон табиий географияси ўқув фанининг бош мақсади ўқув жараёнида бу фанга доир билимларни умумлаштириш, мазкур фаннинг долзарб муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўлларини белгилаб бериш бўйича билимларни шакллантиришдан иборат. У ҳозирги табиий ҳамда табиатдан фойдаланишнинг географик асослари туркум фанлари билан ҳамма вақт боғлиқ ҳолда география факультетларининг юқори курс талабаларига ўқитилади ва юқори малакали географлар тайёрлашда катта аҳамиятга эга. Бироқ барча талабалар Ўзбекистон табиатининг географик ўрганилиши тарихи, босқичлари, йирик сайёҳ ва олимларнинг Ўзбекистон табиатини ўрганишга қўшган ҳиссаси тўғрисида етарлича маълумотга эга эмаслар.

Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи, муаммо: Ўзбекистон табиатининг географик ўрганилиши тарихи, босқичлари, йирик сайёҳ ва олимларнинг Ўзбекистон табиатини ўрганишга қўшган ҳиссаси тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш.

Лойиҳа мақсади (у нима учун яратилади): Ўзбекистон табиатининг географик ўрганилиши тарихи, босқичлари, йирик сайёҳ ва олимларнинг Ўзбекистон табиатини ўрганишга қўшган ҳиссаси тўғрисида маълумотнома, ахборотнома кабиларни ишлаб чиқиш.

Яқиний натижа: Ўзбекистон табиатининг географик ўрганилиши тарихи тўғрисида қисқа ва тузилмавий ахборотни ўз ичига олувчи, маълумотнома.

Фойдаланувчилар: География факультети ва табиий йўналишда таҳсил олувчи талабалар.

Лойиҳа доираси:

бажариш муддати: 3 - ҳафта

- иштирокчилар сони: гуруҳларда бештагача
- Лойиҳа гуруҳи иштирокчиларининг вазифалари ва фаолият турлари:**

2. Ахборотларни йиғиш: қуйидаги мавзулар бўйича:

- Қадимги дунё географиясида Ўзбекистон ҳудудининг ўрганилганлиги ҳолати.
- Ўзбекистон ҳудуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг ўрта асрларда ривожланиши.
- Ўзбекистон ҳудуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг XVIII асрда ва XIX асрнинг биринчи ярмида ривожланиши.
- Географик тасаввурларнинг Ўзбекистон ҳудудида мустамлака даврида ривожланиши.
- Ўзбекистонда географик тасаввурларнинг шўролар даврида ривожланиши.
- Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда географиянинг тараққиёти.

3. Маълумотномани расмийлаштириш.

4. Лойиҳа фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот тайёрлаш.

5. Лойиҳа фаолияти натижалари тўғрисида визуал КТ ёрдамида тақдимотни тайёрлаш.

**ЛОЙИҲА ТОПШИРИҒИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРГА
УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

Лойиҳа фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун йўриқнома

1. Гуруҳ сардорини танланг.

2. Дикқат билан лойиҳа топшириғи билан танишинг.

3. Маълумотнома тузилишини аниқланг.

4. Иштирокчилар ўртасида лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича ҳамда уни расмийлаштириш, тақдимотга ва ҳисоботга тайёрлаш бўйича вазифалар ва фаолият турларини тақсимланг.

5. Иш режасини тузинг

Лойиҳани бажариш бўйича иш режаси (Лавҳа)

| Иштирокчи Ф.И.Ш. | Вазифа, фаолият тури | Иш мазмуни | Тайёр маҳсулот тури | Бажариш муддати |
|---------------------|-------------------------|---------------|------------------------|--------------------|
| | | | | |

6. Ахборот манбаларини аниқланг, ахборотни йиғинг ва уни матн, жадвал, чизма ҳамда шарҳлаш кўринишида расмийлаштиринг (Дикқат! ушбу вазифани барча гуруҳ иштирокчилари бажаради).

7. Натижаларни маълумотнома кўринишида материалларни расмийлаштиринг (1-та талаба).

8. Ҳисоботни тайёрлаш йўриқномаси бўйича, ҳисоботни тайёрланг (2-та талаба).

9. Лойиҳани Microsoft Power Point бўйича тайёрлаш йўриқномасидан фойдаланиб, тақдимотни тайёрланг (2-та талаба).

10. Лойиҳа тақдимотида гуруҳ аъзолари ўртасидаги вазифаларни аниқланг. Оғзаки тақдимотга тайёргарлик вақтида унинг қоидаларига риоя қилинг, оғзаки тақдимот сирларини эсдан чиқарманг.

Тавсия этиладиган “Ўзбекистон ҳудуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг илк ўрта ва ўрта асрларда ривожланиши” мавзусидаги маълумотнома тузилиши

Титул варағи

Аннотация

Кириш – маълумотли ахборотнинг моҳияти ва вазифаси очиб берилади.

1. Ўрта Осиё географиясига асос солган, IX асрда яшаб ижод этган олимлардан бири – Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийдир.

2. Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн-Синолар яратган асарлар жаҳон маданияти ҳазинасининг дурдоналаридир.

3. География фани ривожига катта ҳисса қўшган олимлар –Заҳириддин Бобур, Ҳайдар Мирза, Хофиз Бухори, Султон Балҳий ва б.

Хулоса – маълумотли ахборотнинг аҳамияти очиб берилади.

Фойдаланилган манбалар рўйхати.

Лойиҳа иши тўғрисида ҳисобот тузилиши

1. Титул варағи

2. Лойиҳани долзарблиги

3. Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи, муаммо, лойиҳа мақсади, якуний натижа, фойдаланувчилар.

4. Лойиҳанинг иш режасини (жадвал) баён этинг.

5. Бажарувчиларни кўрсатган холда маълумотнома тузилишини қисқа баёни.

6. Лойиҳа сифатини, лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўллари баҳолаш.

Визуал тақдимот тузилиши

1. Лойиҳа мавзуси. Бажарувчилар.

2. Лойиҳани долзарблиги

3. Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи, муаммо, лойиҳа мақсади, якуний натижа, фойдаланувчилар.

4. Лойиҳанинг иш режасини (жадвал) баён этинг.

5. Лойиҳа маъсули: маълумотнома

- титул варағи

- аннотация
 - мундарижа
6. Лойиҳа сифатини, лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўлларини баҳолаш.

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳли лойиҳада қуйидагилар баҳоланади:

- Лойиҳа маҳсули- Маълумотнома (энг юқори 10 балл);
- ҳисобот(энг юқори 5 балл);
- лойиҳа тақдимоти (энг юқори 5 балл).

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Болон Декларациясининг моҳияти.
2. Болон жараёнининг асосий мақсади.
3. АҚШда олий таълим.
4. Буюк Британия олий таълими тамойиллари
5. Жанубий Корея таълим тизимининг ўзига хос жиҳатлари.
6. Глобал география таълимининг бугунги кун долзарб масалалари.
7. Таълимнинг анъанавий ва янгича қарашлари.
8. АҚШда география мактаблари.
9. Францияда география бўйича таълим тизими.
10. Германия ва Дания география мактаблари.
11. География таълими тарихи.
12. Жаҳон география таълимининг долзарб масалалари.
13. География фанининг жорий ҳолати ва истиқболи.
14. Коммуникация ва география қонуниятлари.
15. Дэвид Колб асос солган 4 босқичли таълим.
16. Европа ва Америкада педагогик технология фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.
17. “Орол” географиясининг ўзига хослиги.
18. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълим соҳасига янги талаблар.
19. География таълимида талабаларни билиш фаолиятини фаоллаштириш.
20. Польшалик олим В.Окун назариясида талабалар билиш фаолиятини ташкил этишнинг йўллари.

VII. ГЛОССАРИЙ

| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
|------------------|---|---|
| Ахборот – | бу тўпланган, қайта ишланган ва изоҳланган, фойдаланиш учун қулай бўлган кўринишда тақдим этиладиган маълумотлардир. Ахборотни яна бир бошқача тавсифи - «тушунишга осон шаклда берилган билимлар»дир. Латин тилида “informatio” – тушунтириш, баён қилиш демакдир. | it is combined, edited material that is provided in simplest form to its users to understand and analyze it easier and faster. In other words, information is ‘easiest form of knowledge to understand’. “Informatio” – latin, means ‘explain’. |
| Блогер – | Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ёки веб-сайт саҳифасига эга, ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа хусусиятга эга ахборотни жойлаштирувчи, шу жумладан ахборотдан фойдаланувчилар томонидан ушбу ахборотни муҳокама қилиш учун эълон қилувчи жисмоний шахс. | is a person who has internet web page or profile in social media and who is able to enter or post information which has social-political, social-economic character that allows to its subscribes to discuss the information and share their opinions about that information. |
| Блог – | Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги жисмоний шахсга тегишли веб-сайт ёки веб-сайт саҳифа. | is a person who has internet web page or profile in social media and who is able to enter or post information which has |

| | | |
|------------------------------------|--|---|
| | | social-political, social-economic character that allows to its subscribers to discuss the information and share their opinions about that information. |
| Блогпост – | блогернинг ўз интернет саҳифасида эълон қиладиган материали. | the material or information that has been posted and broadcasted by the blogger. |
| Болон жараёни – | олий таълимда ягона Европа тизимини вужудга келтириш мақсадида Европа давлатлари таълим тизимини бир-бирига яқинлашуви ва мослашиш жараёнидир. | Assimilation of the education systems between European countries to create common and unique system of higher education in Europe. |
| Дебат – | маълум бир мавзунини муҳокама этиш, баҳс-мунозара усули. | exchange of the information by the way of arguing and analyzing the common topic or subject. |
| Дифференциаллашган таълим – | талабанинг мойиллиги, қизиқиши ва қобилияти эътиборга олинган ўқув фаолияти табақалаштирилган жараён. | differentiated from differentiated from– the student's aptitude, interest and ability in the evaluation of educational activities differentiated process. |
| Дидактик тамойиллар – | натижавийликни таъминлайдиган таълим жараёнига қўйилган энг муҳим талаблар тизими. | in which the system requirements are the most important in the educational process. |
| Инновация – | (инглизча “innovation” – “ин” – янги, “вақцион” киритиш, қўллаш, татбиқ этиш), янгилик | (innovation – English, “in” – new “vation” entering, applying) innovate and applying the innovation in |

| | | |
|-----------------------------|--|--|
| | киритиш, янгиликни амалиётга татбиқ этиш жараёни сифатида тушунилади. | current environment. |
| Кейс-стади – | инглизча case – вазият, ҳолат, study -ўрганиш. Кейс-стадида баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган ўқитиш усулидир. | English Chassis situation, the studio trick. Case-stages and trained the way of solving the problem formulation and the purpose of his options Search Ref real or artificially created situation based on the analysis of the problematic situation teaching methods. |
| Креативлик термини – | англия-америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради. | Creation term - The Anglo-American psychology for 60 years. He said the creation of a new concept in the individual, and the ability to create new skills, cultivate. |
| Медиа – | (лотинча - medium, яъни восита, воситачи, усул) турли кўринишдаги коммуникация ва ахборот воситасини англатади. Медиа тушунчаси мазмунига ахборотни яратиш, нусхалаштириш, тарқатиш воситаси ҳамда муаллифлар ва оммавий аудитория ўртасида ахборот алмашинуви- | (medium – latin, lever, intermediate, method, resource) means different types of information resources. Media includes the sources of creating, copying, spreading information and technic instruments of exchanging it between authors and public users. Nowadays, the terms ‘media’ is being |

| | | |
|----------------------------------|---|---|
| | нинг техник воситалари киради. Бугунги кунда медиа атамасидан ОАВ ёки масс-медиа тушунчаларининг синоними сифатида фойдала-ди. | used as an synonym of 'mass media'. |
| Модератор – | Қабул қилинган қоидаларга амал қилиш текширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглар ва давра суҳбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради. | has responsibilities such as assessment of students in following the rules and regulations of the university, development of independent thinking and decision making skills and abilities in students. Besides, moderator also controls the seminars, lectures and trainings to come to the common conclusion at the end of the class. |
| Модернизация – | объектни такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш, уни янги талаб ва меъёрларга, техник шарт-шароитларга, сифат кўрсаткичларига мослаштириш. | The modernization– item improvement, improve, and update it to the new requirements and standards, technical conditions, adjust the quality indicators. |
| Мотивлар – | бу ички кучлар бўлиб, эҳтиёжлар билан боғланган ва у шахсни белгили фаолиятга ундайди. | Motivated– This link with the needs of the internal forces of the persons and activities for them. |
| Оммавий коммуникация – | жамоатчилик манфаатига бевосита алоқадор бўлган ахборотни оммавийлик мавқеи даражасида узатиш туш-ди. | broadcasting information related to public on the level of importance of the information to its users. |
| Перцептив билиш фаоляти – | бу фаолиятнинг шундай наъмунасики, унда | Pertseptiv know - This activity na'munasiki, |

| | | |
|--|---|---|
| | предмет, воқеа, ҳодиса ва улар ҳақидаги айрим маълумотлар белгилари ва мазмуни оғзаки ва ёзма нутқ воситасида акс эттирилади. | items, events, actions, and they have some information about the signs and the content is displayed by means of the spoken and written. |
| Потенциал креативлик – | Н.М Гнатъконинг фикрича, муайян ташқи шароитларда фаол креативликка айланишга назарий тайёр шаклда намоён бўладиган индивидиумнинг потенциал жойлашишини англатувчи креатив фаолиятдир. | The potential creativity - N.M Gnatkon that certain external conditions to become active creative theoretical description indicating the location of an individual's potential and creative activities. |
| Продуктив фаолияти – билиш | фаолиятнинг шундай намунасики, у турли тоифадаги ижодий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган. | Knowledge of productive activity – obrazets activities aimed at the various categories of creative tasks. |
| Проспектив рефлексия – | бу фаолиятнинг амалга ошишига бўлган талабнинг ҳукм суриш динамикаси. | A prospective reflection - the dynamics of the terms of the demand for this activity is carried out. |
| Репродуктив фаолияти – билиш | бу фаолият билимларни амалий ва ижодий фаолиятда пировард натижада қайта ишлаб чиқиш билан боғлангандир. | Knowledge of reproductive activity– this knowledge in a practical and creative work, ultimately developing a connection with. |
| Ретроспектив рефлексия – | бу "содир этилган фаолият тарихининг ретроспектив тикланиш шаклидаги рефлексиясидир". | Retrospective reflection - "took place in the form of retrospective reconstruction of the history of reflection". |
| Рефлексия – | (лотинча Reflexio- ортга қайтиш) субъектнинг ўз (ички) психик туйғу ва ҳолатларини билиш | (Latin Reflexio- back) the entity's own (internal) cases of mental and emotion is seen as a |

| | | |
|--|---|---|
| | жараёни сифатида қаралади. | learning process. |
| Ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизими, асосий йўналишлари – | Ўз давлати ва мамлакатининг давлат таълим стандартлари ва ҳукумат томонидан таъсис этилган қонунда белгиланганидек амалга оширилади. Асосий йўналишлари: Тарбия, таълим, маълумот, умумий педагогика, ёшлар педагогикаси, оила педагогикаси, махсус педагогика, педагогика тарихи, кузатиш, суҳбат, эксперимент, ўқув муассасаси ҳужжатларини ўрганиш, тестлар. Тарбия жараёни, тарбия қонуниятлари, тарбия тамойиллари, тарбия усуллари. | follows the requirements and regulations of government institutions. Main directions: education, information, common pedagogy, youth pedagogy, family pedagogy, special pedagogy, history of pedagogy, observation, conversation, experimentation, familiarization of documentation in educational institution and tests. Process of education, its rules, regulations, requirements and its methods. |
| Таълим сифати – | бу таълим жараёнининг турли қатнашчиларини ўқув муассасаси томонидан кўрсатилган таълим хизматларидан қониқиб даражаси ёки таълимда қўйилган мақсад ва вазифаларга эришганлик даражаси. | The quality of education - various school education by the masses of the participants in this learning process the level of satisfaction with the services or the level of achievement of the goals and objectives in education. |
| Таълим турлари – | сократча суҳбат методи, анъанавий таълим, изоҳли-намунали (иллюстратив) таълим, билимларни мустақил эгаллаш, дастурлаштирилган таъ- | the Socrat's conversation method, the traditional method, explanatory (illustrative) education, independent study method, planned education, |

| | | |
|---------------------------------|--|--|
| | лим, таълимни алгоритм-лаш жараёни, дифференциацияли, индивидуал таълим ва бошкалар. | Algorithm education process, differentiation, individual study etc. |
| Тизим – | объект сифатида жуда мураккаб ва маълум шаклда тартибланган (узлуксиз таълим тизими, таълим-тарбия жараёни ва шу кабилар) ички тузилмага эга бўлган жараёнларда намоён бўлади ва қаралаётган жараённи тизимий ўрганишга имконият яратади. | System– the object is very complex and shape (continuous education system, education, etc.), internal structure, the processes, and the precedence opportunity to learn the system. |
| Тьютор – | (<i>Tutorem-лотинча</i>) устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан талаба орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда маърузачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради. | (TUTOREUM - latin) tutor/teacher performs mission of instructor. In some cases plays the role of connector between lecturer and student. In this situation, the tutor aims to assist student to gain knowledge provided by the lecturer. |
| Фаол мулоқат – | программа ёки тизимга тегишли галма –галдан киришиш қабул қилиш ва жавобини чиқариш. | Effective communication - software or use recycled - galdan Started making and response. |
| Фаолиятдаги креативлик - | фаолиятнинг бирор турида ижодий фаоллик кўрсатувчининг бевосита тайёргарлигини таъминлайдиган фаолиятининг у ёки бу тури тавсифли | Operating any kind of creative activity creative activity guidelines, providing direct training activities or the potential characteristic of this type |

| | | |
|--|---|--|
| | потенциал креатив индивидумнинг индивидуал тавсифлари алоқаларини юзага келтиради. | of creative individual characteristics of individual bonds. |
| Фасилитатор – | (инглиз тилида <i>facilitator</i> , латинча <i>facilis</i> –енгил, кулай)- гуруҳлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги коммуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради. | (facilitator – English, <i>facilis</i> – latin easy, comfortable) a professional who is responsible for effective evaluation of group performance, providing direction in problem solving and development of communication within the group members. |
| Фикрлаш фаолияти – | умумлаштириш ва абстракциялашнинг олий даражасига кўтарилади, ҳодисаларнинг сабабий боғланишлари йўналишини оширади, унда аҳволни асослаш ва исботлаш малакаси шаклланади, фикрлашда танқидийлик ривожланади. | To generalize and abstract forcement high-level rise, increases the bonding direction of the reason for the event, based on the situation and to prove competence is formed, develops think tanqidiylik. |
| Формал назария ёки дидактик формализм – | таълим мазмунини қобилятлар ва билишга бўлган қизиқишни ўстириш воситаси сифатида тушунтиради. | Formalizing the formal theory or didactic skills and knowledge of the content of education as a means of growing interest in quality. |
| Ҳиссиётни намоиш қилиш – | нафрат, қувонч, безовта бўлиш, интеллектуал ҳолатдаги ҳиссиёт. | Feeling - anger, joy, worry, and intellectual reactions to the case. |
| Эдвайзер – | (advisor-французча “avisen” “ўйламоқ”) талабаларнинг | (ADVISOR – French ‘avisen’ “to think”) a person who provides |

| | | |
|----------------------------------|--|--|
| | индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойихаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради. | professional recommendations to students in the process of writing coursework and dissertation. |
| Эвристик мустақил ишлар – | лекция, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарларда қўйилган айрим масала, муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир. | Intuitive independent studies, lectures, laboratories, workshops, seminars, some of the issues, the problems associated with. |
| Эмперик билимлар – | тасаввур - географик борлиқнинг ҳаёлий тасвири шакли, тасаввури, образи. | Empirical knowledge - imagination - the geographical shape of the image of the imaginary existence, the image of the imagination. |
| Эмпирик таълим – | тажрибага асосланган таълим тури. | education is based on experiments. |
| Ўрганиш – | бу меҳнат фаолиятини бажариш учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларни мунтазам эгаллаш жараёнидир. | A study of work required to complete the knowledge, skills and ability to take the regular process. |
| Ўрганиш методлари– | билим, малака ва кўникмаларни ижодий эгаллашга ҳамда методик ва ғоявий-сиёсий эътиқодларни ишлаб чиқишга қаратилган талабаларнинг илмий билиш фаолияти усули сифатида белгиланади. | Research methods of knowledge, skills and creative skills, which aimed to develop a methodological and ideological and political beliefs of students is defined as a method of scientific knowledge. |
| Ўқитиш методлари– | махсус таълим жараёнида ўқитувчи томонидан мақсадга эришиш учун қўлланувчи йўл ва усуллар | the combination of strategies and plans that is used by the tutor in the special process of education. |

| | | |
|-----------------|---|---|
| | Йиғиндиси. | |
| Ўқитиш сифати – | таълим муассасаси бити- рувчисининг билим ва малакаларини педагогик талабларга мос келган ҳолда меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминловчи даража. | The quality of teaching to meet the pedagogical knowledge and skills of the graduates of educational institutions from the level of competitiveness in the labor market. |

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Иванов Ю.В. Методика преподавания географии. –Брест: БрГУ, 2012- 420 с.
2. Кодекс образования Франции. Законодательная часть. – М.: Статут, 2003. – 270 с.
3. Маматова Я., Сулаймонова С. Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида. (ўқув қўлланма) –Т.: «Extremum-press». 2015.
4. Мухторов А. ва б. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012.
5. Никадамбаева Ҳ.Б. «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитиш жараёнига компьютер ва педагогик технологияларни татбиқ этиш бўйича услубий қўлланма. – Т.: ЎзМУ, 2011. – 115 б.
6. Никадамбаева Ҳ.Б. «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш методикаси (олий таълим мисолида): Пед. фан. ном. илм. даража. ...диссер. – Т., 2012. – 222 б.
7. Никадамбаева Х.Б. «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш методикаси (олий таълим тизими мисолида) монография Тошкент. МУМТОЗ СЎЗ. 2016. 263 б.
8. Нохара Х. Реформа государственных университетов и научных исследований в Японии // Экономика образования. – 2008. – № 3. – С. 77–82.
9. Окун В. Введение в общую дидактику. – М.: Высшая школа, 1990. – 382 с.
10. Олий таълимнинг меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами. –Т., 2013.
11. Петиненко И.А., Ткач А.А. Система образования Японии: что ведет эту страну к успеху? // Вестник Томского государственного университета. – 2012. – №2(18). – С. 174-179.
12. Система образования США: контроль над системой образования и ее развитие – www.infousa.ru/education/ch2.htm (17.05.2011).

13. Tolipova J.O. Biologiyani o'qitishda pedagogic texnologiyalar. – T.: TDPI. 2011. – 159 б.
14. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. Концепция конвергенции и интеграции подходов к обучению, ориентированных на ожидаемый результат учению и на процесс развития мышления. – Гулистан, 2003. – 143 с.
15. Щербак Е.Н. Зарубежные образцы системы управления высшим образованием (на примере образовательных стандартов Франции и США) // Образование и право. – 2012. – № 9 (37). – С.79-87.
16. Эрхольм Л. Децентрализация системы высшего образования: опыт Швеции в Европейской перспективе // Предпринимательство и преобразование российских университетов. – Ростов н/Д: Изд-во Рост. ун-та, 2003. – С.50-62.
17. Dr.S.Harichandan, Dr.Asam Shaik, Mrs. Sujana Sunni. Methodos of teaching geograph. English, 2009. – 93p.
18. Mons N. Décentralisation: y a-t-il une exception française? Les enseignements des comparaisons internationales // La revue de l'inspection générale 03 "Existe-t-il un modèle éducatif français ?" – P., 2003. – P.108-115.
19. Katz E. The End of Journalism? Notes on Watching the War // Journal of Communication. 1992. No 42(3). – P. 9.
20. Kawamoto K. News and Information at the Crossroads: Making Sense of the New On-line Environment in the Context of the Traditional Mass Communication Study // The Electronic Grapevine: Rumor, Reputation and Reporting in the New On-line Environment / Ed. by D. L. Borden and K. Harvey. Mahwah: Erlbaum, 1998.– P. 173-188.

Интернет манбалари

1. www.press-service.uz
2. www.gov.uz
3. www.glossaiy.uz
4. www.infocom.uz
5. www.edu.uz
6. www.pedagog.uz
7. www.tdpu.uz
8. www.grain.ru
9. www.plantprotection.com
10. www.alias.ru
11. www.chemistry.ru
12. www.tdpu.uz
13. www.pedagog.uz
14. [tdpu-INTRANET. Ped](#)
15. www.mmlab.ru